

1) УЗЛ  
Нажиб Маҳфуз



Сир күнилек  
дахт

Нажиб Махфуз



*Дар кунисак  
даҳм*

Тошкент  
«O'zbekiston»  
2016

УЎК 821.512.133-3

КБК 84(5ББА)

М 32

Рус тилидан  
Лола ШОИМОВА таржимаси

### **Махфуз, Нажиб**

М 32 Бир кунлик баҳт: ҳикоялар/Н.Махфуз;  
рус тилидан Л. Шоимова таржимаси. – Тошкент: «O'zbekiston», 2016.  
– 168 б.

1911 йили Коҳирада амалдорлар оиласида дунёга келган Нажиб Махфуз Коҳира Давлат Университетининг фалсафа факультетини тамомлаган. Унинг «Ибтидо ва интиҳо», «Муддақ кӯчаси», «Ўғри ва ит», «Ёмғир остидаги севги», «Йўл», «Бечора» каби асарларини ҳозиргача китобхонлар севиб мутолаа қилишади.

1988 йили «Башарият учун аҳамиятли булган араб ҳикоячилигининг ҳаққонийлиги ва ранг-баранглигини кўрсатиб бергани учун» адигба адабиёт соҳасида Ноғбель мукофоти берилади.

Нажиб Махфуз ўз ҳикояларида шундай инсонларни таъсирлайдики, улар оддий касб эгалари, гарчи киракаш ёхуд камбағал оила фарзанди бўлсаларда, қаҳрамонларни қийнаётган саволлару жумбоклар ўқувчини-да ўйга толдиради, босиб ўтган умр йулига ўғирилиб қарашга мажбур этади. Кулги, фожиалар или бойитилган ҳикоялар, шубҳасизки, чуқур фалсафа билан ҳам сугорилган. Биздан талаб қилинадиган нарса эса уларни ўқиш ва уқишидир.

УЎК 821.512.133-3

КБК 84(5ББА)

ISBN 978-9943-28-503-3

© Нажиб Махфуз, 2016  
© «O'zbekiston» НМИУ, 2016

---

## ШАХРИЗОДА

### 1

- Алло!
  - Бу Маҳмуд Шукрий жанобларими?
  - Ҳа...
  - Безовта қилганим учун узр. Сизда гапим бор эди.
  - Ким билан гаплашаяпман, ўзингизни таништирангиз?
  - Исмимнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Сизга қўнгироқ қилиб, дардини дастурхон қиласиган, ҳар куни ҳасратлашадиган инсонлардан бириман.
  - Кулогим сизда.
  - Афсуски, менинг ҳикоям узундан ўзок.
  - Ундей бўлса... Балки ҳикоянгизни қофозга тушириб юборарсиз?
  - Буни қофозда тўлиқ ёритиб беролмайманми, деб қўрқаман.
  - Таҳририятга, олдимга келоласизми?
  - Йўқ... боролмайман... ҳозир боролмайман.
- Номаълум аёлнинг мулоим ва жарангдор овози ёқимли туюлди. Унинг: «Ҳозир боролмайман», – деган гапи эътиборини тортди.

- Унда нима қиласыз?
  - Агар ҳар куни үзингизга қулай вақтда менга бир неча дақиқанлизни ажратолсан-гиз, құнғироқ қилишим мүмкін.
  - Қизиқ тақлиф-ку. Бу менга «Минг бир кеча» әртакларидаги Шахризодани эслат-япти.
  - Шахризода? Накадар ажойиб үхшатиши! Вақтингчалик шу исмни үзлаштиришга рух-сат берасизми?
- У кулиб, жавоб берди:
- Шундай қилиб, подшоҳ Шахриёрнинг қулоғи сизда.
- Аёл ҳам құнғироқдай овозини жарангла-тиб кулиб юборди.
- Билмадым, менинг ҳикояларим сизни зериктириб қўймасмикин? Боя айтганим-дай бу ҳикояларим жуда ғамгин ва узун.
  - Жон қулоғим билан тинглайман сизни.
  - Фақат бир илтимосим бор: тинглаш-га вақтингиз бўлмаса, менга тўғрисини ай-ting.
  - Яхши.
  - Бугун сизнинг жуда кўп вақтингизни ўғирладим. Агар иложи бўлса, сұхбатимизни эртага давом эттирасак...
  - Хоҳишингиз...
  - Тўғрисини айтсам, мени сизнинг мақо-лаларингиздаги инсонга бўлган мухаббат ва инсонпарварлик ғоялари үзига тортди...
  - Ташаккур билдираман.
  - Яна ташқи қиёфандын ҳам...

- Ташқи қиёфам?
- Ҳа, бир журналда расмингизни кўрдим. Кўзларингиздаги ҳамдардлик ва хайриҳоҳликни кўриб, нима учун барча эзилган ишларни тушундим.
- Раҳмат, раҳмат, сиз менга хушомад қиляпсиз.
- Йўқ, сиз мен учун бу дунёдаги охирги илинжим эканлигингизни айтмоқчи эдим...
- Маҳмуд Шукрий гўшакни қўйиб жилмайди. Ўйланиб турди-да, яна ишига шўнғиди.

## 2

- Алло!
- Бу мен Шаҳризодаман.
- Жуда хурсандман. Қўнғироғингизни кутиб ўтиргандим.
- Вақтингизни олмаслик учун ҳикоямни бошласам.
- Эшитаман.
- Болалигим оғир ўтган. Биз онасиз ўсганмиз. Биз деганим — мен ва ўзимдан икки ёш катта опам. Отам иккинчи марта уйланди, аммо орадан кўп вақт ўтмай ватот этди. Биз амакимнинг қўлида қолдик.
- Бу қайгули воқеа анча илгари бўлган, шекилли?
- Ҳа, уни эсламасликнинг иложи йўқ, лекин буни айтиб ўтишга мажбурман. Ама-

ким бизга ёмон муносабатда бўларди. Ҳар биримиз ойига беш фунтдан нафақа олардик. Бу пулларнинг бир чақасини ҳам ишлатмай, қўшқўллаб амакимга топширадик. Амаким шунда ҳам бизни текинхўр деб хўрлаб, ишлашга мажбурларди. Ишлаймиз, деб мактабни ташлашимизга тўғри келди.

– Сизга раҳмим келяпти...

– Мени бир ҳарбий йигитга унаштиришибди. Амаким отамдан қолган уйни сотиб, тўй учун зарур бўлган буюмларни харид қилди. Бўлажак турмуш ўртоғим камбағаллигимга эътибор бермади. Биз бир-биримизни жуда севардик. Тўйдан кейин ҳам бу ҳис бизни тарк этмай, сақланиб қолди.

– Менимча, сиз ниманидир яширяпсиз.

– Йўқ, ҳамма гап эримнинг бўларбўлмасга пул сарфлайдиган исрофгар инсон бўлиб чиққанлигига. Чўнтағида пул пайдо бўлдими, эртанги кунини ўйламай, пулни тийин-тийинигача совуриб юборарди. Уни бу йўлдан қайтаришга қанчалик ҳаракат қилмай, қайтаролмадим, қўлимдан келмади.

– Агар хафа бўлмасангиз, бир саволим бор эди. Унинг бундай инсонга айланишида ўзингизни айбдор ҳис қилмаяпсизми?

– Йўқ, асло... Мен оиласизни сақлаб қолишга жон-жаҳдим билан ҳаракат қилдим. Уни силаб-сийпаладим, эркаладим, вақти келганда қаттиқ гапирдим ҳам....

– Ақлли иш қилгансиз.

Назаримда, сиз менга ишонмаяп-  
сиз. Ҳозир эркакнинг ёмон йўлга кири-  
шида аёлнинг айбдорлиги ҳақида ёзган  
миколаларингиз ёдимга тушди. Мен нима  
кила олардим? Эрим ойлик олганида рўзгор  
учун ялиниб-ёлвориб пул сўрадим. У эса  
уйга улфатларини бошлаб келиб, тонгга  
идар маишат қилас, эрталаб яна уйда ҳеч  
шако қолмасди.

— Унда рўзфорга пулни қаердан олар-  
дингиз?

— Эрим амакимдан, опамдан пул сура-  
шимни талаб қиласди. Аммо бу бефойда  
эди. Чунки амаким ҳеч қачон пул бермас,  
опамнинг ўзи ҳам пулга муҳтоҷ эди. Эрим  
тинимсиз танишларидан қарз олар, тобора  
қарздорлик ботқоғига ботарди. Ҳаётимиз  
жаҳаннамга айланди.

— Ҳа... Ҳақиқатан ҳам қийин.

— Оиламиз бузилди — биз ажрашиб кет-  
дик. Опамнинг уйига қайтиб бордим. Энди  
менга отамнинг нафақасини беришни ҳам  
тўхтатишганди. Мен учун азобли ва қора  
кунлар бошланди.

— Сизнинг бор баҳтсизлигингиз шундан  
иборатми?

— Шошилманг. Биз ҳали ўтмишда юриб-  
миз. Ҳикоямни чўзмайман... Орадан бир  
йил ўтгач, собиқ эрим мени учрашувга так-  
лиф қилди. Учрашганимизда у айрилиқда  
ўтган бир йил унга жуда кўп нарсаларни  
тушунишига ёрдам берганлигини, энди у

умуман бошқа одамга айланганини айтди. Сұхбатни давом эттириш учун биз эрим билан у яшаётган Қаср ан-Нил күчасидаги меңмөнхонага йүл олдик. Хонаға кирап-кирмас эрим мени күчоқлаб, ажрашгани-миздан кейин ёлғизлиқдан, чорасизлиқдан қийналганини қайта-қайта тақрорлади.

– Шундай қилиб, таслим бүлдингиз, тұғрими?

– Ҳа. Ахир у мен учун бегона әмасди... Хайрлашарканмиз, у әртага амакимга учрашиб, никохимизни қайта тикаш тұғрисида гаплашишини айтди.

– Жуда секин гапирыпсиз, овозингиз әшитилмаяпты.

– Кейинчалик маълум бўлишича, у мен билан учрашган вақтда бошқа аёлга унаштирилган экан. Бир ҳафтадан кейин унинг түйи бўлди. У мени шунчаки эрмак қилганди.

– Қандай аглаҳлик!

– Вақтингизни олмай, бугунга етади. Эртагача!

### 3

– Алло!

– Ассалому алайкум! Бу мен Шахризодаман.

– Ваалайкум ассалом.

– Жонингизга тегмадимми?

– Аксинча. Давом этинг, илтимос.

- ...Опамнинг уйида яна бир оз муддат ишадим ва уларга оғирлигим тушаётганини, мени ёқтиришмаётганлигини тушундим.
- Буни қандай билдингиз?
- Ҳис қилдим, ички ҳиссиётим мени ҳеч қачон алдамайди.
- Тушунмадим. Ахир, у туғишиган опангиз-ку. Авваллари у билан бир бурда нонни бўлишиб егансиз!
- Ҳаёт шунаقا экан-да...
- Поччангиз туфайли опангизницида тургингиз келмадими?
- Шундай деса ҳам бўлади...
- Поччангизга унинг уйида яшаганингиз ёқмадими?
- Бўлиши мумкин... Нима бўлган тақдирда ҳам, опам билан қариндошлилик ришталари узилмасдан, унинг уйидан кетишим лозимлигини тушундим.
- Кетишингизнинг асосий сабабини бари бир яшираяпсиз. Ўйлашимча, опангиз эрини сиздан рашк қилган. Барчасига рашк сабаб бўлган, тўғрими?
- Аникроғи, шубҳа-гумонлар.
- Яна амакингизнинг уйига қайтдингизми?
- Бу вақтда амаким оламдан ўтганди. Ижарага кичикроқ уй топдим.
- Тирикчилик учун пулни қаердан олдингиз?
- Қўлга илингулик барча буюмларимни сотдим, кейин иш қидира бошладим.

Хар қандай ишни бажаришга рози эдим. Эсласам, құрқиб кетаман, жуда оғир дамлар эди. Ейишга овқатим йүқ, деярли оч юрадим. Очлик ҳисси нима эканлигини шунда тушундим. Ҳатто бир күн тушкунликка тушганимдан күчадаги нотаниш эркак-нинг таклифига күнишимиңга бир баҳя қолди. Ҳар куни кечқурун деразамдан осмонга қараб: «Эй Худо, менга раҳминг келсин, үзинг мадад бер, очдан үлиб қолмай», – деб илтижо қиласадим. Очликдан сұлайиб қолған вақтларим иложсиз опамниги овқатланиш учун борардим. Улар қорнимни түйғазишаради-ю, ҳолинг не кечмоқда, деб бир оғиз ҳам сұрашмас, ақволимни күришса-да, үзларини гүлликка солишаради.

– Даҳшат!

– Бир куни газета варақлаб үтирганимда, бир эълонга күзим тушди: «Кекса эркак-ка уй бошқарувчи аёл керак. Ойликдан ташқари овқат ва кийим билан таъминланади», – деб ёзилган эди.

– Фойибдан мадад.

– Яшаётган уйимни ижарага топшириб, иккиланмасдан газетада күрсатылған манзил томон шошилдим.

– Хайрли якун, агар бу одам жуда ёрдамга муҳтоҗ бўлса, фақат ёрдамга... Тўғрими?

– У жуда кекса киши эди. Мен унга ошпазлик ҳам, хизматкорлик ҳам, ҳамши-

ралик ҳам қилардим. Ҳатто газета ҳам ўқиб берардим.

– Жуда яхши...

– Энди менинг қорним түқ, очлик ҳақидаги ўйларим ўтмишда қолганди. Аллоҳдан ягона илтимосим, мени очлик, қашшоқлик балосидан күтқарған бу инсоннинг умрини узоқ қилишни сўрадим.

– Кейин-чи?

– Бир куни унга газета ўқиб берадиганимда таниш эълонга кўзим тушиб қолди: «Кекса эркакка уй бошқарувчи аёл керак». Эълоннинг пастида бизнинг манзилимиз турарди.

– Бўлиши мумкинмас!

– Мен саросимага тушиб, эълонни яна бир марта унга ўқиб бердим. У кўзларини олиб қочиб, индамади. Хўжайниндан мени нима учун бўшатаётганлигини сўрадим. У лом-мим демади.

– Қизик, бари бир бирор сабаби бўлгандир?

– Мен ҳам шуни тушунмадим.

– Орангизда... Уй юмушларини бажаришдан бошқа вазифангиз йўқмиди?

– Деярли.

– Нима деярли? Очикроқ гапиринг.

– Баъзида хўжайнин унинг кўз ўнгидагинишимни талаб қиласарди.

– Сиз кўнармидингиз?

– Йўқ, мен ўз вазифамни билардим.

– Унда нега у бошқа аёлни хоҳлаб қолди?

– Ким билади дейсиз? Унинг айтишича, ҳар куни битта аёлни кўриш эркак кишининг тез кўнглига ураркан. Ундан мени ҳайдаб юбормасликни, борадиган жойим йўқлигини, ёлғизлигимни, бу дунёдаги ягона илинжим у эканлигини, фикридан қайтишини ялиниб-ёлвориб сўрадим. Хўжайн қайсалик билан «йўқ» деб туриб олди. Охир-оқибат у менинг кўзимга хунук ва ёқимсиз кўринди. Кетишдан бошқа иложим қолмади.

#### 4

– Алло!

– Хайрли кун! Бу мен Шаҳризодаман.

– Салом, Шаҳризода. Сизнинг ҳикоянгиз мени қизиқтириб қўйди.

– Миннатдорчилик билдираман, Шукрий афанди. Юрагим бекорга сизга қўнғироқ қилишим кераклигини буюрмаган. Ҳикоямни давом эттираман. Аввалги ижара уйимга қайтдим. Ижарачига ўзимга уй зарурлигини, зудлик билан уйни бўшатишими сўрадим. Ижарачи қирқ ёшлардаги оддий хизматчи эркак эди. Аввалига у чиқиб кетишига кўнмади ва бирдан: «Келинг, бирга яшайлик», – деб таклиф қилди. Мен рози бўлдим. Бошимга тушган турли синовлардан иродам синганилиги боис ҳамма нар-

сага бефарқ, лоқайд қарайдиган бўлиб қолгандим.

– Сиз бу таклифнинг маъносини тушундингизми?

– Уй икки хонадан иборат эди. Эркак бир хонани менга бўшатиб берди. У ёғи нима бўлганини ўзингиз англағандирсиз?

– Сиз унинг мақсадини дарров тушундингизми?

– Ҳа. Тўғрисини айтсам, у ёмон одам эмас, хушмуомала ва раҳмдил инсон эди.

– Унда яхши!

– Йўқ, тўхтанг. Худди шу ижобий фазилатлари учун мен уни йўқотдим.

Кунлардан бир кун у менга: «Биз бир-биримизга жуда ўрганиб қолдик. Яхшиси ажрашганимиз маъқул», – деди. «Ажралишимиз керак?», – десам, «Ҳа, ажралишимиз керак», – деди. Мен ундан, турмуш қурайлик, деган таклифни кутгандим. У эса... ажралишни истади.

– Бу энди ақлга сифмайдиган гап.

Мен ундан бунинг сабабини сўраганимда у менга: «Уйланолмаслигимнинг жиддий сабаби бор, шунинг учун ажрашишимиз лозим», – деди. Мен ундан ҳеч қачон ҳеч нарса талаб қилмаслигимни, ҳаммаси олдингидаи қолишига розилигимни билдиридим. У менинг таклифимни қатъий равишда рад этди: «Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Қачонлардир вақти келиб, ўзингни ёлғиз ҳис этасан, пулсизликдан

қийналасан. Шунинг учун ҳозир ажрашга-  
нимиз маъқул».

– Фалати одам экан. Уни раҳмдил ин-  
сон, деб таърифлагандингиз, қилиқлари  
эса худбин ва ўзидан бошқасини севмай-  
диган кимса эканлигини кўрсатиб турибди.

– У кетди... Мен яна ёлғиз қолдим...

– Жуда ачинарли ҳол.

– Ҳа, бошимга жуда кўп оғир савдо-  
лар тушди. Кунларнинг бирида, эридан би-  
ринчи марта ажрашган аёлларга ҳукумат  
нафақа тайинлаш тўғрисида янги қонун  
чиқарганлигини эшитиб қолдим. Мен айнан  
шу тоифага кирадим.

– Аллоҳга шукур!

– Албатта, бу нафақа арзимас бўлса-да,  
мен учун катта нарса эди. Чунки ҳаётимда  
фақат йўқотишларга кўникиб қолгандим. Бу  
пайтда мен тикувчиликни ўрганиб, пул топа  
бошладим. Тикиш мени очлиқдан ва нав-  
батдаги мағлубиятдан сақлаб қолди.

– Хайрият, яхши кунларга ҳам етиб ке-  
либсиз.

– Ҳа, Аллоҳга шукур. Аммо мен шу ерга  
етганда ҳақиқий баҳтсизлик нималигини  
англадим.

– Ҳақиқий баҳтсизлик?

– Ҳа, буни бир сўз билан «ёлғизлик»  
деб аташ мумкин.

– Ёлғизлик?

– Менинг на эrim, на фарзандим, на  
дўстим, на маҳбубим бор. Туну кун тўрт

девор орасида ёлғизман. Күнгил очадиган ҳеч нарса йүқ. Ойлаб бир оғиз сүз қотишга инсон тополмайман. Жаҳлдор ва асабий бўлиб қолганман. Баъзида ёлғизликдан ақлдан озаяпман деб ўйлаб қоламан... Жонимга қасд қилгим келади...

- Йўқ, йўқ. Сиз шунча қийинчиликларни енгган иродали ва бардошли аёлсиз. Эртами-кечми, Аллоҳнинг раҳми келиб, ўзингизга мос одамни учратасиз.

- Менга мос одам ҳақида гапирманг! Икки болали бева эркак совчи қўйди. Аммо мен кўнмадим. Энди мен ҳеч кимга ишонмайман. Иккинчи марта эрдан ажрашишдан кейин нафақадан қуруқ қолишим мумкин. Менинг бор сармоям шу нафақа.

- Ахир, икки фарзанднинг отаси бўлган эркак ўз аёлини ташлаб қўймас! Ҳар қалай, у ҳам ёлғиз қолишни хоҳламаса керақ.

- Эрга тегиш деган фикрнинг ўзи қонимни қайнатади. Эрга тегиш деганда мен истиқболсиз, хорлик ва зорлиқдаги келажакни тушунаман.

- Яна бир марта ўйлаб кўринг...

- Йўқ, бунинг иложи йўқ. Энди яна ким гадир ишонишга журъатим етмайди.

- Унда ёлғизликдан қандай кутулмоқчисиз?

- Ҳамма гап шунда-да!

- Бу муаммони ечишни ўзингиз рад этаяпсиз.

– Эрга тегишдан бошқа ҳар қандай ишга розиман!

Маҳмуд Шукрий ўйланиб турди-да, кейин сўради:

– Агар рози бўлсангиз, балки учрашармиз...

– Жуда хурсанд бўлардим.

...Маҳмуд Шукрий жилмайиб қўйди. Аёл унга дўстликни таклиф қиляпти, эвазига ҳеч нарса талаб қилмаяпти, уйланиш ҳам шарт эмас. Нега бундай имкониятни қўлдан бой бериш керак? Агар ўзи ҳам овози каби гўзал бўлса, нега энди навбатдаги саргузаштни ўтказиб юбориши керак? Балки гапирган гаплари ёлғондир? Бўлиши мумкин... Охирги пайтларда кинематография аёлларда ижодга бўлган катта қобилиятларни кашф этгани ҳаммага маълум. Ҳамма нарса бўлиши мумкин... Асосийси, у гўзал аёл бўлса бўлди. Шунда унинг ҳаётида бирор бир янгилик, хилма-хиллик бўларди. Янги саргузаштлар ниҳояси қайгули бўлса-да, ўзи билан ёқимли лаҳзаларни олиб келарди. Бу дунё ўзи шундай яралган... У столни бармоқлари билан чертганча, ҳамон оғзининг танобини йиғиштиrolмасди...

## 5

Мана, сирли Шаҳризода унинг қаршисида пайдо бўлди... У аёлдан қўзини узмаган ҳолда ўтиришга таклиф қилди. Шаҳ-

ризода ўттиз ёшлардаги ёқимтой аёл эди. Аммо қадди дол бұлған, табассуми ҳам күпни күрган, ёши катта аёлларники каби ғамгин ва аччиқ эди. Ташқи қиёфаси ҳам чакки әмас. Гапирган гаплари ҳақиқатга үхшайды. Фақатгина турмушға чиқмаслик ҳақида айтган гаплари самимий әмасдек туолди. У ҳеч қачон оила қуриш ва фарзанд қуриш фикридан воз кечмаса керак. Ҳаммаси қуруқ гап. Бу билан унинг нима иши бор? Ожиз ва нотавон, турмушда омади чопмаган бечора бир аёл. У бунақа аёлларни ёқтирмасди. Маҳмуд Шукрий үзича хулоса чиқариб, ҳафсаласи пир бұлганини яширишга ҳаракат қилди ва ясама жиддий-лик билан деди:

– Хуш келибсиз. Сизнинг ҳикоянгиз мен-да катта таассурот үйғотди.

– Миннатдорман, – деди аёл чуқур. ҳұр-синиб.

– Сиз қийинчиликлардан құрқмаслигингиз керак!

– Мен...

Маҳмуд Шукрийда сұхбатта тезроқ якун ясаб, аёлдан қутулиш фикри пайдо бўлди. Шу мақсадда унинг гапини бўлиб, тингла-мади.

– Сиз менга қулоқ солинг. Сиз — кучли аёлсиз. Сизнинг буюклигингиз мана шунда. Ҳа, баҳтсизликлар бизни буюк қиласи. Ҳатто тасодифан қоқилиб кетсангиз ҳам буюклигингизча қоласиз. Сизнинг буюкли-

гингиз — ёлғизлигингиздадир. Йўқ, сиз ёлғиз эмассиз. Атрофингиз тўла одам. Улар сизга ёмонлик қилишини истамасангиз, уларга ишонишга ҳаракат қилинг! Акс ҳолда қандай яшаш мумкин? Одамларга, қудратли Аллоҳга ишониш лозим! Бизни қандай келажак кутишидан қатъи назар, ҳеч бир иккиланмасдан, ўйланмасдан ишониш керак!..

— Мен Аллоҳга ишонаман...

У аёлнинг юзида фамгин ва умидсиз табассум пайдо бўлганини кўрди. Аёл у ўйлагандан кўра ақллироқ эканлигини пайқади. Маҳмуд Шукрий хижолат тортиб, жўшқинлик билан ўз нутқини тугатди:

— Аллоҳга ишониш керак...

## ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

- Дада...
- Нима дейсан, қизалогим?
- Мен дугонам Надия билан ҳар доим биргаман.
- Бу яхши, қизим.
- Синфда ҳам, танаффусда ҳам, ошхонада ҳам.
- Жуда яхши. У одобли ва тарбияли қиз.
- Фақат дин дарсида мен бошқа синфда, у бошқа синфда ўтиради.

У дастурхон тикаётган хотинига назар тишлади. Хотини жилмайиб тикишини да-ном эттирди. Ота ҳам жилмайиб қизига жа-поб берди:

- Ахир бу фақат дин дарси пайтида-ку.
- Дада, нимага шу дарсда биз алоҳида-алоҳида синфда ўтирамиз? .

Чунки сенинг дининг бошқа, унинг дини бошқа.

- Нега динимиз бошқа?
- Сен мусулмонсан, у эса христиан.
- Нимага, дада?
- Сен ҳали кичкинасан, катта бўлсанг тушунасан.
- Катта бўлдим-ку.
- Йўқ, қизим, сен ҳали кичкинасан.
- Мен нима учун мусулмонман?

Ота бу саволга жавоб бериш учун сабр ва эҳтиёткорликни ишга солиб, замонавий тарбия усулларини бузмаслик керак, деган фикрга келди.

– Чунки сенинг отанг мусулмон, онанг мусулмон, шунинг учун сен ҳам мусулмонсан.

- Надия-чи?
- Унинг отаси ҳам, онаси ҳам христиан. Шунинг учун у ҳам христиан.

– Унинг отаси кўзойнак тақиб юргани учун христианми?

– Йўқ, бунга кўзойнакнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шунчаки, унинг бобоси ҳам христиан бўлган.

Ота қизчани зериктириш ва чалғитиши мақсадида барча авлод-аждодларини сабаб, савол беришдан тұхтатмоқчи бўлди-ю, улгурмади. Қизча уни яна саволга тутди:

– Дада, мусулмон бўлган яхшими ё христиан бўлган яхшими?

Ота бир муддат ўйланиб, жавоб берди:

– Униси ҳам, буниси ҳам яхши.

– Ахир, қайси биридир кўпроқ яхши бўлиши керак-ку!

– У дин ҳам, бу дин ҳам яхши.

– Балки Надия билан ҳар доим бирга бўлишим учун мен ҳам христиан бўлганим маъқулдир?

– Йўқ, қизим, бундай бўлиши мумкин эмас. Ҳамма ўзининг ота-онаси мансуб бўлган динда бўлгани яхши.

– Ахир, нимага мумкин эмас?

Ҳақиқатан ҳам замонавий тарбия бериш дегани осон нарса эмас экан!

– Катта бўлгунингча шу саволингга жавоб бермасам, сабр қилоласанми? – деди саволга савол билан жавоб берган ота.

– Йўқ, дада.

– Яхши. Мода нималигини биласан-а?

Ҳамманинг диidi ҳар хил, кимдир бир бичимдаги кийимни ёқтиrsa, бошқа одам ўзгача бичимдаги кийимни ёқтиради. Мусулмон бўлиш — бу энг сўнгти модада кийиниш дегани. Шунинг учун сен мусулмонлигингча қолишинг керак.

- Демак, Надия эскича модада кийинар акин-да?

- Эх, Надиянг билан даф бүлгүр қиз! Шунча эхтиёт бүлсам-да, хато қилиб күйдим,- деб ўйлади ота. - Энди хатомни түгрилашим лозим».

- Энди... Қандай кийиниш ҳамманыңниң диди ва хошиига боғлиқ, аммо ҳар бир одам ота-онасининг динига эътиқод қилиши керак.

- Надияга у эскича кийинишини, мен оса замонавий кийинишимни айтсам майлими?

Ота шошиб унинг гапини бүлди:

- Ҳамма динлар ҳам бирдай яхши. Мұсылмандар ҳам, христианлар ҳам Худога ишонишади.

- Нега унда улар бошқа-бошқа хоналарда Худога ишонишади?

- Чунки уларнинг ҳар бири ўзича ишонади.

- Ўзича дегани нима дегани?

- Сен буни келаси йил... йүк, бир йилдан кейин билиб оласан. Ҳозирча мусулмандар ҳам, христианлар ҳам Худога ишонишини билсанг етарли.

- Дада, Худо ким?

Қизининг бу саволидан ота ўзини йүқотиб қўйди. Узоқ ўйланди. Кейин вазминлик билан сўради:

- Мактабда ўқитувчинг у ҳақда нима деганди?

– У бизга сураларни ўқиб берди, дуоларни ёдладик, лекин мен ҳеч нимани тушунмадим. Дада, Худо ким ўзи?

Ота бироз ўйланиб туриб, жилмайганча мужмалроқ қилиб жавоб берди:

- Худо — бу оламнинг яратувчисидир.
- Атиги шуми?
- Ҳа, атиги шу.
- Яратувчи нима дегани?
- Бу дегани ҳамма нарсани ўзи яратган дегани.
- Қандай қилиб яратган?
- Ўзининг қудратли кучи, амри-ихтиёри билан.
- У қаерда яшайди?
- Бутун борликда.
- Борлик бўлмаган пайтда қаерда яшаган?
- Юқорида, тепада...
- Осмондами?
- Ҳа.
- Уни кўргим келаяпти.
- Бунинг иложи йўқ.
- Уни ҳатто телевизорда ҳам кўролмайманми?
- Ҳатто телевизорда ҳам кўришнинг иложи йўқ.
- Уни ҳеч ким кўрмаганми?
- Ҳеч ким.
- Унда Худонинг осмонда яшашини қаердан билдингиз?
- Чунки у ростдан ҳам осмонда яшайди.

- Унинг осмонда яшашини биринчи  
пўниб ким билган?

- Пайғамбарлар.

- Пайғамбарлар?

- Ҳа, Муҳаммад пайғамбар билган.

- У буни қандай билиб қолган?

- Ўзининг куч-қудрати туфайли.

- Унинг кўриш қобилияти кучли бўлган-  
ми?

- Ҳа.

- Дада, нима учун унинг кўриш қобилияти  
кучли бўлган?

- Чунки Аллоҳ уни шундай қилиб ярат-  
тин.

- Ахир, нима учун?

Отанинг сабр косаси тўлиб, зўрга жа-  
шоб берди:

- Чунки у нимани хоҳласа, шуни қилади.

- У қанаقا?

- У жуда кучли, жуда қудратли, қўлидан  
хамма нарса келади.

- Унда сизга ўшарканда-а, дада?

Ота кулгидан ўзини базўр тийди.

- Унга ҳеч ким teng келолмайди.

- Нимага у осмонда яшайди?

- Унинг учун ер торлик қилади. У ҳамма  
нарсани кўриб туради.

Қизча жим бўлиб қолди ва бироздан  
кейин деди:

- Аммо Надия уни ерда яшаган, деганди.

- У ҳамма нарсани билиб тургани учун  
ерда яшагандек туюлади.

- Надия яна уни одамлар ўлдирган деганди.
- У мангу яшайди, ҳеч қачон ўлмайди.
- Надия уни ўлдиришган, деганди-ку.
- Йўқ, қизим, У тирик. Одамлар уни ўлган, деб ўйлашади, холос.
- Бобом ҳам тирикми?
- Йўқ, бобонг ўлган.
- Бобомни ҳам одамлар ўлдиришганми?
- Йўқ, ўзи ўлган.
- Нимадан ўлган?
- Касал бўлган ва касалликдан вафот этган.
- Сингилчам ҳам касал-ку, энди у ҳам ўладими?

Хотинининг ғазабли нигоҳига дош беролмаган ота қовоғини уйиб деди:

- Йўқ, Худо хоҳласа, сингилчанг тузалади.
- Унда бобом нега ўлган?
- Бобонг қари ва касалманд эди.
- Сиз ҳам қари ва касалмандсиз, нимага ўлмаяпсиз?

Бу савол-жавобга дош беролмаган она қизчага бақирди. Қизча саросимада нигоҳини онасидан олиб, отасига қаради.

- Биз қачонки, Худо жонимизни олишни хоҳласа, шунда ўламиз, – деди зўрға жавоб топган ота.
- Худо нима учун жонимизни олишни хоҳлайди?
- Бу унинг хоҳиш-иродаси.

- Ўлим яхши нарсами?
- Йўқ, қизим, ёмон.
- Унда нимага Худо ёмон иш қилади?
- Худога керак бўлгач, одамлар ўлиши лозим.
- Бу ишни ёмон, дедингиз-ку.
- Мен хато қилибман, қизим.
- Дада, нимага сиз ўлмаяпсиз деганим да онамнинг жаҳли чиқди?
- Чунки Худо ҳали менинг ўлишимни хоҳламаяпти.
- У қачон сизнинг ўлишингизни хоҳлайди?
- Худо бизни аввал яшаш учун бу дунёга юборади, кейин бу дунёдан нариги дунёга олиб кетади.
- У нимага бундай қилади?
- Чунки биз кетгунимизча бу дунёда ззгу ишларни амалга оширишга улгуришимиз учун.
- Биз нариги дунёга кетмай, бу дунёда қолсак бўлмайдими?
- Агар одамлар нариги дунёга кетишмаса, ер юзида уларга жой етишмай қолади.
- Ҳамма яхши нарсаларни бу дунёга ташлаб кетамизми?
- Биз бундан ҳам яхшироқ жойга кетамиз.
- Қаерга?
- Юқорига.
- Худонинг олдигами?
- Ҳа.

- Борсак, Уни күрамизми?
- Ҳа.
- Бу яхшими?
- Албатта.
- Уни күриш учун ҳам кетишимиз керакми?
  - Ҳали биз қўлимиздан келиши мумкин бўлган эзгу амалларни бажарганимизча йўқ.
  - Бобом бу амалларни бажарганми?
  - Ҳа.
  - У нима ишлар қилган?
  - Бобонг уй қурган ва боғ яратган.
  - Амакимнинг ўғли Туту нима ишлар қилган?

Ота ёрдам сўрагандай хотинига илтижоли бокди ва деди:

- У ҳам кичкина уй қурган.
- Қўшни бола Лулу-чи? У ҳеч қачон яхши иш қилмайди, нукул мени калтаклайди.
- Лулу безори бола.
- У ҳам ўлмайдими?
- Худога керак пайти ўлади.
- Ҳеч қандай эзгу иш қилмаса ҳам ўладими?
- Ҳамма одамлар ўлади. Ким яхши, эзгу ишларни кўпроқ қилган бўлса, Худонинг олдига боради, ким ёмонлик қилган бўлса дўзах оловида куяди.

Кизча чукур хўрсиниб, жим бўлди. Ота ўзини жуда ҳорғин ҳис қилди. У, қизимнинг

саволларига түғри жавоб бердимми-йўқми, деб хавотирланарди. Бу саволларнинг барчси ота қалби тубида чўкиб ётган шубҳа на гумонларни ҳайдаб юборди.

Қизча яна тилга кирди.

— Мен бари бир Надия билан ҳар доим бирга бўлишни хоҳлайман.

Ота ҳайрон бўлиб қизга тикилди. Қизча давом этди:

— Ҳатто дин дарсларида ҳам.

Ота хаҳолаб кулиб юборди. Унга хотини ҳам кўшилди. Ота эснаб деди:

— Боланинг бундай саволларига жавоб беришим етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди.

— Қизимиз катта бўлгач, барча шубҳа-гумонларингни унга тушунтирасан.

Ота хотини жиддий гапирдими ё ҳазиллашдими, тушунмай унга ўгирилди. Аёл яна тикишда давом этди.

## БИР КУНЛИК БАХТ

Унинг бу шаҳарни тарк этишига икки кун қолди, кетиш олдидан эса Александрия кўзига бошқача, гўзал кўрина бошлади. Баракат энди бу шаҳарга қачон келиши, уни қачон қайта кўриш баҳтига мұяссар бўлиши мумкинлигини билмасди. У меҳнат

таътилини ҳар доим қишлоқда ўтказарди. Олдин қалбига ғамгинлик ва дилгирлик солган бу жойларни, ташлаб кетаётганилиги сабабли кўнглини афсус ва надомат туйғулари чулғаб олганди. Ҳатто «Сиди Габер» қаҳвахонасидаги тўрт йилдан бери ҳар доим ўтирадиган жойи ҳам кўзига шинам ва қулай кўриниб кетди. Тамаки тортаркан: «Яна бундай ажойиб қаҳвахонани қаердан топиш мумкин? Александрияning тоза ҳавоси уни янада кўркам ва хушҳаво қиласди».

Официант қаҳва олиб келди ва дилсиёҳлик билан:

– Сизсиз зерикиб қоламиз, – деди.

Баракат унга қараб мамнун жилмайиб қўйди. Худди шу пайт қаҳвахонага бир аёл кириб келди. Нотаниш аёл бу қаҳвахонага тез-тез кириб турар, лекин охирги пайларда кўринмай қолганди. Баракат тўрт йил мобайнида бу аёлга умуман эътибор бермаганди. Нотаниш аёл пуштиранг рўмол ўраган, елкасига эса ялтироқ шолрўмол ташлаб олган эди.

Аёл қаҳвахона эгаси бўлган грекнинг ёнига ўтириб, одатдагидай ҳол-аҳвол сўрашди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам жиддий масала юзасидан гаплашаётган эркакларга ўхшардилар. Улар доим бир-бирларига шундай жиддий муносабатда бўлардилар.

Официант Баракатнинг қулоғига шивирлади:

- Жуда гўзал аёл, тўғрими?
- Александрияда тўрт йил яшабман-у, иммо на ботаника боғига, на грек-рим вайроналарига борибман, на манави аёл билан бирга бўлибман, – деди у официантга ифсуслангандай.
- Асыотада бари бир бунақасини тополмайсиз, – жилмайди официант.

Қаҳвахонада деярли ҳеч ким йўқ эди. Фақат икки эркак нарда ўйнаб ўтиради. Баракат аёлга қаради, унга жавобан аёл ҳам Баракатга назар солди.

- Қани чаққонлигингни бир кўрсат-чи! – деди Баракат официантга.

Бир дақиқа ўтар-ўтмас аёл унинг столида ўтиради. Унинг ортидан бир шиша пиво кўтарган официант пайдо бўлди..

- Сиз худди манго дарахтига ўхшайсиз,
- деди аёл таннозлик ва шу билан бирга лоқайд оҳангда.

Баракат ҳайрон бўлиб қошини керди.

- Манго дарахтига ҳам узоқ ва сабр билан ишлов бериш керак.

Ортиқча гапларга чек қўйиш мақсадида Баракат бокални кўтариб, секингина:

– Сизнинг соғлиғингиз учун! – деди.

Улар яшил зайдун меваларидан газак қилишиб, бир-бирларига сўзсиз тикилишди.

– Бу ердан менинг уйимгача бир неча дақиқалик йўл, – таклиф қилди Баракат.

– Икки гинеи<sup>1</sup>! – деди тутилмасдан аёл. – Олдиндан, ҳозир тўлаб қўйинг, илтимос.

Қаҳвахонани тарк этишаркан, аёл Баракатдан олган пулинни сумкачасига жойлади. Улар бирпасда уйга этишди. Аёл унинг саранжом-саришта уйини мақтади, ўз навбатида Баракат ҳам уларнинг учрашувига сабабчи бўлиб, катта хизмат кўрсатган официантни эслаб ўтди. Кейин каравотнинг ёнидаги столчага ликопчада ҳўл мева олиб келди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, улар лом-мим демай, бир-бирларининг бағрига сингиб кетиши...

Хонага қоронғилик чўқди. Кутилмаган шамолдан дераза табақаси тарақлаб очилиб кетди ва шивалаб ёғаётган ёмғир ўз қўшигини бошлаб юборди... Баракат хира-лашган кўзлари билан деразага тикилди ва ҳорғин овозда минғиллади:

– Ўзгарувчан, бекарор об-ҳаво. Жуда тез ўзгаради.

Тинимсиз ёғаётган ёмғирнинг хушоҳанг овози аста-секин пасая бошлади ва Баракатни ёқимли — тинч, осуда ҳислар чулғаб олди. Хонага қоронғилик чўкканини кўриб,

<sup>1</sup> Гинеи — инглиз тилла тангаси.

у лампага қўлини чўзди, чироқни ёқиб аёл-тиклиди. Аёл қаттиқ уйқуга кетган каби кўзларини юмиб олганди. Унинг узун киприклари гул баргларини эслатарди. Баракат нигоҳини кўзгуга олди, кўзгудаги акси унга аянчли бўлиб туюлди.

Ёмғир батамом тұхтади.

– Ухлаяпсанми? – шивирлади Баракат.

– Тонггача ухламайман, – жавоб берди шөл кўзларини очмай.

У банан арчиб, аёлнинг андак шишган лабларига тутди.

Аёл тушақдан гавдасини кўтарди ва биргаликда мева тановул қилишди.

– Қаҳвахона эгаси сени эртадан кейин кетади деди. Тўғрими? — қизиқди аёл. – Исминг нима?

Шунда Баракат танишишга ҳам үлгурмай, бир-бирларининг бағрига сийниб кетишганини эслаб жилмайиб қўйди. У исмини айтиб, мансабдор шахс эканлигини, уни иш юзасидан Асьюта шаҳрига утказишаётганлигини айтди.

Аёл юзини бананнинг пўстлоғи билан артиб:

– Менинг исмим Дунё, – деди.

«Фалати ва шу билан бирга чиройли исм, – ўйлади у. – Бунинг устига исми ҳам муносабатларимизга ўхшаб сунъий». Дунё бошидан ўтганларни сўзлашга тушди, Ба-

ракат эса бу ҳикоялардан зерика бошлаганини ҳис қилди. «Уша ҳар доимги эски гаплар, бирор янгилиги йўқ». Баракатнинг романтик кайфияти ўз-ўзидан йўқолиб, қаҳвахонадан уйига келганига афсусла на бошлади. Аёл ундан уйдаги мебеллар ҳақида сўради. Баракат уйни мебеллари билан бирга сотиб юборганлигини, эртадан кейин бу ерда бошқа одам яшанинг айтди. Унинг назарида уй ҳозирдан бўшаб қолгандай туюлди. Бу ерда фақат банан ҳиди ва дилгирлик ҳислари сақланиб қолганди.

Дабдурустдан Дунё сумкаласига интилиб, ундан Баракат берган икки гинеини олди ва уни стол тортмасига ташлаб, Баракатга қараб жилмайди. Баракат унинг қилифини тушунмай, ҳайрон бўлиб назар ташлади.

- Тушунмадим? - деди у.
- Пулларинг ўзингга қайтди, - деди аёл бошини қўйи солиб.

Баракатни дилгирлик ҳисси тарк этсада, аёлнинг гапини англамади.

- Ўзингни гўлликка солма, ҳамма нарсанни тушуниб турибсан, — деди Дунё нозкарашма билан.

- Худо ҳаққи, ҳеч нимани тушунмадим.
- Бундай ҳолда пул керак эмас.
- Қандай ҳолда?

Дунё уни қорачадан келган құллари билан бағрига босди, Баракат ҳаяжондан қынтираб кетди.

— Лаззатланганда!.. Мен қачонки, хурсанд бұлсам, лаззатлансам — пул олмайман.

Баракат ҳеч қачон ҳис қилмаган ғалати түйгудан энтикиб кетди. Уни кувончли спрхушлик забт этди, күзи тиниб, назаридан доворлар чайқала бошлади.

— Йўқ, йўқ!.. — деб шивирлади.

Дунё унинг эътиrozларини узундан-узок бұсалари билан тұхтатди. Баракатда ўз-үзидан фахрланиш түйғуси үйғонди ва бирдән миясига байрам тантанасини үюштириш фикри келди. У меҳмонхонага отилиб кириб, радионинг қулогини буради. Кейин эшик қоровулини чақириб, шароб ва кабоб келтиришни буюрди. Ётоқхонага қайтиб кириб, тұлқинланиб:

— Шу тұрт йил мобайнида қаҳвахонага неча марта кирган бұлсам, сени доим учратдим. Лекин сен билан гаплашмай, қанчалик хато қилганимни энди тушунаяпман!

— Танишганингда эса кетаяпсан!

Баракат афсус билан бош иргади:

— Эртадан кейин кетаман, ишониш қийин. Қанчалик гұлман!

Баракат аёлнинг оёғи остига ўтириб, радиодан тараплаётган күй оҳангига мос равишида бармоқларини қарсиллата бошла-

ди. У Дунёнинг юзига боқиб, чарчоқ аломатларини сезмади ва унда яна бир фикр үйғонди.

— Балки тунги шаҳарни томоша қилгани чиқармиз? — деб таклиф қилди Баракат сакраб үрнидан тураркан.

Улар кичиқроқ бир ресторанга йўл олишди. Баракат жуда тежамкор шахс эди, аммо ҳозир ҳамма нарсани унутиб, бор пулени кўкка совурди. Улар бирорта рақсни ўтказиб юбормай, ҳолдан тойгунча рақсга тушишди. Танаффус пайтида Баракат ёш бир йигитчанинг Дунёга сукланиб тикилганига кўзи тушди. Агар йигитча Дунёга суйкаладиган бўлса, қаршилик кўрсатишга тайёрланди. Аммо йигитча хушмуомалалик билан Дунёнинг олдига келиб, енгил таъзим бажо айлаб, рақсга таклиф қилди. Бундан Баракатнинг жаҳли чиқиб, ёш боладай лаб-лунжини осилтирди.

— Бунинг ҳеч бир ёмон томони йўқ, оддий ҳол, — деди шивирлаб аёл.

— Менга ёқмаяпти, — деди Баракат қовоғи осилиб. Йигитчага ўғирилиб, қўпол оҳангда:

— Жўна бу ердан!..— деди.

У йигитчанинг нима деб жавоб берганини эшитмади, бирдан жанжал-тўполнон бошланиб кетди. Баракат ўзига келиб тушаётган зарбаларни ҳис қилмай, рақибининг қорнига мушт туширди. Йигитча унинг муштидан қалқиб кетди, официант уни ту-

тий көлмаганда йиқилиши аниқ эди. Баракат тирофдан кайфи тароқ мижозлар норози булиб тикилишарди. Қаердандир хұжайнин шыло булиб, уларни тинчлантиришга ҳаралық қилды ва оркестрга «музықа» дегандай үлкен силкиди.

Баракат тез-тез ва оғир нафас оларды. Унинг костюми түгмалари узилиб, күйнеки ииртилиб кетганди. Дунё унинг бүйіншеги мәхрибонларча түғрилаб қойгач, ү күкрагига тушган мушт зарбаларини қам, бараж оғриқтарни ҳам унұтди. Бир пәннен дақиқалардан кейин унинг кайфияти түтірилиб, худди ҳеч нима бұлмагандай яна яни келтиришни буюрди. Аммо атрофдаги одамларнинг үкрайишларини күрган Дунё унинг қулоғига шивирлади:

— Кетдик, азизим!

Улар ресторанни одамларнинг хұмрайған негі охлари остида тарк этишди. У аёлнинг тирсагидан маңкам тутди, уни ҳамон үзидан філтрланиш түйгуси тарк этмаган эди.

— Хафа бұлма, азизам. Қайси әркак үришмайды, дейсан?..

Улар кинотеатрдан чиққан оломон тұнға қүшилишди, сұнгра сохил томон кета-тігін трамвайға чиқиши. Баракат Дунёни қүчоқлаб, уни тирсаклари билан тиқилинч трамвайдаги одамлардан ҳимоя қилмоқчи бұларди, аммо бир әркак атай қилдими ё бекісденми аёлга суркалди. Баракат унга қаһрли назар ташлади, әркак унга әзтибор

ҳам бермаганини күргач, бисотидаги бор ҳақоратларни ёғдира кетди. Бегона эркак ҳам унинг барча ҳақоратларига ҳақорат билан жавоб берарди. Мияси ресторандаги вино таъсиридан ҳали ўзига келмаган Баракат, мушт ўқталганча эркак томонга отилди. Шиддатли жанг одамлар уларни икки тарафга ажратиб қўйгунча давом этди. Баракат чап ёноғида оғриқни хис қилди, ёрилган лабидан эса қон оқарди. Бутун йўл давомида у дастрўмоли билан лабининг қонини артиб келди. Шишиб кетган бурнидан ҳам оқаётган қон унинг мўйловига қизғиш тус бериб, барча кўнгилсизликларнинг ўрнини тўлдириб турарди. Улар қўлтиқлашиб трамвайдан тушишди, ёмғирдан кейинги тоза ҳаво Баракатнинг кайфиятини кўтарди.

– Менинг жароҳатим ҳеч нима эмас, менимча, калтак еган йигит бурунсиз қолди.

– Уни ўлдириб қўйишингга сал қолди-я? – гапни илиб кетди Дунё.

Баракат кулиб қўйди. Кейин амал курсисига ўтиргунча қатнашган барча жанжалтўполонлари тўғрисида тўлқинланиб, ўзидан фахрланиб ҳикоя қилди.

Улар уйга қайтишганда эшик қоровули стол устига вино ва кабоб қўйиб кетганди.

– Жуда соз! – хитоб қилди Баракат. – Афсус, фақат гулдаста етишмаяпти. Гулдasta олишни унутибман!

Дунё унинг яраларини артиб, тозалади. Баракат эса жасур қароқчилар ҳақидаги

«Шашкини хиргойи қила бошлади. Аёл эса  
шон қүшиқ айтиш учун яралмаган экансан»  
дик унинг устидан кулди.

Асосийси — бахтли бўлиш! — эътиroz  
нилдириди Баракат. — Шунда атрофингдаги  
тимма нарса куйлайди.

Баракат жўшқинлик билан бахт ва  
мұхаббат ҳақида мулоҳаза юрита бошлади.

Мұхаббатга нима тенг келиши мум-  
кин? — деди тантанали равишда Баракат  
Дүнибдан буса оларкан. — Мен Александрия-  
га коламан. Узокда бўлишимга қарамай,  
биз албатта учрашиб турамиз...

Хонага сукунат чўмди. Ойнадан ёмғир-  
нинг шитирлаши эшитилди.

Сенинг шаҳрингда эсаётган шамол  
союқ, аммо у бахт олиб келади! — деди  
киммайиб Баракат.

Дераза пардалари бехосдан бирин-ке-  
тин чақнаган чақмоқ таъсирида ёришиб  
котди. Чақмоқнинг ёруғи хонадаги нарса-  
шарга тушиб уларни ҳам бирин-кетин ёрити-  
ди. Бироздан кейин шамолнинг гувиллаши  
кучайиб, атрофни зулмат қоплади. Бара-  
кат иссиққина уйда ўзини жуда бахтли  
хис қилди. Бирдан унинг хаёлига қоронги  
соҳил, бурон бошланишидан олдинги со-  
кин дengиз келди.

Ёмғир қуйиб юборди. Баракат яна ҳузур-  
хловат ва бахтиёрлик ҳисси билан: «Шун-  
дай пайтда севгилингнинг оғушида бўлиш,  
инакадар бахт!..» — деб ўйлади.

Улар кеч уйғониши. Баракат деразани очиб юборди, хонага тоза ҳаво кирди. Осмоннинг қовоғи солиқ, у ҳаракатсиз қора булутлар билан қопланганди. Дунё түшакка ўтирди. Унинг соchlари түзғиган, кўзлари совуқ ва ҳиссиз эди. Баракат уларга қараб туриб «наҳотки, шу кўзлар кеча мени ўзига жалб қилган бўлса?» деб аёлнинг ёши ва бу дунёда ҳеч нарса абадий эмаслиги ҳақида ўйланиб қолди. Аёл чўзиб ҳомуза тортди ва унга қараб:

- Кетадиган вақтим бўлди, – деди.
- Шошилиб нима қиласан? – деди Баракат.
- Тун ниҳоясига етди. Менинг ишим, муҳим учрашувларим бор.

Ногаҳон Баракат унинг энгалиб, стол тортмасидан кеча қўйган икки гинеини эснаганча олаётганига кўзи тушди. Бу кутилмаган ҳолдан у эсанкираб қолди...

- Сенга пул керакми? — деб сўради Баракат довдираб.

– Йўқ, мен келишган пулимни олдим.

– Биз нимага келишган эдик, азизам?!

Таажжубда қолган Баракатнинг овози фамгин эди.

– Наҳотки икки гинеига келишганимиз эсингдан чиқсан бўлса?

Баракат тентакларча қах-қах уриб кулиди:

– Менимча, буни сен унугансан!

Аёл унга жавоб беришни лозим топмади. Баракат шоша-пиша сўроқлашда давом этиди:

— Кизиқ... Менга пул керак эмас... Аммо он кеча... Ростдан ҳам кеча айтган гапинг ўзингдан чиқдими?..

Аёлдан жавоб кутаркан, ўзича: «Ё мен кинниман ёки у... Иккаламииздан биримиз пилдан озганимиз», – деган хаёлга борди. Ўзийн қовоғини солганча:

— Сенга нима бўлди? Илтимос, яширми, нима бўлди? – деб сўради.

Дунё совуқина жилмайиб:

— Мендан фойдаланиб, эвазига пул бермоқчимасмисан? – деди.

— Ахир ўзинг, хурсанд бўлсанм пул олмийман, дегандинг-ку!

Аёл унга ҳайрон тикилиб, жавоб берди:

— Мен сенга атиги бир кунга баҳтли ўнни совға қилмоқчи бўлгандим, холқс...

— Демак, ҳаммаси хйла-найранг эканда? – деб сўради Баракат овози қалтираб.

— Ҳа, бу найранг сени қанчалик баҳтли қилди...

— Жирканч ёлғончи! – деб бақирди Баракат ғазабдан кўкариб.

— Хафа бўлма! Сен ҳақиқатан ҳам бир кеча ўзингни жуда баҳтли ҳис қилдинг, мендан миннатдор бўлсанг арзиди.

Баракат Дунёнинг юзига ғазаб билан тикилди, аёлнинг юзи унга ялмоғизнинг баширасини эслатди. Унинг қалбида аёл-

ни томоғидан гиппа бүғиб, оғзидан қора қонини оқизишдек қасосли истак пайдо бўлди.

Дунё сергаклик билан уни кузатарди.

- Сен ифлос, ярамас одамсан! - бақиришда давом этди Баракат. - Сенинг макр-ҳийлаларинг бир тийинга қиммат! Эшитаяпсанми? Бу ёлғонинг учун ҳаётинг билан жавоб берасан!

Дунё ундан кўз узмай, бирор ножӯя ҳаракат қилса қочишга шай бўлиб турарди.

- Сен тентак аёлсан! Бу аҳмоқона қилиғинг билан энди иккинчи марта ҳеч кимни алдай олмайсан!

Аёлнинг ёлғонидан ғазаби қайнаган Баракатнинг аста-секин ўзига келганини кўрган Дунё тинчланди.

- Аммо ажойиб ҳазил бўлди-а? - тиржайди аёл.

. Баракатнинг овозида нафрат ҳисси пайдо бўлди.

- Мен сенга айтдим-ку, бу аҳмоқона ҳазилингни иккинчи марта такрорлай олмайсан! Такрорлай олмайсан, тентак!

- Ким сенга бизни яна қайта учрашади деди?! - кулиб жавоб берди аёл.

## САРМАСТ ҚҰШИҚЧИ

Охирги кунда кайфи тароқ мижозлар тарқагандан кейин, қаҳвахона бүшаб қолди. Кокса официант кал бошини силаб, худди оғриқдан инграётгандай, баланд овозда снади ва стулларни стол устига тұнкариб, қаҳвахонани йиғиштиришга тушди.

Қаҳвахона хұжайини бұлмиш Маноли барча бурчакларни, ҳожатхонани айланиб, күздан кечирди ва пештахта ёнига келиб, шошилмай савдодан тушган пулни санади. Кейин бар тахтаси тагида жойлашған тортмаларни қулфлаб, пештахта устига осилиб турған чирокни үчирди. Қаҳвахонага юракни эзувчи қоронғи зулмат чұқди.

– Тезроқ бұл! – шошилтирди Маноли официантни. – Соат икки бұлди.

Официант стуллардан әхром ясашни тұхтатиб, кир фартугини ечиб девордаги михга илди ва чуқур резина калишини судраб, әшик томон йұналди. Унинг устидаги кенг ғалабияси озғин гавдасидан осилиб, шалвираб турарди.

Хұжайин барча чирокларни үчирғанди, қаҳвахона батамом зулмат ичиде қолди. У қаҳвахонадан чиқиб, әшикни қулфлади. Ҳар қадам босганда оёғидаги ботинканинг гичирлаши тунги сукунатни бузиб, анчагача әшитилиб турди.

Қаҳвахонада учинчи одам ҳам бор эди. У катта, ичи бүш ёғоч бочка орқасига яши-

риниб, қаҳвахона эгаси ва официантнинг кетишини интизорлик билан кутарди. Ботинканинг гичирлаши батамом узоклашгач, у чукур нафас олиб, озодликка чиқди. Керишиб, гавдасини түгрилади, қоронги зулматда бирор нарсани күриш илинжида кўзларини катта-катта очди. У ўзини худди қоронги гўрда ўтиргандай ҳис қилди, назарида, кўзлари кўр бўлиб қолганди. Қўллари билан пайпаслаб иккинчи бочкани топди. Демак, бар чап тарафда. Пул барнинг тортмасида бўлиши керак. Қўлларини кўр одамдай олдинга чўзганча, секин олдинга қадам босди. Ниҳоят, қўллари пештахтага тегди. У секин сирғаниб ҳаракат қиларкан, қандайдир баланд табуреткага урилиб кетди. Шу ерда унинг димоғига тузланган сардин ва пишлоқнинг ўткир хиди урилди. Ажойиб ҳиддан унинг боши айланди... Мана, ниҳоят орзиқиб кутилган тортмага ҳам етиб келди. Тортмада Манолининг пуллари ётибди. Бу пулларни у бизни дўзах азобида куйдирувчи шароб сотиб топади... Чўнтаgidан эговни эслатувчи узунчок нарсани олиб, қулфни бузишга киришди. У ишини тугатай деб қолганда, ташқаридан баланд акса овози эшитилди. Кўрққанидан қўллари ҳаракатсиз қотиб, оғзидан ҳақорат ёғилишига бир баҳя қолди. Лаънати дайди, чироқсиз, қоронги, тор кўчада тентирашга бало борми?

Кулфбузар ўғри шошилиб, қўлини тортмaga тиқиб, титкилай бошлади. Тортмада ҳеч нима йўқ эди. Умуман ҳеч нима. Эҳ, сеними, Маноли кўпрак! Бир миллим ҳам қолдирмабди-я! Наҳотки ҳамма пулни ўзи билан олиб кетган бўлса? Ахир, пулларни яrim кечаси чўнтақка солиб, уйга олиб кетиш хавфли эмасми?

Унинг жаҳли чиқиб, лаб-лунжи осилди. Зулмат энди унга боягидан ҳам ёмонроқ таъсир қила бошлади. Наҳот шунча қилган ҳаракати бир пул бўлган бўлса? Ахир, у бу қалтис ишга қанча тайёрланганди, режалар тузганди... У аламидан бошқа тортмаларнинг кулфларини ҳам бузиб ташлади, бу ерда пишлок, зайдун меваси, яшил ловия қолдиқларидан бошқа ҳеч нима йўқ эди. Ўғри пештахта ёнида турганча, паришон ҳолда, яшил ловияни чайнашга тушди, у ловияни қанча чайнамасин, хаёли жойида эмаслигидан унинг таъмини ҳам сезмади. Унинг мағлубиятни тан олишдан бошқа чораси қолмади.

Чиқиб кетиш учун бирор тирқиши то-пишдан олдин, қалбига таскин бериш мақсадида ичмоқчи бўлди. У қўлини олдинга чўзиб, токчада турган шароб солинган шишани олди. Шишанинг қопқофини очиб, уни охиригача ютоқиб сипкорди. Шароб унга қандай таъсир қилишини кутгандай бир зум тек қотди. Ажойиб! Шароб унинг

ичини қиздириб, қонини қайнатди. Шундан кейин у «пулни ўғирлай олмаган бұлсам-да, норози бўлишга ҳаққим йўқ» деган фикрга келди. Минг афсуски, у эртага икки оёқли аравасини судрай олмайди... Бунинг ҳам-масига Яратганнинг қаҳрига учрагур Маноли сабабчи!

У пайпаслаб иккинчи шишани топди. Вақтни чўзиб, чанқоқни қондириш учун яна ичиш керак. Кўча қоровули барча кўчаларни айланиб чиқиб, ишини тугатмагунча бу ердан чиқишининг иложи йўқ... Зулмат бузиб бўлмайдиган метин девордай шароб ҳидини анқитиб, уни бўғма илон каби домидан қўйиб юборгиси келмасди... Дўзахи ичимликнинг учинчи шишаси ҳам бушади... Ҳеч бўлмаса бар пештахтасига ўтириб олиши лозим... Маноли кетди, у билан бирга пуллар ҳам кетди... Жаҳаннамга равона бўлгур... Зулмат жаҳаннамдан ҳам ёмон...

У эҳтиёткорликни ҳам унутиб, йўталиб юборди. Йўтал овози бўм-бўш бинода жаранглаб акс садо берди. Энди унга ҳеч ниманинг фарқи йўқ эди. Унга фақат қоронғилик халақит қилаётганди... Чунки қуёш тифи остида ишлайсан, ёз тунида юлдузлар нури тагида, қаҳратон қиши кунлари яrim ертўла уйингда ухлайсан, аммо у ерга ҳам ҳеч бўлмаганда кўча чироқларининг нури тушиб туради... Ҳеч нимадан қўрқмайсан... Неча марта муштлашган, бунинг ҳисоби-

га етолмасди, айни ур калтак, сур калтак бўлаётган жойларнинг марказида бўларди, ҳеч нимадан қўрқмасди, уни фақат устидаги ягона ғалабиясининг йиртилиб қолиши мумкинлиги қўрқувга соларди... Эшагим мени ортмоқлайди, аммо унинг устида кийими йўқ, дерди... Мен эгнимга янги кийим сотиб олишим керак... Шароб ҳам...

У тўртинчи шишани кўтарар экан, ичимникнинг томоғидан қултиллаб ўтаётгани эшитилди... Менга қария аз-Зави, шароб ичма, деган. Унга жавобан: «Мен турк ва форс сultonиман!» – деб жавоб бердим. У эса: «Аллоҳнинг қаҳрига учрайсан!» – деди. Мен энди эшагимни аз-Зави деб аташга қарор қилдим...

У «Фалаба соатлари яқинлашмоқда» кўшигини хиргойи қила бошлади. Кейин бар пештахтаси устига оёқларини узатганча ётиб олиб, бешинчи шишани кўтарди ва бирдан хаёлига кўчада рубоб чалиб, қўшиқ айтиб юрадиган одам келди: «Нима учун барча гўзал нарсалар йўқолишга маҳкум?» – деб ўйлади. Кейин уйида ётгандай бор овозда қўшиқ айта бошлади:

*Фалаба онлари яқин,  
Олқишлийди бизни ҳамма...*

Қўшиқ оҳангига тушмаса ҳам, у бошини чайқаб, нақаротни янада баландроқ овозда куйлай бошлади. Энди бу қўшиқ кўп

қаватли уйнинг ҳамма қаватларига эшитиларди. Қўшиқ тугагач, у чапак чалиб ўзи ўзини олқишлиб қўяр, сўнг яна баланд овозда куйлашни бошларди...

Бирдан эшик тақиллаб, кўча қоровулинг овози эшитилди:

– Хей, ичкарида ким бор?

Аввалига қўшиқчи унга эътибор бермади, аммо эшикнинг тақиллаши қўшиқ айтишига халақит бергач, жим бўлди ва: «Ҳеч қаерда тинчлик йўқ», – деб гўлдираб қўйди. Кейин викор билан сўради:

– Ўзинг кимсан?

– Мен қоровулман.

– Сенга нима керак?

– Мўъжиза керак! Ўзинг кимсан?

– Мижозман! Ха-ха-ха!

– Оlam жаҳон ухлаб ётганда, ичкарида нима қиласяпсан?

– Сенинг нима ишинг бор?

– Эй, пиёниста, сурбетлигинг учун ҳали жавоб берасан!

– Менинг бир чақам ҳам йўқ!

– Овозингни танидим. Mast бўлсанг ҳам овозингдан танидим!

– Ахир, Аҳмад Энабани ким танимайди дейсан?

– Икки фиддиракли арава судровчими?

– Худди ўзи. Сизга қандай ёрдамим тегиши мумкин, сержант?

Коровул тун сукунатини бузиб, ҳуштак чалди. Аҳмад бар ёнидаги деворни пайпас-

ишиб, чироқни ёқди. Қовоғини уйиб, юзини тириштириб, хонага кўз югуртириди. Унинг чиқчайган ва қизариб кетган кўзлари баллонли газ плитасига тушди. Хаёлига туйқусдан шундай бир фикр келди, бир муддат уни англай олмади. Аҳмад қоровулни энди үнугтган ҳам эдики, ташқаридан шовқин сурон овози эшитилди. Уларнинг орасидан Манолининг овозини таниб қолган Аҳмад кілжил билан бақирди:

- Маноли!
- Ҳа, бу мен, Манолиман! Аҳмад амаки ғизмисиз? – деган ҳаяжонли овоз келди.
- Эшикка яқинлашма. Агар эшик томон бир қадам боссанг, дўконингга ўт қўйиб, кулини кўкка совураман!
- Йўқ, ўзингизга ўт қўйманг!
- Маноли, мен билан нима ишинг. бор? Газ баллонларни столнинг, бочканинг, ўриндиқларнинг тагига, ҳамма жойга қўйиб чиқдим. Қўлимда гугурт бор! Эҳтиёт бўл, хўжайин!

Маноли овози қалтираб ваъда берди:

- Илтимос, тинчланинг, ўзингиз буюрмагунингизча эшикни очмайман.
- Маноли, нега бирдан бундай илтифотли бўлиб қолдинг, а?
- Мен бир умр илтифотли бўлганман. Фақат ўзингизни босиб, тинчланинг, нима истайсиз?

- Худога шукур, ўзимга керак ҳамма нарсам бор.
- Ташқарига чиқиши истамайсизми?
- Йўқ, ичкарига ҳам ҳеч кимнинг кишини хоҳламайман.
- Ахир, сиз бир умр ичкарида қоломайсиз-ку!
- Балки қоларман. Бу ерда менга керакли ҳамма нарса бор.
- Мени кечиринг, билмай устингиздан қулфлаб кетибман!
- Нега ёлғон гапирайсан?
- Йўқ, аслида шундай бўлган, мен билмасдан устингиздан қулфлаб кетганман.
- Бу ерга ўғирлик қилиш учун кирганимни жуда яхши биласан.
- У ерда ўғирлайдиган нарсанинг ўзи йўқ.
- Бочкалардаги шароб-чи?
- Қанча ичган бўлсангиз, мен розиман. Бу мендан сизга совға бўлақолсин.
- Нимага тортмада бир чақа ҳам қолдирмадинг?
- Тортмага пул қўймайман.
- Унда нега тортмаларни қулфладинг, Маноли?
- Тарки одат — амри маҳол. Тинчланинг! Ўзингизга ўт қўйманг...
- Сен мен ҳақимда қайғураяпсанми?
- Албатта, бочка — арзимаган матоҳ, ахир сиз тирик жонсиз!

- Маноли, сен фирт ёлғончисан. Атрофингши үраб турган полициячилардан сўра-чи...

Бу пайтда полициячилар фаол ҳаракатга киришишди. Қахвахона кўп қаватли уйнинг биринчи қаватида жойлашганлиги учун юкорида яшовчи аҳолининг хавфсизлигини тъминлаш мақсадида уларни кўчиришиди ва бу воқеадан ён-атрофда жойлашган дўкон шаларини ҳам хабардор қилишди. Тезда ўтириш машиналари ҳам етиб келди.

Аҳмад ҳамон қаҳ-қаҳ отиб куларди, сунгра қичқирди:

- Хўжайн, қўлимда гугурт бор!
- Тинчланинг, сиз айбдор эмассиз, - деди Маноли итоаткор овозда.
- Сени хонавайрон қилиб, беш шиша шаробингни ичдим.
- Олтинчисини ҳам ичинг, фақат ўзингизга ўт қўйманг.

Бу фикр Аҳмадга майдай ёқиб тушди. Бу роҳат-фароғат узоқча чўзилмаслини ҳис килган Аҳмад токчага чўзилиб, навбатдаги шишани олиб, қопқоғини очди. Бирдан ташқаридаги шовқин тиниб, кимдир эркалаган оҳангда унинг исмини айтиб чақирди:

- Аҳмад!

Эҳ, адашиши мумкин эмас, Аҳмад бу кўпол, аммо хотиржам овоз эгасини яхши танирди.

- Жаноб офицер?

- Ҳа.

- Ассалому-алайкум.

- Эс-хүшингни йигиб, эшикни очиши-мизга изн бер.
- Нима учун?
- Қаҳвахонани эгасига топшириш учун.
- Бу ер уники эмас, ичувчиларники!
- Аҳмад, эсингни йиғ!
- Очсам, менга нима бўлади?
- Ҳеч нима бўлмайди, тинчгина уйингга кетасан.
- Кейин-чи?
- Нима кейин, ҳеч нима.
- Ҳатто сиз ҳам Манолига ўхшаб алда-япсиз!
  - У ерга қандай кириб қолганингни аниқлаб, қўйиб юборамиз, аммо кўп ичганингдан ухлаб қолиб, ичкарида қолиб кетганинг бизга кундай равшан.
  - Бузилган тортмалар-чи?
  - Сен буни маст аҳволда, ўзинг англа-маган ҳолда қилгансан.
  - Оҳ, жуда ҳам ишонтирдингиз. Чиқсам калтак, ҳақорат, турма, тўғрими?!
  - Йўқ, ташвишланма. Сенга яхши муно-сабатда бўлишади.
- Аҳмад шишадаги шаробни ярмигача сипқориб, қичқирди:
  - Мен турк ва форс султониман! Сизлар эса бир чақага қимматсизлар!
  - Сени Яратган эгам кечирсин!
  - Жаноб офицер, эшагим полиция маҳкамаси олдидан ўтаётганда ёзилиб,

Күннің құйғани әсингиздами? Үшанды сиз  
чыктыңдигиз-а?

Үшанды ҳам сенга ҳеч нима қилма-  
ғандым.

Эшакка-ку, ҳеч нима қилмагансиз,  
яммо менинг юзимга тарсаки тушганди.

Мен шунчаки ҳазиллашган әдим.

Әнді ҳазил қилиш навбати меники!

Шунинг учун үзингни ўлдирмоқчими-  
сан?

Узимни? Ростдан ҳам мендан хаво-  
тиришнанаяпсизми?

Албатта! Нафақат сен, балки атроф-  
дагилар ҳақида ҳам қайғураяпман.

Мени атрофдагилар билан бир чақалик  
ишим йўқ!

Аллоҳдан қўрқ!

Сиз ундан нимага қўрқмайсиз?

Бошқаларга азоб беришни истамай-  
сан, шекилли?

Фақатгина сиз азоб беришингиз  
мүмкин-а? Қўлимда гугурт бор! Эшик ол-  
дидан кетинг!

Аҳмад шишадаги қолган шаробни ичиб  
туттади ва «Севиб қолиб, қандай йигладим»  
діб номланған навбатдаги қўшигини бош-  
лапди. Қўшиқ авж палласига етганда, ташқа-  
ридан яна офицернинг овози янгради:

Жуда ажойиб, балки ҳүшинг жойига  
коғандир?

Олтинчи шишани тутатдим, – деди  
Аҳмад хурсанд ҳолда.

- Ўзингни ўлдирма!
  - Охирги сўзимни эшит!
  - Ҳа?
  - «Мен ифлосман!» – де!
  - Шундай десам, қаноатланасанми?
  - Бўлмасам-чи? Бу менинг шартим, агар шундай деб ифлослигингни тан олсанг, эшикни очаман.
  - Мен ифлосман! – деб қичқирди Маноли.
  - Сенинг ифлослигингни ҳамма билади, жаноб офицер «Мен ифлосман!» деб бақирсинг.
  - Аҳмад, гуноҳдан қўрқмайсанми?
- Аҳмад узоқ хаҳолаб кулди ва буйруқ оҳангига амр қилди:
- «Яшасин, Аҳмад Энаба!» – деб қичқи-ринглар!
  - . Бир дақиқа жимлиқдан кейин кварталнинг барча болалари бор овозда хор бўлиб: «Яшасин, Аҳмад Энаба! Яшасин, Аҳмад Энаба!» – дея қичқира бошлаши... Қичқириқ қайта-қайта такрорланди. Бу олқишидан тўлқинланиб кетган Аҳмад ҳаяжон билан полга сакраб тушиб, унинг оҳангига мос равишда рақсга тушиб кетди. Очиқ жойда чарх уриб айланар экан, унинг кўз ўнгига нафақат шифт, стол-стуллар, балки бутун дунё чирпирак бўлиб айланади... Аҳмад ичкарига бостириб кирган полициячиларни сезмай қолди. Улар

Шиги бир неча лаңзаларда унинг қўлини ныъли қайириб, бўйнидан, ғалабиясидан йўтишди. Аҳмад оёғида базур турса-да, ўшорга юқоридан шоҳона назар ташлади.

Кейин чайналиб қолган граммофон овонида сөкин:

Ахир, менда бир дона ҳам гугурт йўқ ши. — деди...

## КИШЛОҒИМИЗДАГИ СЕВГИ МОЖАРОЛАРИ

Патрик ал-Ҳамавий оғзидан она сути хотмасдан уйланиб олди. Унинг отаси қурилиш пудратчиси бўлиб ишларди. У ўмири поёнига етганини ҳис қилиб, ўғлини ўйлантириш, тўй қилиш пайига тушди. Бу шайтда ўғли Патрик эндигина ўн тўрт ёшга кириган бўлиб, ҳали мактаб ўқувчиси эди.

Ўйлангач, тунгги саргузаштлар Патрикка жуда ёқиб қолди. Мактабда у ўртоқларига тунгти севги ўйинлари ҳақида гапириб бераро, ўртоқларининг юраклари ёниб, хаёлот дунёларида кучли орзу-истаклар уйғонарни унга ҳавас билан боқишаради. Оиласий ҳаёт қобилиятли ўқувчининг мактабни битириб, институтга киришига халақит килимади. Кейин уни икки йилга Англияга юборишиди. Англиядан қайтгач, Патрикнинг оиласига, хусусан хотинига кўнихиши жуда

қийин кечди. Улар арзимаган нарса устида тортишиб-жанжаллашишар, оилада төтүвлик йүқолган эди. Хотинининг бўлмағур, аҳмоқона гаплари, хурофотга, ирим-сиримларга ишониши унинг ғазабини келтиради. У ўзининг мусофиричиликдаги ҳәётини ўқинч билан эслаб, дўстларига: «Ортиқ бундай яшолмайман!» – дерди.

У узоқ иккиланишдан сўнг қатъий қарорга келди — хотинидан ажрашади!

Бу хабарни эшитган қишлоқ одамлари Патрикни ахлоқсизликда айблаб, муҳокама қилишдан эринишмади. Уларнинг фикрмuloҳазалари Патрикка чивин чаққанчалик таъсир қилмади. Орадан кўп ўтмай, қишлоқда Патрикнинг чет эллик аёлга уйлангани ҳақида хабар тарқалди. Патрик иккинчи хотинининг француз эканлигини тушунтирумокчи бўлар, одамлар эса унинг сурялийк греклардан эканлигини таъкидлашарди. Патрик ҳамма жойга хотини билан борар, аёл эса ўзини ҳаёсизларча кўз-кўз қиласарди.

Кишлоқ одамлари яратгандан қария ал-Ҳамавийнинг руҳига жаннатдан жой сўраб, Патрик ва унинг хотинига инсоф беришни тилашарди. Ҳамма уларга нафрат кўзи билан қаرارди. Ҳар бир бурчакда Патрикнинг иккинчи хотини муҳокама қилиниб, унинг эркаклар билан очик гаплашиши, шароб ичиши, ғалати қиликлари ҳақида сўз юритишарди. Унинг мусулмонлигига шуб-

қиланишиб: «Наҳотки ғайридин бўлса?» – діб ҳам қўйишарди.

Патрик ал-Ҳамавий уларнинг гаплари ни эшитмасликка олиб, такаббурлик ва қиландимоғлик билан тишини-тишига боғиб чидарди. Одамларнинг ғийбати камлик килгандай уни ўз уйида ҳам турли муаммолар кутиб турарди. Кўп ўтмай ғийбатлар миқони бўлмиш қишлоғимиз ва унинг одамлари Патрикнинг хотинининг жонига тегди. У кечаси-ю, кундузи одамларнинг унга борган танбехларию устидан кулишлари ҳикда қулоғи остида минфирлаб, Патрикни қонига ташна қиласарди. Бечора Патрикка бу икки томонлама адоватдан тинчлик йўқиди. Одамлар ундан:

– Хотинингга талоқ бер! – деб талаб қилишарди.

Аммо у қайсарлик билан эътиroz билдиради:

– Йўқ, мен бунга кўнсам, бу ютқазганим булади!

Иккинчи тарафдан хотини ҳам ундан талоқ беришни сўрар, аммо у мағрур ҳолда хотинининг талабини ҳам рад этарди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, тонгда кўзини очган Патрик ёлғиз ётганини кўрди, хотини нафақат уйдан, нафақат қишлоқдан, балки мамлакатдан қочиб кетганди. Қишлоқ одамларининг ғийбатлари ва ҳаяжони боғилгач, Патрикнинг дўстлари унга биринчи хотинини қайтаришни маслаҳат беришди.

Аммо у қаҳр-ғазаб билан бу таклифни рад этди:

- Бу ахмоқона фикр!
- Нима, иккинчи хотинингни қайтариш ниятинг борми?

- Бу эса ҳақиқий ахмоқгарчилик!..  
...Орадан йиллар ўтди. Патрикнинг сочи тўкилиб, ёши бир жойга бориб қолди, аммо у ҳамон ёлғиз эди. Унинг олдида аёллар ҳақида гап кетганда у чуқур хўрсишиб, маънодор қилиб:

- Ҳа, мен уйланишим керак... ҳа... ҳа, уйланишим зарур. Шошилишим керак... Ортирган ҳаётий тажрибам бекорга кетмайди. Энди нима хоҳлашимни жуда яхши биламан...

\* \* \*

Али, менинг дўстим, — у қаҳва сотади. Қишлоғимизда унинг отасидан мерос қолган кичкинагина қаҳвахонаси бор. Бир куни қаҳвахонага кирганимда у олдимга ўтириб, саволга тутди:

- Новвой Оминанинг қизини танийсанми?
- Албатта танийман, — деб жавоб бердим, қаҳванинг ўткир ҳидидан ҳузурланиб ҳидларканман. — Уни қишлоқда ҳамма танийди.
- У ҳақда нима деб ўйлайсан?
- Жуда чиройли қиз, ҳар доим онасига рўзгор юмушларида ёрдам беради...

- Яна-чи, яна нима биласан?  
Жилмайиб қўйдим.

- У ҳақда кўп гапиришади!  
Али бошидаги салласини тўғрилаб, кўрсинди.

- Мен ҳам ҳаммасини биламан. Масалан, унинг ўтёқар Ҳамдон билан дон олишганини ҳам биламан.

Тасдиқ маъносида бош иргадим. У худди қилган айбини тан олаётгандай, ғамгин оғрингда давом этди:

- Кейин у зиравор сотувчи ал-Ҳанавий доган йигит билан учрашувга чопадиган бўлди...

- Сен ҳамма нарсани юрагингга яқин оласан. Шунинг учун одам хафа бўлиши коракми?!

- Кейин унинг яна бир полициячи билан ҳам алоқаси борлиги ҳақида миш-мишлар курибди!

- Нима бало, унинг таржимаи ҳоли ҳақида асар ёзмоқчимисан? — деб сўрадим кулиб.

- Ундан кейин мешкоп Ҳасан билан учрашди.

Қаҳ-қаҳ уриб, кулиб юбордим:

- Ҳа, ахлоқи мақтовга лойик эмас экан.
- Балки мен билмаган бундан ҳам ёмон хислатлари бордир...

- Ким билади дейсан? Балки у қишлоғимиздаги ягона ахлоқсиз қиз эмасдир.

Али яна хўрсинди.

— Аммо у мен учун ягона, мен уни севаман...

Унга ҳайрон бўлиб тикилдим.

— Сен ҳам унинг жазманлари сафига қўшилмоқчимисан?

У менга узоқ тикилди.

— Йўқ, мен унга уйланмоқчиман!

— Ишонмайман...

Али баттар жиддий тортиб, қовоини солди.

— Бу қарорга келишим осон бўлгани йўқ. Аммо энди мен учун орқага йўл йўқ. Қишлоқ одамлари нима дейишининг менга қизиги йўқ!..

Али ниятини амалга оширди.

\* \* \*

Бизнинг қишлоғимизда бир пайтлар шундай давр бўлдики, уни Зайнабнинг даври деб ҳам аташ мумкин. Унинг отаси дўкончада мева, онаси эса тухум сотарди. Зайнаб ота-онасининг кенжаси бўлиб, қолган фарзандларнинг барчаси ўғил эди. У жуда гўзал, аммо бу гўзалликнинг ҳам ўз тарихи бор эди.

У болалигида қўғирчоқдай чиройли, барча унга ўйинчоққа талпингандай талпинарди. Ўсмирлик пайтида келишган ва латиф қадди-қомати билан ҳаммани лол қолдирган бўлса, бўйи етганда эса қишлоқнинг энг олди гўзалига айланди.

Унинг отаси Зайдон бир куни хотинига:

— Қизингни күчага чиқармаслигимиз кепрек, — деди.

Онаси Зайнабнинг ишлаб пул топишини жуда хоҳлаган бўлса-да, эрининг таклифига кўнишдан бошқа иложи йўқ эди.

Уйга қадам ранжида қилган совчиларнинг сон-саноғи йўқ эди. Уларга нима деб жавоб беришни ҳам билмаган онаси:

— Зайнабнинг чиройига яраша тақдирини ҳам чиройли бўлса эди, — дерди.

Шундан сўнг онасининг арава тортувчи жияни, опасининг ўғлидан келган совчилар, табиийки, рад этилди. Опа-сингиллар ўртасида қариндошлилик ришталари узилди. Буни қишлоқ аҳли ичиқоралик, ҳайрат на бир тарафдан хурсандшлилик билан кузатиб турди.

Бир пайтнинг ўзида Зайнабга бош кийим сотувчиси Ҳасан ва қассоб ёрдамчиси Ҳалилдан совчи кела бошлади. Улар бошлаган шафқатсиз жангу-жадалнинг охири майиб-мажрухлик билан тугади.

Кунлардан бир кун қизнинг қўлини давлат хизматида ишловчи муҳтарам афанди — хурматли ўқитувчи Фароғ ад-Дарий суради. У Зайнабнинг ота-онаси учун узок кутилган, орзуладиги куёв эди.

— У бизга мос куёв! — қарор қабул қилди она.

Аммо бир куни идиш-товоқ дўкони сотувчиси Али пайтини пойлаб ўқитувчининг йўлини тўсди ва унга пўписа қилди:

– Жонингдан умидинг бўлса, Зайнабдан узокроқ юр!

Ўқитувчи ўзини ҳимоя қилишни сўраб, кучи ва довюраклиги билан ном қозонган бир қариндошига мурожаат қилди. Бу одам сотувчи Алини қанчалик таъқиб қилмасин, Али қасос олиш фикридан қайтмай, Фароғ афандининг йўлини пойлаб, кўзини уриб чиқарди.

Кишлогимизнинг Зайнабга харидор бўла оладиган қисми ўз хавфсизлигидан хавотирланиб, Зайдон хонадонидан ўзларини четга торта бошладилар. Энди фақат Зайнабга оғиз солиши мумкин бўлган қаланғи-қасанғилар қолганди.

– Қайси айбимиз учун бошимизга бундай балолар ёғилди?! – дерди она.

– Қизимизнинг чиройи бошимизга битган бало бўлди, – алам билан жавоб берди ота..

Тўқнашув ва жанжаллар ҳамон давом этар, уларнинг ниҳояси жароҳат олиб, ярланиш билан якунланарди. Зайдон амакининг оиласидагилар рақибларнинг ўчилишидан қўрқиб, холис бўлишга ҳаракат қилишдан бошқа илож топишолмади. Чекларига тушган барча ғам-аламларга қарамасдан, улар ҳамон қишлоқ аҳлининг ҳасад ва гийбатлари нишонида эдилар. Зайдон амаки қизини бирор маккор ва муноғиқ йигит йўлдан уришидан таҳликада эди.

Бир куни эрта тонгда уйғонған қишлоқ шхли ёнларидаги Зайдон амакининг оиласидан ном-нишон қолмаганлигидан хабардор бўлишди. Қишлоқ одамлари бу шоқеадан саросимага тушиб, довдираб колишди. Мен ҳам ҳайратланиб: «Наҳотки, гузалликнинг бизнинг қишлоқда яшашга киқки бўлмаса?» – деб ўйладим.

\* \* \*

Ҳония — Улвананинг қизи бўлиб, у ҳам қишлоғимиздаги севги можаролари ҳақидаги ҳикоялардан бирининг қаҳрамони. Мен унинг тикувчининг шогирди бўлмиш Ҳаммам исмли йигитча билан севишини билардим, аммо улар бир-биридан осмон билан ерча фарқ қилганидан, бу икки ёшни нима бирлаштириб туриши мумкинлигига ақлим етмасди. Чунки Ҳаммам безорилиги, ахлоқсизлиги билан ном чиқарган, бунинг устига бадбашара эди. Унинг ғазабнок кўзлари кишининг ғашини келтирадиган даражада нафакат одамларга, бутун дунёга нафрат билан тикиларди. У доим ялангоёқ юрар, яланғоч баданига галабеे<sup>2</sup> ўраб оларди. Ҳония бўлса ўқимишли қиз бўлиб, уч йиллик бошланғич мақтабни тугатган, қўшишни, айиришни, бўгинлаб ўқишни, ҳатто Куръоннинг бир

<sup>2</sup> Галабеे – миллий, узун, товонгача тушиб тұрадиган әрқаклар қўйлаги.

нече сураларини ёддан биларди. Унинг онаси муҳтожлик нима эканлигини билмас, тушлик вақтларида уларнинг ошхонасидан иштаҳани қитиқловчи ёқимли ҳидлар тараларди.

Ҳония уйига совчи юборган пойабзал сотувчиси Ҳамид ал-Муракабийга рад жавобини берди. Бундан унинг онаси аччиқ кўз ёш тўкиб, менинг онамга дийдиё қилди:

– Тасаввур қил, ахир Ҳамид ал-Муракабий — пули кўп, ҳақиқий эркак!..

– Ахир қизинг ақлли, муқаддас китобларни ўқиган қиз бўлса, нега у бундай қиласди? – дерди онам жиғибийрон бўлиб.

– Менга айтишларича, уни иссиқ-совук қилишганмиш. Қайтарма қилдириш учун шайх Лабибининг олдига бордим, азиз-алиёларнинг қабрини зиёрат қилдим, садака бердим...

Аммо Ҳония ўз фикридан қайтмади. Онаси жаҳл устида унинг юзига тарсаки тушириб, алам билан қичқирди:

– Жиноятчига эрга тегмоқчимисан? Хоҳлаганингни қил! Кейинчалик афсусланиб, бу қилмишинг азобини тортасан!

Бу гап-сўзлардан кейин Ҳамид ал-Муракабий Ҳонияга уйланиш ниятидан воз кечди, Ҳаммам эса уйланиш, янги ҳаёти олиб келиши мумкин бўлган рўзгор ташвишлари тўғрисида жиддий ўйлана бошлиди. Худди шу пайтда уни ўғриликда айблаб, икки йилга қамаб юборишди.

Бундан Улвана ўзида йўқ шод бўлиб,  
муаммоларни ўз вақтида ҳал қилган  
кизига:

Аллоҳга шукур! Энди ишондингми?  
Варни бир Аллоҳнинг айтгани бўлади, унинг  
қорорини ҳеч ким ўзгартиролмайди! – деди.

Аммо Ҳония яна уйланиш ҳаракатига  
түшгун Ҳамид ал-Муракабийнинг таклифи-  
ни рад этиб, қаттиқ ғам-аламга берилди.  
Қишлоқ одамлари қизни тушунишга ҳаракат  
қилиб: «Ҳаммамни унинг қалбидан суғуриб  
ташлаш қийин», – дейишарди.

Орадан икки йил ўтиб, Ҳаммам қамоқ-  
дан қайтиб келди. Ҳонияга яна жон кир-  
ди, унинг онаси эса умидсизликдан эсдан  
оти деди. Турмадан чиқкан одамнинг иш  
топиши ҳар доим мушкул бўлган. Ҳам-  
мам аввалги ишини йўқотган, ҳеч ким  
унга янги ишни таклиф қилмасди. Бир  
кун одамлар уни дўкончада гўшт сотиб  
утирганини кўришди. Унинг бу ишидан  
хиратланган қишлоқ аҳлини, энди «савдо  
қилишга пулни қаердан олди экан?» деган  
уи қизиқтира бошлади. Кейинчалик улар  
Ҳония тилла билагузугини сотиб, пулинни  
Ҳаммамга берганини аниқлашди.

Буни эшитган Улвананинг ғазаби  
кузуб, қизига қарши қариндошларидан,  
қушниларидан, ҳатто кўчадан ўтиб кета-  
отган йўловчилардан ёрдам сўрай бош-  
лади. Аммо ҳеч ким Ҳонияни аҳдидан

қайтаролмади. У севикли маҳбуби билан никоҳдан ўтди.

Ҳония билан Ҳаммам одам ҳавас қила-диган даражада чиройли жуфтлик бўлганлигининг гувоҳи бўлдим. Ҳония эрининг ишларида ёрдам бериб, савдони, кирими-чиқимни бошқариб, кўп ўтмай ўз шахсий дўконларига эга бўлишди. Ҳаммамнинг ўтмишини ҳамма унуди, буни ҳеч ким эслашни ҳам истамай қолди.

\* \* \*

Сайданинг севги тарихи бизнинг қишлоқдаги энг ҳаяжонли севги тарихларидан биридир.

Қўшниси Идрис ал-Қадий билан Сайданинг орасида булоқ сувидай соф ва тоза муҳаббат пайдо бўлди. Улар ҳистийгуларини атрофдагилардан қанчалик бекитишга ҳаракат қилишмасин, нигоҳлари ва ғайрииҳтиёрий ҳаракатлари бу сирни фош этиб қўярди. Бу сирдан воқиф бўлган қизнинг падари бузруквори араб тили ўқитувчиси шайх Карим ва йигитнинг отаси бўлмиш ширинлик сотувчи Ҳасан ал-Қадийнинг орасида жанжал чиқди.

- Ўғлингни тарбиялаб қўй! У ўзини ким деб ўйлаяпти?..

- Худога беадад шукур, ўғлимни тарбиялаб қўйганман!..

Ўқ каби отилган сўзлар, ҳақоратлар одамлар вақтида ажратиб қўймагандан, ўзи

Билан катта жанжални олиб келарди. Бу шақоидан кейин қишлоқ аҳли уларни қаттиқ нағорат остига олишди. Севишганлар бу рұқий зарбага итоаткорона бош эгиб, жимгина әзоб чекишиді.

Идрис мактабни тугаттгач, отасини Сайданикига совчиликка боришга күндириди. Қырия юрагини ҳовучлаб, қизининг құлини сұраш учун шайх Каримнинг хузурига йўл олди. Аммо шайх унга қуруққина қилиб жабоб берди:

— Сенинг ўғлинг ҳали талаба, менинг қизим уни кутолмайди...

Кейин у ўзининг дўстларига:

— Бу қашшоқ савдоғарнинг қизимга совчиликка келишга қандай ҳадди сифди? У мен билан қариндошлиқ ришталарини бөглайман деб овора бўлмасин! – деди.

Шундай кунларнинг бирида Сайданинг отаси орзу қилган, дидига мос келадиган куёвнинг номзоди чиқди. Аммо Саида унга турмушга чиқишига рози бўлмади. Уша пайтларда бундай таклифни рад этиш гаплати ва кутилмаган ҳол бўлиб, бу ҳақиқий исен әди. Унинг бу қарори шайх Карим ва унинг яқинларини саросимага солиб қўйди. Жаҳлдан ғазаб отига минган ота исенкор қизни тарбиялаб қўйиш мақсадида уни кўп нарсалардан маҳрум қилиб, қатъий чекловлар қўйди. Аммо Саида ўз қароридан қайтмади.

Бу воқеаларни эшитган қишлоғимизнинг гийбатчиларига янги мавзу топилиб, Саид

данинг устидан мағзава ағдаришиб, турли-туман, бўлар-бўлмас миш-мишларни тарқатишиди. Бу узунқулоқ гаплар шайх Ка-римнинг қулоғига ҳам етиб келди. Қария қаттиқ ғам-ғуссага ботиб, қадди букилди, бу гапларни кўтаролмай, синфда болаларга дарс ўтаётган вақтида тұсатдан вафот этди. Отасининг ўлимидә оиласидагилар ва яқинлари Сайдани айлашди. Уни ҳақорату қарғишилар билан сийлашиб, моховдан қочгандай ундан ўзларини олиб қочадиган бўлишди. Шундан кейин ҳеч ким унинг уйига совчиликка келмай кўйди.

Орадан йиллар ўтиб, Идрис институтни муваффакиятли тамомлаб, қишлоққа қайтди ва яна севгилиси Сайданинг уйига совчи юборди. Сайданинг оиласидагилар унинг совчиларини олдинги сафаргиданда, совуқ кутиб олишди, онаси бу ҳақда эшлишишни ҳам истамади.

Орадан йиллар ўтди. Уларни оддийгина қилиб «ўтди» дейиш осон, аммо уларни яшаб ўтиш Сайдага жуда оғир кечди. У ўз уйида қамоқдаги асира сингари ёлғиз ва ҳеч кимга кераксиз бўлиб яшади. Идрис бўлса катта амалдор бўлиб, ҳамма орзу қиласидиган куёвга айланди. Аммо у ҳам бошқаларнинг ҳасадини келтириб, уйланишдан бош тортди. Идриснинг ҳистийғуларидан, қайсар ва ўжар феълидан хабардор бўлган дўстлари ва қариндошлари унинг барча тўсиқларни енгишига ишони-

шарди. Тұсатдан Идрисни хизмат юзасып чегарага сафарга юбориши. Қишлоқ ағли бир неча йил унинг ҳәётидаги янгипулардан бекебар қолиши. Сайданинг үйшарыда аввалги умид учқунлари сұниб, үйшарда соғинч ва умидсизлик акс эта бошлади.

Идрис чегарадан қирқ ёшли әркак бұлиб үшінди, унинг севги тарихини деярли барлық унугтанды. Энди қишлоқ ахлинине унинг оның курмаганлиги, оталик баҳтини тағиб курмаганлиги ҳайратта сола бошлади. Ҳиммасидан ҳам унинг Сайданинг онасидан үшін қизининг құлини сұраганлиги одамларни баттар ҳайрон қолдирди. Одамлар Сайданинг бирорға ёқиши мүмкін бўлмаган қизлаб ҳисоблашга ўрганиб қолишганди.

Ва ниҳоят, айрилиқ ва азобга, вафо ва ғадоқатта йўғрилган муҳаббатнинг тантана-ти бўлмиш – тўй бўлди.

\* \* \*

Қария Ёсин ас-Сармати амаки ҳамманынг ҳурмат-эътиборини қозонган инсон үди. Унинг ўғли Рамадон узоқ давом этмайсан хасталиқдан вафот этганди. Бундан Қария жуда изтироб чекди, аммо ҳали кўз башлари қуримай, бутун қишлоқ ахлинини ҳайратта солиб, муҳокама қилишга мажбур этганин бир ишни қилди. Ўғлининг ўлимидан бир ой ҳам ўтмасдан, вафот этган ўғлининг

бўлажак хотини, яъни келин бўлмиш Даилиага уйланиб олди. Нима, у ақлдан озган миди? Агар у ақлдан озган тақдирда ҳам бир йил, икки йил кутолмасмиди? Бунга Даила қандай кўнди? Уларнинг орасиди қирқ ёш фарқ бор эди.

Нима бўлган тақдирда ҳам бўлар иш бўлганди. Даила у билан яшаш учун унинг биринчи хотини яшайдиган уйга кўчиб ўтди. Шубҳа-гумонларнинг охири йўқ эди. Қишлоқ аҳли тўхтамай чол ва Даилиани муҳокама қилишди ва ниҳоят ҳақиқатга яқинроқ тахмин устида тўхташиб, шивиршивир қила бошлишди:

Марҳум Рамадон ва Даилианинг ўртасида содир бўлган воқеани тез орада ўтказиладиган тўй яшириши лозим эди. Аммо кутилмаганда келган ажал барча режаларни чиппакка чиқарди. Даила чорасиз қолди, унинг суюнадиган, дардини тинглайдиган, унга ёрдам берадиган ҳеч ким йўқ эди. Ҳамма гапдан хабардор бўлган Даилианинг онаси бор гапни Рамадоннинг онасига етказди, у эса ўз навбатида бу сирдан эрини воқиф этди. Бечора қариянинг бошига шунча кулфатлар камлик қилгандай, энди бу кўнгилсизлик ортиқча эди. Аммо қизни шармандаликтан қутқариш учун нимадир қилиш керак эди, ахир ўртада марҳум ўғлининг арвоҳи турибди. Қария Ёсин ўйга толди, ўйлаб-ўйлаб бутун қишлоқ аҳлининг фийбатига са-

Бааб пунгни қарорни қабул қилди. Даилиа иккинчи хотин бўлиб, ўғил фарзанд түтиб борди.

Бондилар қария Ёсинни қўллаб-қувват-пашди, баъзилар эса унинг бу қилмишини тирадиб, «аҳмоқ чол» деб кулишди, фий-Финни яхши кўрадиганлари эса қўлларини тигиз килиб, шивирлашди:

Мана, ўз неварасининг отаси!..

## ТЕРГОВ

Кутимаганда эшик қўнғироги жиринг-пиди. Улар ўзларини орқага ташлаб, бир-биралиридан ажралишди ва тимирскаланиб шимимларини қидира бошлишди.

Ахир сен, ҳеч ким келмайди, дегандинг-ту, пицирлади Амир.

Бу адашмасам, дазмолчи бўлса керак, – шиобан шивирлади Лутфия.

Амир қалтираб кўйлаги ва шимини кия бошлиди.

Қаерга яширинай?

Менимча, яширинишнинг ҳожати йўқ. Куда зарур бўлса, каравот тагига беркин.

Лутфия йўл-йўлакай кўйлаги тугмаларини қадади ва хонадан чиқиб, эшикни ёпди. Амир тезда каравот тагига назар ташлаб, ойқ учида эшик ёнига борди ва қулоқ тутди.

Ташқаридан эшикнинг очилгани, оғир қадамлар ундан узоклашгани эшилди. Ким бўлиши мумкин? Ҳар қалай, эри эмас, агар эри келганда, кийимини алмаштириш учун ётоқхонага кирган бўларди. Йўқ, эри келиши мумкин эмас, ахир Лутфия бир соат олдин у билан шаҳарлараро телефон орқали гаплашган эди. Балки дўстларидан биридир? Шу пайтда-я? Бирорта қариндоши бўлса керак.

У ич-этини кемираётган нохуш ҳислар билан ўзини панага олди. Бир оз сабр қилиш керак, бу ташриф абадий давом этмаса керак. Келувчи тезда кетади, кейин ҳаммаси яна боягидай давом этади. Чакирилмаган меҳмон ётоқхонага кириб, конъяк ва қутидаги шоколадни кўриб қолса-чи, деган фикр хира пашибадай унинг миясини тарс этмади. Балки каравот тагидан чиқиб, уларни яшириб кўйиш керақдир? Аммо унинг каравот тагидан чиқишига журъати етмади, аксинча, ўзининг аҳволидан руҳан эзилиб, жойида қимирламай ётди.

Вақт секин ўтарди. У чалғиши учун де-вордаги гилам нақшларини томоша қила бошлади. Аммо тезда бу манзарадан унинг кўзлари чарчаб, барча ранглар аралашиш лампа ёруғида даҳшатли қизғиши тус олган битта катта доғни ҳосил қилди. Ногаҳоний товушдан чўчиб кетиб, каравот тагидан эшикнинг секин очилганига кўзи тушди. Хонага кимдир кирди. Мана, жигарранг таг-

шірмли оқ ботинка ва шим күринди. Кирган  
відім чапга бурилиб, шкаф эшигини очди.  
▼ Амир иккі дақиқа шкаф ёнида тургач, уни  
ниб, шошилмай эшик томон йұналди.  
Нұғғия қаерда қолди? Бу нимаси, у қачон  
бы ордан озодликка чиқар экан? Асабла-  
ри гаранглашди. Назаріда жигарранг тағ-  
шірмли оқ ботинка кийган одамнинг тे-  
мир қуллари унинг томогидан ғиппа бүғиб,  
шілкенда ушлаб турғандай түюлди. Амир  
шілкесираётганини пайқади, бундай бемаъ-  
нигарчиликка чек қўйиш керак. У қўлини  
шубиб, соатига кўз ташлади, кейин секин  
тошибақа косасидан мўралагандай; кара-  
вот тагидан бошини чиқарди. Хонадан тиқ  
тиқ товуш эшитилмади, баданини совук  
түр қоплади. Амир секин яширинган жойи-  
дан чиқди. У ўзини бу зулматда ажал кутиб  
турғандай ҳис қилди. Бу фикрнинг ўзиёқ  
уни шол қилиб, жойида қотириб қўйди.  
У деярли хушини йўқотиб, охирги кучини  
түплади-да, ҳаётини сақлаб қолиш учун  
юнишга шайланди...

\* \* \*

Амир бутун тун давомида мижжа қоқма-  
ди. Эшикнинг секин тақиллагани ва кекса  
изматкор аёлнинг бўғиқ овози эшитилди:

- Амир жаноблари, уйғондингизми?

Балки бирор нарсани баҳона қилиб,  
шаҳардан йўқолсамикан? Бу фикр унга бе-

маъни туюлиб, тезда уни хаёлидан ҳайда-ди.

– Умми Суммат, уйғонганимга анча бўлди.

Амир меҳмонхона столи устида унга атаб тайёрланган нонушта — қайнатилган гүшт, иссиқ нон ҳамда чойга кўз ташлади ва стаканга қўл узатди:

– Фақат чой ичаман.

Кампирнинг юз ифодаси ўзгармади.

– Овқатнинг ҳар бир луқмаси соғлиқни мустаҳкамлайди, – деб минғиллади у.

Бўлиб ўтган воқеа хаёлидан чиқмай, уни таъкиб қилиб, азоб берарди. Кўз олдида барча эҳтиёткорликни унутиб, Лутфиянинг уйидан кўркув ва даҳшат билан қочгани қайта-қайта гавдаланаарди. Уйига етиб келгачгина стол устида қолган бир қути шоколад ва конъяк ёдига келди...

Амир кийиниб, кўчага отланди. Уйқусиз тундан кейин боши ғувуллаб оғрирди. Тонгги газеталарни вараклаб, жиноят ҳақида ҳали ҳеч нима ёзишмаганлигига амин бўлди. У хаёл билан қандай қилиб иш жойига етиб борганини билмади. Барча ҳам-каслари ўз жойларида ўтиришарди. Ко-тибият мудири ҳам ўз жойида эди. Барча столлар банд ва фақатгина биттаси бўш эди. Қофозларни тартибга келтирас экан, Амир бу бўш столга кўз қирини ташлади. Бу мудҳиш воқеа ортда қолгач, у ғамаламга берилади, ҳозир эса бошқа нарса ҳақида ўйлаш керак.

Лутфия хоним кўринмайдилар, – мудирнинг овози эшитилди, – келолмаслигинин сабабини ҳеч кимга айтмаганмиди?

Сиволининг жавобини кутмай, мудирином қилди:

Ҳар доим бундай саволга аёллар ўзларини оқловчи бирор баҳдана топишади.

Унинг бу гапидан хонадагилар хушомадтунлик билан бир овоздан қах-қахълаб кулишиди, фақат Амиргина бу кулгига қўшилмиди. У ҳозир ҳар бир майда-чуйда ҳам унинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юбориши мумкинлиги ҳақида ўйларди. Хонадошларидан кимдир унинг буш столга разм солағанини сезиб қолса-я? Уларнинг бирга кўчандек кетаётганлигини кўриб қолишган булишса-чи? Бундан ташқари, у ерда бир тути шоколад ва конъяк ҳам қолиб кетган. Бу нарсалар лаънати терговчига кўп нарсаларни айтиб бериши мумкин. Асосийси, уни чалғитади. Балки у воқеа жойида яна нимадир қолдиргандир? Масалан, бармоқ изларини. Энди ҳамма айбни унинг бўйнига кўйишади, асосий айбдор эса озодликда гараллабедод қилиб юради.

– Амир жаноблари, бугун сиз Лутфия хонимнинг ҳужжатлари билан шуғулланасиз.

Мудирнинг кескин овозидан у бир сапчиб тушди. Мудир бу вазифани нега айнан унга юклаяпти? Бу идорада ҳаммадан ўзоқ ишлагани, тажрибалилиги учунми ё бу ерда бошқа гап борми? У ҳамкасларига

назар солди, уларнинг ҳаммаси ўз юмушлари билан банд эди. Ҳар доимги иш куни давом этарди. У ўзига нима учун қўркишим керак, деб савол берди. Паришонхотирликка чек қўйиб, фикрини бир жойга жамлаши лозим. Шу пайт унинг қулоғига нотаниш, мулойим овоз чалинди:

– Лутфия хоним шу ерда ишлайдиларми?

Ходимлардан кимдир:

– Ҳа, фақат бугун Лутфия хоним ишга келмадилар, – деб жавоб берди.

Нотаниш киши тезда бурилиб чиқиб кетди, аммо Амир унга яхшилаб разм солишга улгурди. У баланд бўйли, озғин, мовий ранг қўйлак ва кулранг шим кийган қорачадан келган йигит эди. У ўзини таништиrmади, бошқалар ҳам унинг кимлиги билан қизиқмади. Бу арзимас воқеани ҳамма бирпасда унутди, фақат Амиргина анча пайтгача ўзига келолмади. Ўтиб кетган қўркув ва даҳшат яна қайтадан янги куч билан уни ларзага солди. Мингинчи марта Лутфиянинг мурдаси кўз олдига келиб, мингинчи марта уни ташлаб қочгани учун афсусланди. Амир аламли ўйларга берилиб кетганидан вақтнинг ҳисобини йўқотди. Уни бирор туртгандай бирдан ўзига келди. Хонадошлари оқ ботинка ҳақида сўз юритишарди.

– Ҳозир бунақасини учратиш қийин, – деди ходимлардан бири.

- Улар менга жуда ёкиб қолди, – деди бошқаси.

- Улар оппоқ бўлганидан тез кир бўлади, тоналаш қийин.

Амир овозидаги ҳаяжонни базур яшириб, сўради:

- Нима ҳақда гаплашаяпсизлар?

- Лутфия хонимни сўраб келган бояги оқ ботинка кийган одам ҳақида...

- Йўқ!!!

Амирнинг асаблари дош бермади. Хонидошлари унга ҳайрон бўлиб тикилишди. Амир бор кучини тўплаб:

- Узр, менимча шамоллаганман, мазам бўлмаяпти.

Амир гайритабиий баланд овозда телбаларча қах-қах уриб кулди, анчагача ўзини кулгидан тўхтатолмади. Ўзига келгач, мудирга, ҳозир келаман, деганча кўчага отилиб, оқ ботинка кийган нотаниш одамни учратиш мақсадида идора атрофида тентиради. Минг афсуски, уни учратмади.

\* \* \*

Тонгги газетанинг навбатдаги сонида Лутфиянинг ўлими ҳақида эълон қилинди. Амир уни ҳаяжон билан ўқиб чиқди. Хабарда «26 июль» кўчасида жойлашган уй швейцари, пудратчи Ҳасан Жовудийнинг эшиги ланг очик турганлигини кўриб, ичкарига кирганда, унинг хотини Лутфиянинг жаса-

дига кўзи тушганлиги ҳақида сўз юритиларди. Швейцар шу заҳотиёқ полицияга хабар берган. Олиб борилган текширувга кўра, аёлнинг бўғиб ўлдирилганлиги аниқланган, аммо уйидан ҳеч нима ўғирланмаган. Воқеа жойидан очиқ конъяк ва бир қути шоколад топилган. Мархуманинг эри бу вақтда Александриядаги хизмат сафарида бўлган. Воқеа юзасидан суриштирув ишлари олиб борилаётгани ҳақида ёзилганди.

Ишхонада мотамсаро кайфият ҳукм сурарди. Воқеадан ҳамма хабар топганди. Ходимларнинг чехраси маъюс эди, аммо қўллари бўшади дегунча бўлиб ўтган воқеа юзасидан барча ўз тахминини олға сурарди. «Эри уйда йўқлигига конъяк билан шоколад нимаси экан?» – дейишарди. Кимдир пичинг қилди:

– Ҳаммаси кундай равшан, аммо уни ўлдиришнинг нима кераги бор эди?

Ҳақиқатан ҳам уни нима учун ўлдиришди? Амир ҳар қанча уринмасин, бирорта ҳақиқатга яқин, жўяли фикрга келолмади. Нима бўлган тақдирда ҳам одамлар бўлиб ўтган воқеани нотўғри талқин қилишарди. Улар бегуноҳ бир инсонни ноҳақ айблашиб, янги жиноят учун йўл очишиб, бир тўда овсар қўйлар подаси каби нотўғри йўлдан боришарди. Оқ ботинкали одамнинг ўзи уйга кириб келди, улар эса конъяк ва бир қути шоколаднинг гийбатини қилишаяпти. Фақат Амиргинага кимни қидириш керакли-

Гини яхши билади. Балки дафн маросими-  
ди оқ ботинкали одамни учратиб қолар?  
Албантта, уни ўша ерда кўриб қолиши мум-  
кин.

Дафн маросими куни у қабристонда  
капилни айнан шу ерда учратишига умид  
килиб, тобут атрофини ўраб турган одам-  
нарни дикқат билан кузата бошлади.  
Миркуманинг эри бошига тушган мусибат-  
дан обигида зўрға тураг, уни қариндошлари  
гултиқлаб олишганди. Амир қидирган одам  
бу орда кўринмасди, тобутга назар таш-  
лаганича, унинг атрофини секин айланиб  
үтди. Юрагини фижимлаган соғинч туйғуси  
бир нафас барча қўрқувларини унутишга  
мажбур қилди. Хотирасида ўзидан алам  
шундай ваҳима ҳиссини қолдирган қисқа, аммо  
жушқин севгиси жонланди.

\* \* \*

Оқ ботинка кийган бу одам ким бўлиши  
мумкин? Ўша машъум тунда уни швейцар  
қўрдимикан? Аслида, Амирни швейцар  
тўхтатиб, ҳатто кимникига кетаётганли-  
гини ҳам сўраганди. Шу уйнинг тўртинчи  
қаватида яшовчи тиш докторининг олдига  
келганлигини айтиб, уни алдашга мажбур  
бўлганди. Амир ҳақиқатан ҳам бу ерга тиши-  
ни даволатиш учун келганди. Улар Лутфия  
билан шундай қилишса тўғри бўлишига ке-

лишишганди, демак ҳеч нарсадан күркмаса ҳам бўлади.

Ходимлардан бири газетани четга қўйиб, гап бошлади:

— Лутфиянинг эри Ҳасан оғир касалмиш. Унинг биринчи хотинидан эгизак — бир ўғил, бир қизи бор экан. Ҳасаннинг биринчи хотини ва фарзандлари билан муносабати ҳам ҳавас қиласи даражада эмас дейишяпти.

Суҳбат қизғин тус олди:

— Балки бу жиноятни Ҳасаннинг биринчи оиласидагилар ёш хотинига мерос қолдирмаслик мақсадида қилишгандир?

— Балки Лутфиянинг уйига конъяк ва бир қути шоколадни ўгай ўғли олиб келгандир?

— Терговчи албатта бу тахминларни текшириб кўради.

— Шоколад ва конъяк қотилни топишда асосий ашёвий далил бўлиши мумкин.

Амир чидолмай, жаҳл билан:

— Дунёда нима кўп, минглаб қути шоколаду минглаб шиша конъяклар! — деди.

— Ахир қути устида дўкон номи ёзилган, дўкон номига қараб қайси кўчада жойлашганини билиш мумкин...

Ҳа, улар ҳақ. Барча далиллар унга қарши. Агар тергов топилган нарсалар қотилга тегишли деган холосага келса, унда... Юраги орқага тортиб кетди.

— Ҳаммаси тушунарли, — деб кимдир холоса қилди. — Пудратчининг ўғли Лутфия билан дон олишган, кейин уни ўлдирган.

Балки шундайдир. Қотил — оқ ботини  
ни кийган одам. Ҳасан пудратчининг ўғли  
шишубҳасиз оқ ботинка кияди. Ҳамма-  
си икшилик билан тугайди, ахир Амирнинг  
туноки йўқ. Агар конъяқдаги бармоқ из-  
лирига ёпишиб олишса-чи? Унда Амирни  
тозда қўлга олишади. «Аз-Зухро» дўкони  
«Хайини уни яхши танийди. «1001 кеча»  
кандалат дўконига ҳам тез-тез кириб ту-  
роди, уни доимий мижоз сифатида яхши  
нилишади. Балки шу лаҳзаларда тергов-  
чининг хонасида унинг алоҳида белгилари  
хонида сўз юритишаётгандир.

\* \* \*

Газеталарда Лутфиянинг, эри Ҳасан-  
нинг ва ўгай ўғли Муҳаммадларнинг расм-  
лари босилган эди. Амир уларга тикилиб  
туриб, қотилликни Лутфиянинг ўгай ўғли  
Муҳаммад қилган деган хulosага келди.

Ходимлар терговнинг кетиши ҳақида  
қизғин баҳс юритишарди:

— Газеталарда ёзилишича, полиция  
қотилнинг изига тушибди, яқин кунларда  
жиноят очилармиш.

— Полиция Ҳасаннинг ўгай ўғлидан  
шубҳаланган бўлса керак-а?

— Улар албатта конъяк ва шоколадни  
эътиборга олишади.

— Қотилликнинг барча сири шишада...

Мудир қофозлардан бош кўтариб, ҳам-  
мага диққат билан назар солди:

– Ўртоқлар, терговчи ҳаммамизни гувоҳлик бериш учун маҳкамага чақирди, – деди.

\* \* \*

Ходимларнинг ҳаммаси терговчига Лутфия ҳақида билганларини: Лутфия бундан ўн йил олдин мазкур идорага ишга кирганини, икки йил олдин турмушга чиққанини гапириб беришди. Мудир унинг интизомли, масъулиятли ходим бўлганлигини таъкидлади. Шунча ахборотдан терговчини фақатгина қоровул Сулаймон амакининг кўрсатмаси қизиқтириб, ҳушёр тортириди. Қариянинг айтишича, жиноят содир этилган куннинг эртасига идорага Лутфияни қидириб келган одамни Лутфия турмушга чиқмасдан олдин бирга юрганини кўрган. Ҳамма бир овоздан ўша куни Лутфияни излаб идорага келган одамнинг ташқи қиёфасини тасвиirlаб, унинг ҳақиқатан ҳам ўша куни Лутфияни сўроклаганини тасдиқладилар. Амирнинг навбати етганда нотаниш одамнинг қиёфасини иложи борича батафсил тасвиirlашга ҳаракат қилди. Унинг бўйи, кийими ўлчами, костюми, асосийси, оқ ботинкаси ҳақида маълумот берди. У гапини тугатгач, терговчи:

– Худди атайлаб кузатгандай барча белгилари ёдингизда қолибди-я? – деди.

Амир бу гапдан довдираб қолди, аммо ҳаяжонини яшириб, қатъий жавоб берди:

Чунки нотаниш йигит рўпарамда турғанди.

Амир ўзини жуда ноқулай ҳис қилар, тарговчининг охирги гапи эса уни батомм ҳолдан тойдирган эди. Бу пайдади ҳали ҳеч кимнинг пудратчи Ҳасаннинг ўли Мұхаммад ўша машъум тунда университетдаги ўртоқлари билан экскурсияни булғанлиги учун, ундан барча гумонлар олиб ташланганлигидан хабари йўқ эди.

\* \* \*

Амир ўзини терговчининг ўрнига қўйиб, унинг фикрларини ўрганишга ҳаракат қилди. Сулаймон амаки Лутфия билан етаклишиб юрганини кўрган, кейин уни излаб идорага келган нотаниш йигит ким булиши мумкин? Балки конъяк билан шоколадни уколтиргандир? Балки бу нарсаларни умуман қотилликка алоқаси бўлмаган одам олиб келгандир? Ҳар қандай шароитда ҳам конъяк ва шоколадни текшириб кўриш лошим. Ҳаммасини бошқатдан бошлаймиз. Ошиқ-маъшуқлар эрнинг йўқлигидан фойдаланиб, учрашишга келишишган. Белгиланган вақтда йигит Лутфиянинг уйига келган. Уйга кириш қийин иш эмас, чунки тўртинчи қаватда тиш доктори яшайди. Унинг қабулига кўп одам келади. Мана улар бирга. Қаерда ва қачон йигитда аёлни ўлдириш фикри туғилди? У буни резжалаштирганмиди ёки кутилмаганда, ар-

зимаган жанжал туфайли қотиллик содир этилдими? Мағур ва иззатталаб аёлни телбаларча севиб қолган ёш, тажрибасын йигитни күз олдимизга келтирайлик. Аёл пулдор эркакка турмушга чиқиб, бойлика эга бўлади, жамиятда юқори даражага эришади. Аёлнинг қўлида ўйинчоқ бўлганини англаған йигитнинг муҳаббати нафратга айланади. Мана аёл унинг оғушида илондай тўлғониб, эҳтирос билан қулоғига шивирлайди: «Мени маҳкамроқ бағрингга бос, қўйиб юборма...», – йигитнинг қўллари сенкин унинг бўйни томон чўзилади...

Кейин йигит қилган ишидан даҳшатга тушиб, олиб келган конъяқ ва шоколадини унутиб, қочади. Энди у, шубҳасиз, «АЗ-Зухро» дўкони ва «1001 кеча» қандолат дўконини четлаб ўтади. Балки у Лутфия ишлайдиган идорада ишлар...

Ха, терговчи ҳозир тахминан худди шутарзда Фикр юритаяпти. Ё терговчининг олдига ўзи бориб, ўша ланъати оқшомда Лутфиянинг уйига борганилигини тан олса, тўғри бўлармикан? Аммо у бегуноҳ эканлигини айтса, улар ишонишармикан? Барин бир қотил эмаслигини исботлаб беролмайди...

\* \* \*

Ҳар эҳтимолга қарши яна тиш докторининг олдига кириб ўтиши керак. Мана ўшатез-тез қадам ранжида қилган таниш кўча

— Гениш уй. Қизиқ, Ҳасан Жовудий ҳали  
шундай шу орда яшаяпти микан? Уни уй олди-  
швейцар кутиб олиб, ортидан лифтга  
түшсизди. Амир унга йўл-йўлакай сўз қотди:

— Мен тўртинчи қаватдаги доктор Но-  
вијининг қабулига келаяпман.

Лифтдан чиқар экан, Амиф тасодифан  
шундай қадари ва швейцарнинг оёғидаги жи-  
ғирринг таг чармли, оқ ботинкага кўзи туш-  
ди. У қалтираганча врач қабулига йўл олди.  
Но-отки қотил — швейцар бўлса? Ўша куни  
котил галабей эмас, шим кийганини ўз кўзи  
билин кўрганди ё адашдимикан? У хаёлга  
мирилиб, навбатини ўтказиб юборай деди.  
Түндиқка чўкаркан, врачдан сўради:

- Шу сафар тугатасизми?
- Сабрингиз чидамаяптими?
- Қотиллик ҳақида эшиздингизми?
- Эҳ, бечора аёл... Мен уни яхши та-  
нирдим. Эрига тиш қўяётганимда бирга,  
бир неча марта келганди.
- Ростданми?

Врач бу мавзуда гап очганига афсус-  
ланди, аммо бирдан:

- Санитарим Халил қотилни ўз кўзи би-  
лини кўрганини таъкидлаяпти.
- Шунаقا денг...
- У бир қават юқорида яшайди. Ўша  
куни қотил аёлнинг уйидан чиқиб кетаёт-  
гина, у зинапоядан тушаётган экан.
- Қотилнинг юзини кўришга улгурибди-  
ми?

- Билмадим.
- У албатта гувоҳлик бериши лозим.
- Халил гувоҳлик бериб бўлди.

Санитар улардан қай бирини кўришга улгурди экан? Унинг хавотирига яна бир хавотир қўшилди.

\* \* \*

Амир идорадан чиққанда уни кимдир кузатаётганини ҳис қилди. У ўгирилиб, коровул Сулаймон амакига кўзи тушди. У шошилмай, Амирга яқинлашди:

- Амирбек, мен терговчига кўрган-билганиларимнинг ҳаммасини айтмадим.

Амир унга ҳайрон тикилди, чол сўзида давом этди:

- Бегуноҳ одамдан асоссиз шубҳаланиб, гуноҳга ботишдан қўрқдим.

- Амаки, нимани назарда тутаяпсиз?

Чол унга мулойим овозда жавоб берди:

- Амир жаноблари, мен лифтда Лутфия хонимни ўпаётганингизни кўрганман.

- Нималар деяпсиз?

- Лифтда Лутфия хонимни ўпаётганингизни кўрганман.

Ҳаяжонланганидан Амирнинг оёқлари чалишди, у базўур ўзини қўлга олиб, чолга жаҳл билан сўз қотди:

- Балки кўриш қобилиятингиз пасайгандир?

Чол унинг гапларига эътибор бермай, қайсаарлик билан ўз сўзида туриб олди:

Сиздан шубҳаланмасликлари учун  
тапшылаб бу гапларни терговчига айтмадим.

Күнингиз кўр бўлибди, – деб тақор-  
нили Амир умидсиз оҳангда.

Мондан ранжиманг, Амирбек. Сизга  
емонлик қилиш ниятим йўқ.

Миннатдорман, – деди Амир чолдан  
унинишиш экан.

Унинг ортидан чолнинг овози янгради:

Аллоҳдан миннатдор бўлинг.

Кўнгур-ғазаб ва чорасизлик ҳислари уни  
иммириб, адойи тамом қилди. Энди бу азоб-  
ини ни дам олади, на ишлайди, на ухлайди...  
Онинг бу қийноққа чидашнинг иложи-йўқ.

– Котиллик ҳақида бирор янгилик бор-  
ми?

– Икки кун аввал бу ҳақда газеталарда  
табирлар тўлиб-тошиб ётганди. Энди эса  
нимагадир жим-жит.

– Прокуратура бу ҳақда ёзишни тақиқ-  
лаган бўлса керак.

– Нимага?

– Котил терговнинг қай тарзда бораёт-  
тишидан хабар топмаслиги учун.

Амир қофозлардан бошини кўтарди, шу  
попит мудирга қаҳва узатаётган Сулаймон  
иммикининг нигоҳи билан нигоҳи тўқнашди.  
У нимагадир алам билан, чол энди мен-  
ги таҳдид қилиб, пул талаб қилса керак,  
деб үйлади. Бу шаҳарда у учта одам: «Аз-

Зухро», «1001 кеча» дўконлари сотувчилари ва Сулаймон амаки билан учрашмаслиги лозим. Шундагина хотиржам яшайди. Бирдан унинг кўз олдида даҳшатли манзара намоён бўлди: катта кўчада содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида ёшгина сотувчи ҳалок бўлади, «Аз-Зухро» дўкони сотувчисини ичиб олган бир нечта маст-алааст одамлар жанжал оқибатида уриб ўлдиришади, Сулаймон амаки эса юрак хуржидан вафот этади.

- Амир жаноблари, марҳамат қилиб ишга киришинг, вақт кетаяпти.

\* \* \*

Бирдан унинг хаёлига, швейцар учун жигарранг таг чармли оқ ботинка жуда замонавий ва қимматлик қиласди, деган ўй келди. Тўғрироғи, унга бу ботинкани совға қилишган бўлса керак. Лекин уни ким ва қачон совға қилган? Буни аниқлаш учун текшириб кўриш керак. У яна тиш докторидан фойдаланишга қарор қилди. Швейцарни лифтда учратди. Пайтдан фойдаланиб швейцарнинг ботинкасига бехосдан кўзи тушгандай, сўз қотди:

- Ботинкангиз жуда чиройли экан.

Швейцар унга маъносиз кўз ташлаб, лом-мим демади. Амир уни яна саволга тутди:

- Тайёр сотиб олганмисиз ё буюртма берганмисиз?

- Бунақасини фақат Дайлами тор күчәндә турувчи Амин Алига буюртма асосида тиқтириш мумкин.

Жавоб билан бирга жавоб беришдан көніш Амирнинг шубҳасини баттар ошириди.

Дайлами тор күчаси иккӣ қадам нарида қойлашгани учун этикдўзни топиш Амирга кийинчилик туғдирмади. У этикдўз билан шлом-алик қилгач, дарров муддаога ўтди:

- Мен жигарранг таг чармли оқ ботинка буюртиromoқчи эдим.

Этикдўз уни тўқима стулга ўтқазиб, оғининг ўлчамларини ола бошлади. Амир кўлай вазиятдан фойдаланиб, савол берди:

- Мен бунақа ботинкани «26 июль» күчасида жойлашган 11-уйнинг швейцарида кўриб қолдим. У сизга учрашишни мислаҳат берди.

Этикдўз хотиржам оҳангда жавоб берди:

- Менинг мижозларим орасида швейцар булиб ишлайдиган одам йўқ.

Амир кувончдан энтикиб кетди, унинг таҳминлари тўғри чиқаяпти. У суроқни давом эттириди:

- Демак ботинкани швейцарга мижозларингиздан бири совға қилган бўлса керак.

- Бўлиши мумкин.

- Бунақа ботинкага тез-тез буюртма беришадими?

- Йўқ, жуда кам, икки йил мобайнида пуюртма берган учинчи одамсиз.

Амир нафасини ичига ютиб, сўради:

– Улар кимлар?

– Биттаси қори, иккинчиси... Ёдимдан кўтарилиди, ҳозир кўриб бераман.

Этиқдўз яғири чиқиб кетган қалингина дафтарини варақлашга тушди. Амирнин тоқати тоқ бўлиб, унинг елкаси оша мўралади.

– Ҳа, мана топдим... Ҳисом Файзий... Менимча, бирор жойда хизматчи бўлиб ишласа керак, бу ерда фақат исми ёзилган.

Бир неча дақиқадан кейин Амир этиқдўзниг устахонасидан чиқиб, «Ҳисом Файзий... Ҳисом Файзий...» деб ичидаги тақорлаганча йўлида давом этди.

\* \* \*

У энди шубҳасиз қотилни топади. Бу аниқ идорага Лутфия хонимни излаб келган одам. Энди у терговчига учрашиб, барча воқеани рўй-рост айтиб бериши ёки хат жўнатиши лозим.

У манзилни аниқлади. Бу Бикри тор кўчасининг ёнидаги икки-уч қаватли уйлар жойлашган, бегона одам кирса, дарров бошқаларнинг дикқатини тортадиган, хилват Митвалли кўчаси эди.

Амир Ҳисом Файзийнинг уйи ойнасига тикилди ва уй айвонида турган йигирма икки ёшлардаги гўзал қизга кўзи тушди. У нотаниш гўзалга ҳайратланиб боқар экан: «Қани энди бутун умрингни шундай чирой-

И киз билан ўтказсанг», – деган хаёлга бирди. Оғир-босик, мулоим ва нозиккинн бу қиз ўзининг қайноқ эҳтироси билан Амирни асир этган Лутфиянинг тамомани ўзи ёди. Бир пайтнинг ўзида у қотилнинг хотини, ё қизи бўлиши мумкин.

Қушни уй ёнида жойлашган дўконда инкинагина, дазмолчи кампир уни қизиқиш билан кузатиб турарди. Амир унинг олдига бориб, Файзийлар хонадони ҳақида сўраб-ўришишига қарор қилди.

Кампир ўзининг ягона кўзи билан унга шубҳаланиб тикилар экан, уй айвонини кўрсатиб, деди:

У Ҳисом Файзийнинг синглиси Давлат коним бўлади.

Кампир уни қизнинг ошиқларидан бири деб ўйлади. Амир миннатдорчилик билдириб, кетишга чоғланди, аммо кампир зериниб ўтирган, шекилли, уни суҳбатга тортди:

- Яхши оила. Уларни танийсанми?
- Йўқ.

Кампир совчиликни бўйнига олган одамдек, шубҳа-гумонлари тарқаб, йигитга бордам беришга тайёрдек, енгидан тортди:

– Ана, Ҳисом жанобларининг ўzlари, қаҳвахонага кириб кетаяпти.

Амир шаҳд билан ўгирилди. Унинг ёнидан шоп мўйловли, тўлачадан келган эркак ўтиб кетди. Амирнинг барча режалари чиппакка чиқди, чунки у бу одамни ҳеч қачон кўрмаган эди. Оқ ботинканинг сири сир-

лигича қолди. У яна бошлаган нүктасига қайтди.

\* \* \*

У бу воқеаларнинг тезроқ тугаб, енгил нафас олишни интизорлик билан кутарди. Шундагина уйланиш ҳақида ўйлаши мумкин. У узок иккиланишлардан кейин терговчига: «Ўша куни Лутфия Жовудийнинг уйига конъяк ва бир қути шоколад олиб борган одамман. Ҳақиқатни ўз кўзим билан кўрган ва билган ягона одам менман», – деб хат ёзишга қарор қилди. Ўз мактубида барча воқеаларни батафсил тасвирлади, у қотилни топганига ишонч ҳосил қилмагунча, хатга имзо қўйиб, жўнатмаслик керак деган холосага келди. Бундан ташқари, терговчи уни ҳусніхатидан таниб қолмаслиги учун хатни ёзув машинкасида қайтадан ёзиш керақ, деб ўлади.

Газеталарда қотилликнинг очилиши ҳақидаги янги хабарлар босилмай қўйганидан, хизматдошлар бу қўрқинчли воқеани деярли унтишди. Фақат Сулаймон амакигина Амирга маъноли кўз ташларди. Бир куни у Амирга қаҳва узатар экан, тагдор қилиб сўз ташлади:

– Бугун кўринишингиз яхши эмас, Амир устоз.

Амир жаҳлинини ичига ютиб, босиқлик билан жавоб беришга ҳаракат қилди:

— Аллоҳга шукур, ҳаммаси жойида.

Ўша куни у ёзув машинкаси сотиб олди, бахтга қарши ёзув машинкалари ҳам қимматлашиб кетибди. Унга энди пул сув ва ҳаводай зарур, у Давлат Файзийга уйланиш ниятида. Амир ўзининг оқ ботинкасига қараб жилмайди, ахир, у шу ботинка орқали Давлат Файзийни топди. Амир хаёлга толиб, ҳақиқат ва рӯёни аралаштириб юборди.

...Мана, у этикдўзнинг устахонаси ёнида оқ ботинкали одам билан тўқнашади.

— Менга ҳам худди шунақасидан тикиб беринг, — дейди у этикдўзга.

— Бу жуда қимматга тушади, ҳозир бунақа ботинкага камдан-кам буюртма беришади, — дейди жилмайиб Амин Али.

Амир бироз иккиланиб, унга савол беради:

— Ҳозир олдингиздан чиқиб кетган одам ким?

— Ҳисом Файзий, у ҳам сиз каби менинг доимий мижозим, қайсиdir вазирликда ишлайди.

— Қиз ким?

— Унинг синглиси, Давлат хоним.

— Уларнинг манзилини айтольмайсизми?

Этикдўз кулимсираб, жавоб беради:

— Митвалли кўчаси, 14-уй...

Амирнинг хаёли ўзига келиб, ёзув машинкасида хат ёзишга тутинди. Хатни ту-

гатиб, конвертга солди ва почта қутисига ташлади.

У анчадан бери бундай енгилликни туймаган эди.

\* \* \*

У идорада ҳар доимгидай қоғозларга күмилиб ўтирап экан, таниш овозни эшишиб, шаҳд билан бошини кутарди.

– Лутфия хоним қаерда?

Эшик ёнида қотилликнинг эртаси куни Лутфия хонимни қидириб, идорага келган йигит туарди. Унинг кутилмаган ташрифи барчани ҳайрон қолдирган бўлса, берган саволи эса шошириб қўйди. Амирни худди ток ургандай бўлди. Мана ўша сирли ва ярамас қотил! Ҳатто ботинкасини ҳам алмаштиrmабди. У қаерда эди? Нимага келди? Нимага у бу саволни бераяпти? Бирлаҳзада Сулаймон амаки остоnада пайдо бўлиб, эшикни ёпди ва йигитнинг орқасига туриб олди. Мудир йигитни саволга тутди:

– Сиз кимсиз?

Жавоб ўрнига яна савол янгради:

– Лутфия хоним қаерда?

– Унда нима ишингиз бор?

– Буни сизга алоқаси йўқ.

– Кимсиз ўзи?

– Аҳамияти йўқ.

– Нимага уни уйидан эмас ишхонасидан қидирайapsиз?

- Унинг уйини билмайман.
  - Наҳотки Лутфия хонимга нима бўлганини билмасангиз?
  - Нима бўпти?
  - Уни ўн кун олдин ўлдириб кетишган.
  - Иигит эсанкираб қолди.
  - Ўлдириб кетишган?! – деб ғўлдиради иигит.
  - Нима бало, газета ўқимайсизми?
  - Йўқ.
  - Сиз терговчига учрашишингиз зарур.
  - Мен? Нимага?
  - У марҳуманинг барча танишларини суроқ қиласяпти.
- Иигит кутилмаган хабардан анчагача ўзига келолмади ва узоқ жимлиқдан кейин уйини қўлга олиб, тилга кирди:
- Нима ҳам дердим, мен терговчи билан учрашишга тайёрман.

\* \* \*

Мана ўша мудхиш воқеанинг сабабчиси, совуқкон қотил оқ ботинкада унинг рўпарасида турибди. У яна қандай ўйин курсатмоқчи?

Сулаймон амаки терговчиликни ўз бўйнига олди. Бироздан кейин идорадагилар иигитнинг исми, Маҳмуд ал-Гир эканлигини, у такси ҳайдовчиси бўлиб ишлашини билиб олишди. Қачонлардир Лутфия хоним турмушга чиқмасидан олдин, у билан ўзига

хос «битим» тузганлигини, бунинг эвазига у машинасида Лутфия хонимнинг барча хизматларини бажарганлигини, баъзида эса Лутфия хонимнинг ўзи ҳам гаражга унинг олдига келиб турганлигини билдириди. Ортиқча гап-сўз бўлмаслиги учун улар бир-бирларидан уй манзилини яшириб, бу «битим»ни сир тутишган. Лутфия хоним, жуда зарур бўлган тақдирда, уни қидириб топиш учун ишхонасининг манзилини берган. Шунинг учун келишилган вақтда Лутфия хоним учрашувга келмаганлиги боис, уни қидириб ишхонасига келган. Уни қидириб тополмагач, бир ҳафтага Александрияга жўнаб кетган. Яна у билан учрашиш нијатида ишхонасига излаб келган. Йигит бу гапларни полиция маҳкамасида ҳам тақорлади. Полициячилар унинг бармоқ изларини олиб, ўзини қўйиб юборишли.

Йигитнинг гапларини эшитган Амирнинг боши айланиб кетди. У ишнинг бундай тус олишини кутмаган эди. У ўзини чиқиш йўли бўлмаган берк кўчага кириб қолгандай ҳис қилиб, терговчига хат жунатганидан афсусланди. Таксичи йигитнинг сўzlари рост, бунга шубҳаланмаса ҳам бўлади. Унинг юрагига оғриқ кирди. У Лутфия билан ёлғиз қолганда: «Макр-ҳийлангдан нафратланаман», – деганда, у совуқёнлик билан: «Мен ҳақимда қандай фикрга боришингдан қатъи назар, бари бир мени севасан», –

до б ҳавоб берарди. Үшанда Амир жазава-  
тп түшиб бақирганди:

— Ахир, сен ўзингни ўша машинали яра-  
масга сотаяпсан!

— Сен эса бари бир мени севасан!

Амирнинг жим бўлиб қолганини кўрган  
Лутфия тиржайди:

— Менинг бирор билан учрашишим, эр-  
го тегишим сени ташвишлантирумай қўя  
колсин. Юрагим фақат сенгагина тегишли.

Үшанда Амир муҳаббат ва ақл, яъни  
икки ўт орасида қолганлигини тушунганди.  
У бу хонадондаги қизил қандилли чироқ  
ўчмас экан, уни қийнаётган дўзах азобидан  
кугулолмаслигини англағанди.

\* \* \*

У тунги тоза ҳаводан нафас олиш мақ-  
садида айвонда туарди.

— Мехмон келди, — кутилмаганда орти-  
дан кекса хизматкор аёлнинг овози келди.

— Ким экан?

— Билмадим. «Эшикни очинг», — дейиш-  
ди. Сиздан рухсат сўраш учун олдингизга  
келдим.

Амир эшик тирқишидан мўралади. Эшик  
ўнида у ҳеч қачон кўрмаган ва танимаган  
одам туарди. Унинг юраги орқасига торти-  
ди. Индамай эшикни очди. Эркакнинг ор-  
тидан яна уч киши уйга кирди.

– Безовта қилганимиз учун узр, уйингизда тинтүв үтказишимиз лозим. Мана, қўли мизда прокурорнинг санкцияси бор, – деди биринчи бўлиб кирган эркак. Қолганлари уйни тинтишга киришишди.

– Нимани қидирайгисизлар? – деди Амир бўғиқ товушда.

– Ёзув машинкасини.

У машинкани олиб чиқди. Офицер машинкани текшириб, хулоса қилди:

– Хат айнан шу машинкада ёзилган.

У Амир ўз хоҳиши билан ёзиб юборган хатни кўрсатиб, сўради:

– Буни сиз ёзганмисиз?

– Тушунмадим, нима деяпсиз? – деб сўради Амир чорасиз ахволда.

– Машинкани қачон сотиб олганмисиз?

– Мен уни сотиб олганман, ўғирлаганим йўқ. Сизга ҳисоб бериш ниятим йўқ.

– Сизни қандолат ва шароб дўкони со тувлчилари билан юзлаштиришади... Айбингизни тан олинг, қайсарлик қилишнинг фойдаси йўқ.

Амирни полиция машинасида олиб кетишар экан, унинг нимага асосланиб уйида тинтүв үтказишгани ҳақида берган саволи жавобсиз қолди. Шунда у ёзув машинкасида хат ёзиб катта хато қилганини англади. Полициянинг назарида у ҳуснихатидан таниб қолишлиаридан кўркиб, машинкада имзосиз хат ёзгани унинг айбдорлигини

Милдиради. Терговчи Лутфия хонимнинг шимматдошларидан шубҳаланиб, уларнинг ўй манзилларини, шу жумладан, Амирнинг юм ўй манзилини олганди. У бу одамларни барчасининг уйини тинтуб қилишга Пүирүқ берганди. Тинтуб натижасида ёзув машинаси, шу билан бирга конъяк ва шошонид эгаси ҳам аниқланганди.

Мен айбдор эмасман, хатда ёзилган парнинг барчаси ҳақиқат, – деб тақрорлади у шаблидаги гапни овоз чиқариб.

Бизга бошданоқ сизнинг марҳума бини бўлган муносабатингиз аён эди, – деди полициячи.

Бирдан унинг кўз олдига Сулаймон амали келди.

– Бу хатни ўз айбимга икрор бўлиб ёзиман. Яна тақрорлайман, менинг гуноҳим иўк.

– Жуда тасаввурингиз бой экан, – кулди офицер.

– Сиз ҳақиқий қотилни қўлдан чиқарасиз.

– Биз барча шубҳаланган одамларимизни текшириб чиқдик, бу қотилликка уларнинг алоқаси йўқ экан.

– Бўлмаса, қотил ким?

– Қотил сиз, – деди офицер совуққонлик билан.

## КЕЧИККАН МУҲАББАТ

Мен бугун истеъфодаги янги ҳаётимни бошлайман. Узоқ вақт давлат хизматида ишлаш энг гуллаган ёшлик дамларимни ҳавоги совуриб, кексалик остонасига етаклаб келганди. Мен қиролга ҳам, тўртта президентга ҳам хизмат қилдим-у, аммо улар орасидаги фарқни сезмадим. Хизмат пиллапояларидан қанчалик юқори кўтарилиганим сари, ўзимни ёлғизликнинг қайғули зиндонига шунчалик маҳкум қилдим. Хотира ва ушалмаган орзулар мени қийноққа соларди, аммо ахлат орасида тентираб юрган ҳашарот яхшиси ҳеч нимани эсламагани ва орзу қилмагани маъқул экан. Эскириб омонатгина турган уйимнинг ахлатхонадан, ўзимни эса ҳашаротдан фарқим йўқ эди. Қандай адолатсизлик! Нимага мен бугун янги, озодалигидан ярқираган, чиройли уйда яшамаяпман? Нимага мен гуллаб-яшнаган, серҳосил дараҳтга айланмадим? Ҳисоб-китоб вақти етиб келган бўлса-да, оиласа ҳақида ўйласам, юзим аламдан бурушиб кетади. Шу уйда бутун умр — туғилганимдан то истеъфага чиққунча яшаганимга баъзида ишонгим келмайди.

Орадан шунча вақт ўтишига қарамай, уйда деярли ҳеч нима ўзгармаганди. Мана ўша мустаҳкам, узоқ яшовчи ёғоч каравот! Ҳатто йиллар ҳам унинг мустаҳкамлигига

шүтүр отказа олмаганди. Ҳозирги мебель бундай хусусиятга эга эмас. Мана, шиншилган урфдан чиқсан, эшигига күзгү шиншилган бир табақали эски шкаф. Икки порта орасида эса ўқувчилик ва талабалик шиншилган дарс қилишимга гувоҳ бўлган, янириб, абжафи чиқиб кетган ёзув столи түрибди. Мана, бирорта музейга экспонат пуллишга арзийдиган турк дивани ва университетни битиришимда совфа қилинган, түлиниб-яшнаган давримдан ягона ёдгорлик пулган эски форс гилами.

Замонавий архитектура ҳозир бу ўчимдаги хонани, бундай баландликдан шифтни ва тошли плиталардан ясалгани бундай полни билмайди. Бу бинонинг олмистеъфога чиқиш вақти келган. Абу Ҳода кўчасининг номидан бошқа ҳеч ни маси қолмаганди. Асрлар давомида инкорнилган ўтмишнинг ачинарли қолдикларига ёнг ажойиб хотиралар яширинганди! Бу орда ўзидан бегоналик, бефарқлик ҳисларини таратувчи, бирорга яхшиликни раво ўрмайдиган янги одамлардан бошқа бирорта янги нарса йўқ эди.

Тўртта хона ва меҳмонхонадан иборат, чанг-тўзон қоплаган уйда мендан ташқари суварак ва сичқонлар ҳам яшарди. Ўзимни шилфитиш учун бирор нарса билан машғул бўлишга ҳаракат қиласадим-у, ёлғизлик ва умидсизликдан, ўтмиш хотираларидан

қўлим ишга бормасди. Хаёл ва хотира, минг лаънат сизга!

Одатда, уйни саранжом қилиш мақсадида ҳеч бўлмагандан ётган ўрин-кўрпамни йиғиштираётганда ўзимга-ўзим, қачонлардир бу ерда ўзидан ёруғлик ва нур таратган, атрофида парвоналар учган бир оила яшаган, деб тақрорлардим. Тангрим мени кўркам қиёфа ва жозибадорликдан қисмаган. Лекин ҳар бир йигит энтишиб орзу қиласидиган, уйланиб оила қуриш, болача орттириш истаги мен учун орзулигича қолганди. Менда ёнимдаги ўртоқларим, хизматдошларимда мавжуд бўлган шуҳрат-парастлик ҳисси йўқ эди. Уларда бу ҳис юқори бўлганидан жадаллик билан хизмат пиллапояларидан юқорилаб, жамиятда ўз ўрниларига эга бўлишганди. Мен орзу қилган нарсалар улар учун хизмат пиллапояларидаги атиги биринчи қадам, биринчи зина эди, холос. Нима учун менинг ниятларим амалга ошмади, мақсадимга етолмадим? Нима учун мен ёлғизликка маҳкумман? Дўстларим ҳақидаги ўйлар мен учун энг азобли хотира, энг оғрикли нуқта. Мен ўтиб кетган оиласам аъзоларининг арвоҳлари билан тинимсиз сухбат қураман: «Агар сизлар бўлмаганингизда, мен ҳозир қай ахволда бўлардим?» Улар менга: «Агар шум тақдир бизни шу кўйга солмаганида, биз қай ахволда бўлардик?» – деб эътиroz билдиришади. Ўз қаҳр-ғазабимга бўйин

нгмай қайсалик қилганим маъқулми ё шафқатга бўйсуниб бош эгсан тўғри менинг қисматимга ўзигина тақдир айбдорлигини тушуниб, ўзигина уни лаънатлайман...

Пошиндаги жазирамада ҳимагадир қаҳвахонага боргим келди. Ҳар қалай, у ер индонни эслатувчи уйимдан яхшиrok. Беки танишларимнинг кўпчилиги оламдан тан, тириклари эса турмуш ташвишлари билан катта шаҳарнинг бошқа жойларига очилиб кетишганди. Абу Хода кўчасидан «Нажоҳ» қаҳвахонасига элтувчи йўл ҳам индинги тароватини йўқотган, одамлар ими тинмайдиган йўлакчалари бузилиб, онги осмонга кўтарилиб ётарди. Унинг аввалиги озодалиги, гўзаллигидан асар ҳам олмаганди. Ҳамма нарса тушга ўхшарди.

Ҳар доимгидай қаҳвахона айвонида мени Ҳомид ат-Тартуший кутиб турарди. Ҳомид ғундан беш йил аввал истеъфога чиқкан. Бизни ёшимиз ва ёлғизлик бирлаштириб турарди. Инсонни емирувчи кексалик унинг юлига беаёв ажин тушириб, гавдаси ва овонини ҳам енгуб, ўзининг ёшидан ҳам катта кўрсатувчи қарияга айлантириб кўйганди. Унинг ўсиқ қошлари кўзларига тушиб турар, нигоҳлари нурсиз ва соchlари батамом оқариб котганди. Аммо шунга қарамай, қизиқарли сухбатлар, хурсандчилик, ўйин-кулги Ҳомиднинг жон-дили эди. Шафқатсиз вақт уни ҳам кўп дўстларидан айирганди. Унинг ўғиллари

ҳаётда үз ўрниларини топган, ундан узокди сокин провинцияда яшашса-да, у оил бошлиғи ҳисобланиб, оиласирик ишларни ўзи бошқаарди. У Аш-Шураф күчасидаги уйиди хотини билан яшарди.

Ҳомид мени тишлари тұқилған милкини күрсатғанча жилмайиб кутиб олди:

- Салом! Истеъфодаги биринчи кунині муборак бұлсın! Аллоҳ умрингни зиёд қылсın!

- Юракни эзувчи сиқилишдан бошқа ҳеч нимани ҳис қилмаяпман...

- Тұғрисини айтсам, менга истеъфога чиқиши бундан ҳам күчлироқ таъсир қылғанди.

- Кундалик рұзғор ташвишлари барча ҳис-түйғуларни сұндириб қўйса керак-а?

У гапларимни тасдиқлагандай, қоқсұяқ қўлларини силкитди:

. - Нимасини айтасан, Ҳалим, албатта нафақа моянадан кўра камроқ бўлади.

- Ҳа, баъзида мояна ҳам етмай қоларди. Нафақа олаётган одамлар билан Эфиопияда очликдан қурбон бўлаётгандар орасидаги фарқ бир қадам, жуда яқин.

Ҳомид овозсиз, елкалари силкиниб кулди ва бошқача оҳангда таклиф қилди:

- Балки нарда ўйнармиз?

- Ҳали вақтимиз кўп, жудаям кўп... - дедим совуққонлик билан.

- Ҳамма гап сенинг ёлғизлигингда!

— Албатта! Олдинлари куним деярли ванниңда үтарди.

— Ахир, сени ҳеч ким үтиришга мажбур-шынан ийүк.

— Елгизлик фақат уйда эмас, ҳозир шу үшінде ҳам мана бу еримни әзиб турибди, — дедим күкрагимни күрсатиб.

Хомид жилмайди:

— Ҳали уйланиш ҳақидаги орзунгни унұт-таппаниң йүкми?!

— Нима, вақтни бой бердимми?!

— Ҳаммаси Аллоҳнинг иродасига боғлиқ! Аммо куч-қувватинг етарлими?

— Үзинг қара, — дедим уни ишонтиришиңда қаралат қилиб, — одамлар менга ёшинг-та нисбатан ёшроқ күринасан дейишиади. Болаша үзимни ёш, бардам ва тетик ҳис килеман! Шу пайтгача тумовдан бошқа дардта чалинмаганман. Түртта пломбани айтмаса, тишларим ҳам бус-бутун, күзойнакни үзүп узокни күриш учун эмас, балки китоб үчиш учунгина тақаман. Қолаверса, охирги пайтларда умуман китоб ўқимай қўйдим. Оқ сочларим ҳам кам. Энди соғломлигим ҳақида гапирсам гап кўп-у, аммо кўз тегиб колмаслиги учун гапирмайман.

— Илоҳим баҳтинг очилсин! Агар очилмаса, қисматингдан норози бўлма. Уйланнин эркакларга ҳавас қилмасанг ҳам бўлали. Аллоҳ ҳаққи қасам ичаманки, оилавий шеът ва ўрта мактабчалик ҳеч нарса инсон

умрини қисқартириб, режаларини пучын чиқармайды!

Бунақа панд-насиҳатларни эшитавериш мейдамга текканди. Ҳа, оиламдан ажрагач, рұзғор ташвишларидан қутулдим, аммо әнди факат сендвич ва консерва ейишиң үтгандым. Лекин мени ҳамон уйланиш, оил қуриш, фарзанд қуриш истаги тарқ этмаған эди... Биз нарда үйнашни бошладик, шундагина менинг юрагимни әзіб турған бемаъни үй-хаёллар тумандай тарқаб кетди. Аммо мени олдинда, Абу Хода күчасида ҳувиллаган уйимга қайтиш кутарди!

Ҳомид ат-Тартуший билан танишгач, уни баъзи бир сирларимдан воқиға этиб, Малика ҳақидаги воқеани ҳам айтиб бергандым. У менга савол берди:

- Малика ҳозир неча ёшда?
- У мендан нари борса бир ёки икки ёш кичкина.
- Аёл сифатида қандай?
- Қаҳвахонага келаётганимда бир-икки марта узокдан уйи айвонида турғанини күрдим. Менимча, у ҳалиям үша-үша, олдинги гүзаллигини йүқотмаган.
- Малика — бева, болалари доимий яшаш учун Саудия Арабистонида қолишган. У ҳам сенга үхшаб ёлғиз, — деди Ҳомид хаёлга чўмиб. — Балки олдига бориб, кўнглига қўл солиб кўрарсан...

Бу аҳмоқона таклифдан кулиб қўйсам-  
ни, у менга майдай ёкиб тушди. Мали-  
канинг олдига бўладиган ташрифимни та-  
шишур қилдим. Авваллари ҳам ёлғизлиқдан  
тингалганимда хаёлан унинг ёнига ташриф  
пуюрардим, у билан хаёлан узундан-узок  
сүхбатлар курадим... Малика менинг би-  
ринчи муҳаббатим эди. Биз бир-биrimiz  
учун яралган эдик. Афсус!.. Мен бу  
муҳаббатни йиллар давомида қалбимда  
такладим, дея олмайман. Йўқ, бир пайт-  
нор ҳис-туйғуларим ўлганди. Унинг тўйини  
погона одамдай, совуқонлик билан то-  
моша қилганиман... Ҳозир эса ёлғизлиқдан  
киналиб, меҳр-муҳаббатга зорлигим ту-  
фили унга талпинаяпман. Шундай кенг  
дунёда, ўз уйимда ўзимни ёлғиз ҳис  
килаётганимдан бешафқат тақдирни лаъ-  
натляяпман.

Абу Хода кўчасидан кетар эканман, йўл  
бўйи уйимни лаънатлаб бордим: «Мен-  
дан бошқа қайси аҳмоқ нафақага чиққунга  
қўлдар, бир умр битта кўчада, битта уйда  
ишайди? Уйимга яқинлашганим сари  
унга нисбатан нафратим ошиб борарди.  
Мени бу ерда нима кутаяпти? Фира-ши-  
ра, нимқоронгу йўлак, рангини ҳам билиб  
бўлмайдиган, ахлат сочилиб ётган зинапоя.  
Коровули, хизматкори бўлмаган уй, уйми?  
Уйдан чанг ва зах ҳиди анқийди. Буларнинг  
ортида пулнинг қадрсизланиши, урушлар,

муросасизлик, жақон иқтисодий тизимидағи үзгаришлар яширинган эди... Эй Худойим, мен сендан күп нарса сұрамагандым, атиги қариндошим Баҳо-Осмон афандининг қизи Маликага уйланишни сұрагандым!»

Бир куни Ҳомид ат-Тартуший менга сұзды:

– Мамлакатимиз тинч йүл билан бу инқиrozдан чиқиб кетишини ҳеч ҳам тасаввур қилолмаяпман!

– Бошқа муаммолар ҳақида гапиришни бас қилайли! – дедим норози булиб. – Бизнинг умримиз кунлар ёрдамида ҳисобланса, Ватаннинг умри асрлар ёрдамида ҳисобланади...

Мен үз шахсий муаммоларим билан банд бұлған пайтимда, Ҳомид сиёsat ва дунё воқеалари ҳақида бош қотиради. Уйимга келиб, атрофга назар солдим ва: «Наҳотки шу хароба бир пайтлар мәхр ва муҳабbat, оила үчоги бұлған бұлса?» – деб үйладим.

...Опаларим Фикрия ва Зайнабдан кейин онам олти үғил туққан, аммо уларнинг ҳаммаси кичкиналигида вафот этиб кетишганди. Шундан кейин уларга қайтадан отоналиқ баҳтини раво күриб, мен дунёга келганман. Фақатгина уларга эмас, Фикрия ва Зайнабга ҳам менинг туғилишим қувонч баҳш этган...

Мана, улар мени сайрга олиб чиқыш учун кийинтиришшайпти. Онам сочимни та-

раса, Фикрия менга матрослар кўйлагини кийдиради, Зайнаб бўлса ботинкамни то-залайди. Нихоят, ўз хонасидан энг сўнгги урфда кийинган, қимматбаҳо атири ҳиди уфуриб турган, қўлига фил суюгидан ясалган асо тутган отам пайдо бўлади. У олтин гардишли кўзойнаги устидан менга қараб, жилмаяди:

– Марҳамат қилсинлар, Ҳалимбек.

Отамнинг исмлари – Абдул ал-Қавий ал-Бек эди, аммо тўгрисини айтганда, Бек – унвон эмас, балки бобомнинг исми эди. Бобомиз ал-Бек шайх Қамар кўчасида сом-сапаз бўлиб ишлаган бўлса-да, унинг исми албатта менинг исмимга қўшиб айтиларди. Қаҳвахонада отам менга музқаймоқ буюртирас ва менинг зеҳним ўткирлиги ҳақида дўстларига мақтанаради:

– У менга Саад Заглул<sup>3</sup>нинг болалигини эслатади!

Ҳақиқатан ҳам менинг зеҳним ҳам, кўзим ҳам ўткир эди. Мана, барча оила аъзоларимиз — отам, онам, Фикрия ва Зайнаб тушлик қилиш мақсадида дастурхон атрофига тўпланишди. Мен уларни жуда ҳам яхши кўрардим, шу билан бирга уларга эътиrozим ҳам бор эди. Отам олтин гардишли кўзойнагини ечганда, унинг

---

<sup>3</sup> Саад Заглул (1860–1927) – машҳур мисрлик миллий йўлбошчи, Вафд (буржуаз либерал) партиясининг асосчиси.

озғин ва чүзинчоқ юзи, кичкина, қовоқлари осилган күзи, ғалати күринишдаги бурни, дүнг пешанаси жуда ҳам хунук күринарди. Онам қадди-қомати келишган, қирра бурун ипақдай майин сочли гўзал аёл бўлса-ди, ҳар доим норози оҳангда бурнининг тагида минфирилаши одамнинг фашига тегарди. Фикрия ва Зайнаб табиатнинг аччиқ ҳазили бўлиб, улар айнан отамнинг нусхаси эдилар. Мен эса онамнинг гўзаллигини мерос қилиб олгандим. Бу бемаъни тасодиф оиласизни аччиқ тақдир ҳукмига ҳавола этганди. Оилада биргина мен ўзимни баҳти ҳис қиласдим, аммо фалокат мени ҳам четлаб ўтмади. Онам келажакка ишонмас, юзидан ҳавотир аrimасди. Бу вақт ўтган сари кўзга ташланиб борарди. Бир куни у отамга:

- Қизларни мактабда ўқитишимиз керак, - деди.
- Ҳамма нарса Аллоҳнинг иродаси билан бўлади, менга уларнинг ўқишидан кўра обрў-эътиборим муҳимроқ, - деди отам.

Онам ва опаларимнинг отам билан муносабатлари илиқ эди, аммо улар ўзаро келиша олмасдилар. Онам ва опаларим ҳар куни қилдан қийик ахтариб, уйни бошларига кўтариб, жанжал қилишар, бир-бирларини бўлар-бўлмас нарсаларда айблашарди.

Бир куни энг яқин дўстим ва қўшним Али Юсуф менга:

- Отанг жуда бой одам, сенга ҳавасим  
ллади, – деди.

- Бу гапни қаердан олдинг? – дедим  
айрон бўлиб.

- Кўриб турибман-у! У бизнинг кўчадаги  
онг донгдор одам.

Унинг гапига ишонишим қийин бўлди,  
иёлан унинг отаси Юсуф афанди билан  
отимни таққослаб кўрдим. Али сўзида да-  
вом этди:

- Қара, отанг сенга ҳар куни қанча пул  
боради!

Албатта, тенгдошларимга ота-онаси  
ишим қуруш берган вақтда, менга отам икки  
қуруш берарди. Ҳатто баъзида отам билан  
кино ёки қаҳвахонага ҳам борардим! Шун-  
дии қилиб, дўстим Али таъкидлаганидек,  
мон катта одамнинг ўғлимани. Ёшлигимда  
бизнинг уйимиз Али Юсуф ва Маликанинг  
уйидан зўр, кўчамиздаги энг чиройли уй  
ди. Аллоҳ ҳакки қасам ичаманки, ўша  
пийтларда мендан баҳти одам йўқ эди!  
Ахир, дунёда бойлик ва тўкин-сочинликдан  
ортикроқ яхши нарса борми?!

Бир куни онамга:

- Биз боймизми? – дедим.

У менга ҳар доимги норози оҳангда  
минғирлади:

- Бизга бирор нарса етишмайди, деб  
ҳеч қачон гапирма, Аллоҳга шукур қилиш  
керак.

- Бизнинг шахсий мулкимиз борми?

– Ҳеч қанақа мулкимиз йўқ, – деди жил майиб онам.

– Унда отам шунча пулни қаердан олияпти?

– Бу пулларни отанг Аллоҳнинг қудрати билан топаяпти, ўғлим.

Тушунарли, пулдор одамлар ҳеч қачон фарзандларига ўзларининг асл бойлиги қаердан келаётганини айтишмайди. Менги хоҳлаган нарсамга эгалик қилишим, омбор хонанинг озиқ-овқатга, ширинликларга тулалиги етарли эди. Қурбон ҳайитда қўй сўйиб, қурбонлик қиласадик.

Ҳа, менинг отам шак-шубҳасиз бой одам. Унинг яна бир эътиборли томони, у оиласиздаги ягона саводли одам эди. У ҳар куни газета ва журналлар ўқирди. Унинг бу хусусияти менга ҳам ўтганди. Болалар журнallарини ўқишдан чарчаганимдан кейин отамдан таржима романлар сотиб олиб беришни илтимос қилдим. Шундай қилиб, китоб ўқиш менга икки ёқлама ҳаёт кечиришни — ҳар кунги турмуш икир-чикирларига тўла, мактаб, оиласиздаги аёлларнинг жанжалидан иборат ҳаёт ва хаёлий, китоб қаҳрамонлари ҳаёти билан яшашни ўргатди.

Отам бир кун:

– Кўп китоб ўқиш сени машғулотлардан чалғитмаяптими? – деб сўради.

– Йўқ, дада, ҳамма имтиҳонларни аълого топширдим!

Сен аввало диплом олишинг керак, –  
Диди отам қатъий оҳангда.

Сизда диплом борми?

Бизнинг давримизда бошланғич мактаб – олий мактаб ҳисобланган, – кулди шунга қарамай, мен етарли билимга эга бўлдим. Сизларнинг даврингизда имкониятлар кўп. Сен қайси касб эгаси пўлишни хоҳлайсан?

Мен сизга ўхшашни истайман.

Қайси маънода?

Худди сизникидай костюм кийишни, гизникидай кўп пулга ва шундай чиройли ўйга эга бўлишни истайман.

Отам қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди:

– Вақти келганда саволимга бундан ҳам икшироқ жавоб топасан, деб умид қила-мин.

Мен ҳам отамга ўхшаб намоз ўқиб; рўза тутардим. Аёллар рўза тутиш билан чегаранишарди, мен ахир эркакман! Отам жуда күнгилчан ва юмшоқ табиатли инсон эди. Ҳазиллашишни ёқтирас, жаҳли чиққандা хонасига қамалиб олар ё қаҳвахонага йўл оларди.

...Ҳа, ҳаммаси ўтиб кетди, отам ҳозир Боб ан-Наср кўчасидаги қабристоннинг эркаклар учун ажратилган қисмида ётибди...

Менинг хонам ўша-ўша, ҳеч нима ўзгармаган. Унинг ёнида отамнинг хонаси ҳам

олдинги тароватини йўқотмаган. Бу хонни телевизор, радио ва ёзув столи безат турибди. Мехмонхонада эса ёғоч стол ва стуллар, бўм-бўш шкаф турибди, қолган эски мебеллар арzon-гаровга сотиб юборилган. Қолган икки хона деярли бўм-бўш. Ошхона деб аталувчи хонада қаҳва ёки чой қайнатишм учун фақатгина газ плитаси турибди. Мен ловия, консерва, баъзида тухум билан қорин тўйдирардим.

Ёлғизлик бир дам бўлса-да мени таъқиб қилишдан тўхтамасди, мен эса унга ўжарлик билан қаршилик кўрсатиб, қаҳвахона ва телевизор билан иттифоқ тузгандим.

Охирги пайтларда умуман китоб ўқимай қўйгандим. Аммо Ватаним буюк инсонларининг фикрлари ва ажойиб таржималари билан онгимни бойитган ёзувчилари орқали мен зиёли одамга айлангандим. Замонавий билимларни эгаллашим менинг эътиқодимга заррача таъсир кўрсатмади. Мен олдингидай намоз ўқирдим, рўза тутардим, ибодат қилардим. Ўлимдан ва қасалликдан қўрқиши, ёлғизликдан зерикиш жонимга теккан эди. Мен бирор касал ортириб, тўшакка михланиб қолишдан, бемор бўлиб бир пиёла сувга зор бўлишдан, ўлигим хор бўлишидан қўрқардим. Ўзимга-ўзим: «Шайтон васвасасига учма, хавотирланиб яашни бас қил, ҳаммасини тақдир ҳукмига ҳавола қил», – деб таскин берардим. Ҳомид, ҳавас қилишга арзийди-

тән одамсан, деб устимдан кулди! Унинг Ашхабади топармон-тутармон, ҳар ойнинг бошида оталарига пул жүнатишади. Агар ү дүниодан ўтадиган бўлса, уйи одамларга тұпади, уни йўқлаб дод-Фарёд күтаришса, оғозлар Аббосиянинг нариги бошига етса көрк. «Ал-Аҳром» газетасида таъзиянома шылон қилишади: «Рұхингиз шод бўлсин, оил ҳурмат-эътиборли оила бошлиғи үзингиз, жойингиз жаннатда бўлсин...». У канчалик яхши, аммо аҳмоқ одам бўлишига кирамай, тобути ёнига оила аъзолари, фарзиңдлари, қариндошлари, таниш-билишлари түпланишиб, дабдабали дафн маросими үтказишади, иззат-икром билан сўнгги манзилига кузатишади.

Ҳалимбекчи? Унинг оламдан ўтганлиги түгрисидаги хабар шаҳар газетасининг пир бурчагига қисқагина қилиб босилади. Ҳомид сенга ҳавас қилишни хоҳлабдими, ҳавас қилаверсин. У ёлғизликни, уйдан уфуриб турган чанг ва зах ҳиди нималигини билмайди. Тишлари тушиб кетган бўлса-да, ҳар куни гўшт ейди, тушагини рафиқаси иситади, оиласиз, фарзандлариз яшаш нималигини яхши тушунмайди... Агар сендан бошқа суюнадиган одамим бўлганда, аллақачон сени лаънатлаган бўлардим!

Қолаверса, телевизор ҳам ёлғизликда яхши йўлдош бўлади, у ҳақиқий дўст. Дўст бўлганда ҳам қанақа дўст — у сени

хаёл ва аёл мавжуд бўлган сеҳрли дунинг га етаклайди. Ҳатто реклама ҳам омадсиз одамнинг юрагига қувонч бағишлайди... Фарибона ҳаёт... Мен нотавонман! Ахир, кечаги кунгача маориф вазирлигига умумий алоқалар бўйича бош нозир эдим, агараж ҳаётим бошқача тус олганда барча орзулашим рўёбга чиккан бўларди. Мен ҳар доим ўзимни дунёдан четга олишга интилардим, аммо у мени тинч қўйишни истамасди... Ваннадаги жўмракни тузатиш учун уста чақириш керак. Кўрамиз, хизмати учун у қанча сўраркин...

Малика, сен ҳақингда хаёл суришдан тўхтаб, ҳеч бўлмагандан ярим кун ухлай олганимда ўзимни баҳтли ҳис қиласдирдим. Аммо мен беш соатдан ортиқ ухлай олмайман. Хаёлан сен билан сухбат қураман. Нимагадир юрагим сени ҳали ҳам аввалгидай, ўзгармаган деб ҳисоблади. Малика, иккаламиз ҳам ёлғизмиз. Иккаламизни ажратган шум тақдирни доғда қолдириб, нима учун энди бирга бўлолмаймиз?.. Ҳомиднинг тақлифидан кейин, қалбимда сен билан учрашиш ҳисси баттар алангаланди, хаёлларга берилдим. Мана, эшигинг кўнғироғини босиб, сени бироз кутиб тураман. Сен эшикни очиб, менга тикилиб қоласан.

– «Сен?.. Оҳ!.. Марҳамат, уйга кир! Каердан хаёлингга келдим?»

– «Шу ердан ўтиб кетаётгандим ...»

«Хуш келибсан!»

Шундай қилиб, иккаламиз ҳар хил мав-  
зуннің сұхбат қурамиз... Малика сұзсиз ме-  
ниң күзларимдан ҳамма нарсани англай-  
ши... Мана, у сирли имо қиласы. Мен яна  
монастырьдаидай унинг ёнига үтираман. У үзининг  
шешли қараашлари билан баттар истагим-  
шиңнан галатади... Биз гүзәл ва лаззатли  
шешли чулғанамиз... Малика, қани әнди бу  
орнуларим амалга ошса...

Күчада сайр қиларканман, бешафқат  
шакт таниш аёлларнинг юзидан гүзәл ҳус-  
нини учирив, исмидан бошқа ҳеч вақосини  
шолдирмаганига гувоҳ бүлдим. Учрашганда  
шешлиңнің юзида табассум пайдо бүлса-да,  
әнди бу аёллар мен учун тамомила бегона  
әнди... Уларнинг бари иззат-икромга лойиқ  
шешли ва аёл. Агар ҳаётимда шафқатсиз ҳол  
шешли бермаганда, улардан бири менинг  
риффикам бүларди... Ҳа, шеърият йүқолиб,  
унинг вазни бузилди...

Хозир мен ювиш ва дазмоллаш қийин  
бүлгандан ички кийимларимни ҳафтада  
бир марта алмаштираман. Гүштни фақат  
байрам муносабати билан ейман. Истеъ-  
фога чиққан одам — ўлган одамдай тез  
үнутилади. Бир пайлар күчамиздаги аёл-  
лар онамга: «Ҳалим Маликага уйланади...  
Бусейнага, Рабибага, Бисага уйланади», –  
дейишарди... Аммо онам ўз қизларининг  
дарду ғамида бүлганидан, бу гаплар унинг

қулогига кирмасди. Фикрия ва Зайнабдан бошқа барча қызлар турмушга чиққан, уларга ҳеч кимдан совчи келмас, бирорта йигит қайрилиб ҳам қарамасди. Мен: «Дунёда қанча хунук аёллар бор, йигитларнинг опаларимга уйланишлари учун отамнинг бойбадавлат инсонлиги етмасмикан?» – деб ҳайрон бўлардим.

Мен оиласиз ғам-ташвишини ўйламасликка ҳаракат қилиб, орзулар қанотида кўкларга парвоз қилардим. Малика, Бусейна, Рабиба ва Биса ўн беш кунлик ой мисол оналари билан тез-тез бизнигига ташриф буюришарди. Шунда ғамгинлик ва маъюслик ҳукмрон хонадонимиз уларнинг ғамзаю ишваларидан яшнаб кетарди. Бу қызларнинг барчаси менга бирдай ёқар, уларнинг бири билан бўлганда бошқасини унутардим, аммо Малика иродаси ва ақли билан улардан устун келарди. Бир куни мақтабда ўқирмидим ё университетдами, аниқ ёдимда йўқ, онам савол берди:

- Қызлардан қайси бири ёқади?
- Билмадим, – дедим узоқ хаёл суриб.
- Қайси бирини кўпроқ ёқтирасан?
- Йўқ, уларнинг ҳаммаси мен учун баббаравар, – деб жавоб бердим, Малика ҳақида хаёл сурарканман.

Онам кулиб юборди:

- Қани энди сенинг фарзандларингни кўрсам! Аллоҳимнинг Фикрия ва Зайнабга

раҳми келсин, улар турмушга чиқиб, сенга йўл бўшатишсин...

Эсимда, ўшанда Бусейнани Шарқий Аббосияда учратиб қолдим, биз йўл-йулакай бир-бири миздан бўса олдик. Рабиба билан рамзий совғалар алмашиш билан чегараланаардик, Биса билан хат ёзишардик. Маликанинг биргина нигоҳи ҳар қандай совғаю, мактубларни йўлда қолдирарди. Мен шундай гўзал қизларнинг диққатмарказида бўлганимдан фахрланардим. Эҳ, уларнинг ҳаммасини битта ҳарамга йиғишининг иложи бўлганда эди!.. Аммо Маликанинг ҳукмронлиги кучайиб, қуёш нуридан юлдуз кўринмай қолди. Унинг қиёфаси хаёлимдан кетмасди. Унинг Аббосияда трамвайнинг аёллар чиқадиган қисмida қаддини ғоз тутганча, юзидан нур тартиб, оппоқ кўйлакда турганини кўрганман. У бакалавр унвонини олган бўлса-да, қули гул уй бекаси эди. Оиламиз даврасидаги ёқимли сұхбатлар, бир-бири мизнинг уйимизга ташриф буюришларимиз, расман эълон қилинмаган бўлса-да, бизнинг унаширилишимиз аниқ бўлгани учун Маликага совчилар келмасди. Унинг барча опалари турмушга чиқиб кетган, уйда ёлғиз Малика қолганди. Мен уни хотиним деб ҳисоблардим. Хаёлим бўлажак тўйимиизда эди. Мен унинг уйига бориб, узоқ қолиб кетдим. Ўзимни олов устида турган, қайнаганидан

қопқоғи шақирлаб, суви тошаётган чойнак-ка үхшатдим. Маликанинг шахло қўзлари эса менга меҳр ва муҳаббат билан боқди. Биз бир-биримиздан бўса олдик, у мени аста ўзидан итарди:

– Ҳамма нарсанинг чегараси бор.

Ўзим бугунги ажойиб кун билан яшасамда, ўй-фикрларим келажакка қаратилган эди.

– Ишга кирганингдан кейин 100 фунт йигишинг лозим, – тушунтириди Малика, – шунда ҳаммаси яхши бўлади.

– Йигиб нима қиласман? Отам зиқна эмас!

– Сенинг отанг ҳам менинг отамга ўхшаб оддий амалдор!

– Йўқ, у катта одам... – деб жилмайдим, тўлиқ ишонч билан.

Бизнинг муҳаббатимиздан кўчамиздаги-ларнинг ҳаммаси хабардор эди. Дўстим Али Юсуф мени масхара қилиб, устимдан куларди. Фақатгина Фикрия билан Зайнаб-нинг тақдирни юрагимни ғаш қиласади. Агар уларнинг ҳам баҳти очилганда, ўзимни икки баробар баҳтли ҳис қиласадим. Аммо на илож...

...Бугун Ҳомид ат-Тартуший билан бир финжон қаҳва учун нарда ўйнадик. Мен ғолиб бўлиб, мукофотни қўлга киритдим, аммо қувончим узоқча чўзилмади. Бизнинг диққатимизни Армия номли майдонни

түлдириб шовқин солаётган одамлар тортди. У ерда аёллар, эркаклар ва болалар бор эди. Майдон баланд ва ёрқин чироклар билан ёритилган, тұпланған одамлар үзаро айтишиб, даҳанаки жанг қилишар, кимдир бақырар, кимдир құшиқ айтады.

– Шаҳар... – деди Ҳомид минғирлаб, кейин бутун дунёдан, одамлардан норози булиб, қизишиб гапга киришди. Аммо шеригининг оғзига толқон согандай жим үтириши унинг ғашига тегди:

– Сени ҳеч нима ташвишга солмайди...  
– Менга үзимнинг муаммоларим ҳам етиб ортади, – деб эътиroz билдиридим.  
– Ахир, сен не бир замонларни, воқеаларни, урушни үз күзинг билан күрган одамсан...

– Күрган бұлсам, нима қипти?!  
– Ҳа-а, сени үзингдан бошқа қайғунг йўқ.  
– Албатта, бу шаҳардаги энг баҳтсиз одам үзимман.  
– Сен зиёли одамсан!  
– Тупурдим, ҳаммасига!

Ҳомид қаттиқ қулиб юборди ва таклиф киритди:

– Янги ҳаёт бошла.  
– Нимани назарда тутаяпсан?  
– Сен инглиз тилини мукаммал биласан, бундан ташқари, кечки курсда маъмурлик ва котибликка ўқигансан. Ҳаммасини бошидан бошлашингга ҳеч ким халақит қилмайди.

- Мен дам олишим керак...
- Бекорчиликка ўрганиб қолмасанг деб күркәман.
- Мендан хавотир олма.

Бўш иш ўринлари тўғрисидаги эълонлар кўп экан, эшитишмича, маоши ҳам юқори эмиш. Маош ҳар қанча катта бўлмасин, у менинг ҳаётимни ўзгартиришига кўзим етмасди. Қани энди, янги тумандан янги уй олишга, ҳар куни иссиқ овқат ейишга лойик пул топсам эди!

Суҳбатга якун ясадим:

- Сабр таги – сариқ олтин.
- Сен истеъфога чиққанларнинг обруси ни сақлашинг лозим, – деди Ҳомид кулиб.  
Соғлигим жойида бўлса-да, унинг мевасидан баҳра олиш имконидан маҳрум эдим, аммо шу кунимга ҳам Аллоҳга шукур қилишим лозим. У менинг ёлғизлиқдан қандай қийналиб кун кечираётганимни кўриб турибди. Аллоҳнинг карами кенг...

– Агар эътиқодим бундан ҳам кучли бўлганда, дунёдаги энг бахтли одам бўлардим.

- Инсон ё диндор, ё даҳрий бўлади, унинг учинчи тоифаси бўлмайди.
- Бунча таёқдай тўғри бўлмасанг, – дедим жаҳлим чиқиб.
- Зиёлиларнинг эътиқодини тан олмайман, – гапни шарт бўлди Ҳомид.

Мен Ҳомидга ортиқча гапиришни истамай, уни ўз ҳолига қўйдим. У истаганча ўз норозилигини намойиш қилсин, ҳозир фақатгина у зерикарли ҳаётимни безаб турибди. Менинг дўстларим, севгилим қаерда қолди?

...Бир куни хонамда ўтирганда онамнинг Рабибанингми ё Бусейнанингми, онасига гапираётган гапини эшишиб қолдим:

– Ҳалим ўқишини тугатмагунча, уйлантириш керак эмас.

Жуда тўғри фикр, аммо у менинг ғазабимни қўзитди. Хайриятки, онам бу гапларни Маликанинг онасига айтмади!

Бунгача Малика мендан:

– Қачон унаштирилганимизни маълум қиласиз? – деб сўраганди. Мен эса:

– Уйдагилар ўқишини тугатмагунимча, розилик беришмайди, – дегандим.

У мен билан тортишиб ўтирмади, унинг онаси ҳам бу қарорга кўнди. Мен университетда ўқиб юрган пайтимда Бусейна, Рабиба ва Биса бирин-кетин турмушга чиқиб кетишиди. Улар билан видолашиш мен учун осон бўлди, дея олмайман, аммо бу бирлаҳзалик ва ўткинчи ҳис бўлиб, ўзидан ҳеч қандай асорат қолдирмади. Никоҳ муҳаббатдан кучли, унинг сехри узоқ яшайди. Аёллар ўтиб кетганида ўзидан ёқимли ифор таратгандай, менинг болалик орзуларим ҳам шу ифордай ҳавога сингиб кет-

ганди. Маликанинг менга айтган сўзларини бир умр унумтайман:

– Ҳатто амир келиб, қўлимни сўраса ҳам рози бўлмайман. Бу дунёда сендан бошқа ҳеч кимни...

У бу сўзларни дунёда ҳақиқат деб тан олинган барча сўзлардан ишонарли ва самимий қилиб айтди. Бу ҳақиқий, буюк муҳаббат эди. Аммо минг афсуски...

Муҳаббатнинг ғалаба қозонган кунини хотирамдан ўчира олмайман. Бир куни Малика уйи деразасидан Бусейна билан имо-ишора қилаётганимга кўзи тушибди. У ўша куни онаси билан уйимизга келиб, хонам эшигини тақиллатди.

– Табрикласам бўладими?

– Нима билан? – дедим ҳайрон бўлиб.

– Бусейна билан!

Мен уятдан шолғомдай қизариб, унга узоқ тикилдим. Маликанинг рашк оловида ўртаниши ҳам жуда гўзал эди! Кутилмаган баҳтдан сархуш бўлиб, ҳайқирдим:

– Малика, менга сендан бошқа ҳеч ким керак эмас!

Шунда у қўшни хонадагилар эшлиши учун баланд овозда сўради:

– Менга ўқишига бирорта китоб бериб тур.

– Магдалинани ўқиганмисан?

– Ҳа.

– «Ёш Вертернинг изтироблари»ни ўқийсанми?

– Иккаласини ҳам бер, – деди у жилмайиб.

Шу кундан бошлаб атрофимдаги бошқа қизларнинг гўзаллиги мени ўзига жалб қилмай қўйди, фикру зикрим Маликага уйланиш бўлиб қолди. Мен дустларим Али Юсуф ва бошқаларга үхшаб, ёмон йўлларга юрмайман, ҳалол инсон бўлиб уйланаман, деб қарор қилдим.

...Бугун қаҳвахонага томон йўл олар эканман, ўзимга: «Наҳотки мен шу Абу Хода кўчасидан Армия майдонигача бўлган кўнгилни оздирадиган савдо растасига ҳар куни келишга мажбур бўлсам?», деб савол бердим. Эй, Аллоҳим, ўзингдан буюк ва қудратли зот йўқ! Кечкурун қаҳвахонадан яна уйга қайтишим лозимлигини ўйлагач, бир лаҳзалик қувончим тумандай тарқаб кетди. Бу Аббосия деганлари худди бадбашара одамни кўргандай менда нафрат уйғотарди... Яна, ҳақиқий ҳаёт нафақага чиққандан кейин бошланади, деганларига ўлайми, наҳотки шу гап рост бўлса?! Қани энди атрофи ям-яшил дарахтлар билан ўралган, соя-салқин, кечкурунлари гўзал аёллар саир қилиб юрадиган жойда пайдо бўлиб қолсам, инсонга тетиклик бахш этувчи, танишларга ва ўйин-кулгига тўла клубларга қадам ранжида қилсам. Бизнинг дунёмиз навқирон ёшлиқ ва пулдан ибо-

рат. Бойлик, дабдабали уйлар, ҳашаматли меҳмонхоналардаги олтин тўйларга элтувчи йўлни қандай топса бўлади?.. Бурунгি дўстларим қаерда? Улар тирикмикан? Бир куни доктор Ҳазим Сабрийни учратиб қолдим, бир-биримиз билан шошилганча қўл сиқиб кўришдик, ҳол-аҳвол сўрашдик ва ўз йўлимиизда давом этдик! Мактаб даврида бизнинг қалин дўст бўлганимизга ким ишонади?.. Қолган дўстларим аллақачон дорилбақога риҳлат қилишган бўлса керак. Қаҳвахонада ўтирганча, ёнига имлаётган шу меҳрибон қариядан бошқа ҳеч кимим қолмади. У мени кутилмаган фавқулодда жиддийлик билан кутиб олди:

– Эрта тонгдан сени бу ерга нима етаклаганини яхши биламан!

Унинг ёнига ўтириб, ҳайрон бўлиб сўрадим:

– Эрта келишимга нима сабаб бўлган экан?

– Фунт ва долларнинг қадрсизланиши!

Мен чин дилимдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбордим. Анчадан бери бундай яйрамаган эдим.

– Аллоҳ ҳаққи қасам ичаман, адашдинг, қария!

– Мен бугун сен ҳақингда ажойиб туш кўрибман, – деди Ҳомид йўланиб.

– Қандай туш экан?

– Тушимда бошингга салла ўраб, эшак миниб кетаётган экансан. Қаерга кетаяпсан, деб сўрасам, ҳажга деб жавоб берибсан.

– Бу тушнинг таъбирини биласанми?

– Албатта... Сени баҳтли келажак кутмоқда, барча иккиланишларга, шубҳа-гумонларга чек қўишишинг лозим!

Мен унинг бу гапидан кейин Маликанинг ёнига боришни таклиф қилган кундаги каби яхши кўриб кетдим. У менинг шундай қийин кунимда ягона дўстим эканлигини тан олишим лозим. Ҳа, - агар у бўлмаганда ёлғизлиқдан ўзимга-ўзим гапириб, аллақачон эс-ҳушимдан айрилган бўлардим...

...Биз қовоқхона томон йўл олдик. Ман долина оҳанглари остида шароб солинган қадаҳни кутардик. Ҳеч қачон туймаган қувонч мени ўз қанотларида осмону фалакка олиб чиқди. Сархушлик билан ҳаётимдаги биринчи сеҳрли ва сохта қадамни кўйдим. Қалбимизни қувонч ва лаззат ҳислари тўлқинлантириб, сабабсиз қаҳ-қаҳ урадик. Илк маротаба бу йўлга қадам кўйиб, ҳар биримиз биттадан аёл билан кетдик...

Ҳали эшикни ёпишга улгурмасимданоқ, аёл одатдаги шошилинч ҳаракати билан устидан кийимларини юлқилаб, ечиш-

га тушди. Мен саросимага тушдим, юрагим ҳапқириб, бирор устимдан муздай сув қўйиб юборгандай бўлди. Эшик олдида серрайиб турганимни кўриб, у менга қаҳрли нигоҳ ташлади: «Хей, мен сени кутиб ўтиrolмайман!» Ўзимни ташқариға отдим. Тоза ҳавога чиққач, кўнглим айниб, еган-ичганимни қайтариб ташладим. Дўстларимдан кимдир: «Биринчи марта ўзи шунаقا бўлади», – деб луқма ташлади. Иккинчиси ҳам биринчисидан деярли фарқ қилмади. Шунда мен гап шаробда ҳам, аёлда ҳам эмаслигини англадим. Нимага Маликани кўрганимда ичимда олов ёнади? Қани ўша олов?! Али Юсуф менинг ахволимга ачинди:

– Ҳис-туйғуларинг ҳам, ошқозонинг ҳам тақводор одамникига ўхшайди...

Шундан кейин менга қонуний никоҳдан бошқа йўл йўқлигини тушундим. Бу жуда оддий нарса бўлса-да, уни амалга ошириш мен учун осон иш эмасди. Иш ва оила... Уйкудан уйғонганда кўрган тушингни унуганинг каби қолган барча хоҳиш ва истакларим ўз-ўзидан тезда йўқолди.

Дўстларим эса сиёsat, ҳокимият, обрули касб эгаси бўлиш каби умуман мени қизиқтирмайдиган нарсалар ҳақида орзу қилишарди... Улар орасидан кўпчилиги турли партияларга аъзо бўлишди, сиёсий пешқадамларга қўшилиб кетишли. Менинг

орзуларим — яхши қизга уйланиш, фарзанд күриш, уларни боқиш учун яхши касбетта эга булиш билан чегараланаради.

Биз сиёсий курашлар гирдобида яшардик. Отам менга тез-тез:

— Биз амалдорлар, хукумат томонида булишимиз лозим, — деб такрорларди.

Мен отамга баъзи бир раҳнамоларнинг адолатпарварлиги-ю, баъзи бирларининг ёлғончилиги ҳақида эшитган миш-мишларимни гапириб бердим. Шунда отам:

— Ҳокимиятга интилиб, адолатсиз курашда ўз ҳаётини барбод қилиш, бу аҳмоқгарчилик, — деди.

Иши ва хизматдошлари ҳақидаги сұхбатлар отамнинг севимли мавзулари эди, бу сұхбат қаҳвахонадан кейин уйда ҳам да-вом этарди. Мендан талаб қилингани учун үқирдим, имтиҳонларни аълога топширадим, аммо одамлар каби ўзимни қийнаб, биринчи булишга интилмасдим. Үқирдим, ўйнардим, севардим...

Менинг барча дүстларим севгилимнинг гүзәллигини ва самимиyllигини тан олишарди. Вакт ўтган сари бизнинг бир-биримизга бўлган муҳаббатимиз кучайиб борарди. Севгим ва унга нисбатан бўлган кучли интилишим туфайли баъзида ақлимни йўқотардим. Шунда Малика қошини чимириб, шивирларди:

– Агар ҳаммаси шундай давом этадиган бўлса, шарманда бўламиз!

– Ахир, қийналиб кетдим! – дердим мунгли оҳангда ўзимни оқлаб.

– Менга баъзи бир қилиқларинг ёқмайди. Ахир, муҳаббат инсонни яхши томонга ўзгартириши керак...

У менга суратини совға қилди, бу расмни юрагим устида сақладим. Мен муҳаббат ҳукмронлиги остида бахтли кунларни бошимдан ўтказдим, аммо эҳтиросларим қайнаб-тошса-да, Али Юсуфдан фарқли равишда уни жиловлашга ҳаракат қилдим.

Али менинг яқин ўртогим эди, биз биргаликда — баъзида унинг уйида, баъзида бизницида бирга дарс қилардик. Унинг бўйи пастроқ бўлишига қарамай, мендан кўра ақллироқ ва кўркамроқ эди. Бундан ташқари, у сиёsatни яхши тушунарди. Али тез-тез жўшқинлик билан:

– Мен, албатта қирол ва инглизлар бўлмайдиган янги замонни кўриш учун узоқ умр кўришга ҳаракат қиласман, – деб таъкидларди.

У менга янги оқимлар, марксистлар, Мисрдаги воқеалар тўғрисида гапириб берарди. У узоқ вақт яхудий қизни севди, аммо қиз иккинчи жаҳон уруши арафасида қаергадир кетиб қолди. Шундан кейин Али янги муҳаббати ҳақида сўз очмади. У энди ҳеч кимни севмаса керак, деган холосага

келдим. Иккаламиз ҳам университетнинг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кириб, ўқишни бирга давом эттирдик.

Мен Маликага:

– Яна озгина сабр қил, кейин келажагимиз билан машғул бўламиз, – дердим.

У опаларидан кўра чиройлироқ бўлса ҳам, онаси билан ёлғиз қолганди.

– Мен ҳам ўқишни тугатганимда эди... – хўрсинарди Малика.

– Ишламоқчимисан?

– Ишласам нима қилибди?

– Мен сени уй бекаси қиёфасида куришни истардим...

Қизларнинг ҳуқуқларини поймол қилиш ниятим йўқ эди, аммо улар ишлагандан кўра, уйда ўтиргани маъқул деб ўйлардим. Али Юсуф гапларимни эшишиб, мени мутаассиб деб ҳисобларди:

– Сен ошқозонингга ўхшаб, бирор нарсани ўзгартиришга, янги ҳаётга интилишга ҳаракат қилмайсан, – дерди.

– Фикримдан қайтаришга ҳаракат қilmай қўя қол, мен яхши оила курсам етарли, бошқа ҳеч нима керак эмас.

Биз уруш бошланишидан бир йил олдин ўқишни тугатиб, «устоз» деган номга сазовор бўлдик. Мен қатъий ҳаракат қилмаганимдан, Али эса ўз сиёсий фаолияти туфайли юқори лавозимга эришиш-

га интилмади. Али адвокат Жафар Баҳром билан яқин бўлганлиги учун унинг адвокатлик бюросига ишга кирди.

Отам мени Маориф Вазирлиги бош бошқармасига ишга киргизгунча, қанчадан-қанча остонаяга бош урмади, дейсиз. Агар Фикрия ва Зайнаб можароси бўлмагандан, отам ўз оталик бурчини бекаму кўст бажарди, деб ҳисоблаган бўлардим. Нима бўлган тақдирда ҳам, бизнинг оила — Маликанинг оиласи каби баҳтли оилалардан бири эди. Ишдан кейин унинг уйига қиласидиган ташрифим ҳар сафар янгидан-янги маъно ва мазмун кашф этарди. Суҳбатимиз келажакда бажаришимиз лозим бўлган ишларимиз, муҳаббатимиз ҳақида бўларди... Мен ундан худди узр сўраётгандай, гапимда давом этдим:

— Ҳозирги замонда яхши иш топиш жуда мушкул.

— Тушунаман... Хафа бўлма, — деди қувноқ оҳангда Малика.

— Нима, саккиз фунт рўзгор учун етарли, деб ўйлайсанми?

— Ҳа, керагидан ортиқ...

— Худо хоҳласа, тўйга тайёргарлик узоқ давом этмайди, деб ўйлайман.

Маликанинг кўзлари қувончдан порлаб, бош қимирлатиб гапимни тасдиқлади. У менга қаҳва келтирганда, гўзал қоматига кўз ташлаб, хаёл сурдим: «Агар унашти-

рилганимизда, балки мен күпроқ нарсага эга бўлармидим?..»

...Хомид ат-Тартуший тиржайиб, савол берди:

– Нарда ўйинни тугатар-тугатмас, хаёлга чўмдинг. Нималар ҳақида ўйлаяпсан?

– Қаҳвахона олдида илон ўйнатаётган илон авровчининг ўйинларига маҳлиё бўлиб қолибман.

– Сенга илон авровчилар ёқадими?  
– Мутлақо!  
– Неварам оғир касал... – деди Хомид бирдан ғамгин овозда.

– Яратганинг ўзи шифо берсин!  
– «Жигарбандларимиз кимни эслатар...»  
деб бошланадиган шеър эсингдами?

Бу шеърни қаердадир ўқигандим, аммо сўзлари ёдимда йўқ эди.

– Кейинги пайтларда нимани ёдда сақлаш керак бўлса, унутаяпман, кераксиз нарсалар эса эсимдан чиқмайди.

– Менда ҳам худди шундай.  
– Баъзида бутун умримни сарфлаб ўрганган оддий грамматик қоидаларни ҳам эслай олмайман.

– Ҳаммамизга Аллоҳ қувват берсин!..  
Сенга ёпинчиқ ёпинган келин керак! – кулади Хомид.

...Давлат хизматига ишга кирган йилим отам истеъфога чиқди. Отам ўзидаги саросимани хижолатли табассуми орти-

га яширишга ҳаракат қилаётганини, унинг хафалигини сездим. Отам одатий ҳаётини ўзгартиришга ҳаракат қилмади: у ярим тунда уйқуга кетиб, тонг саҳарда уйғонар, вазирликдаги ишининг ўрнига соат саккизда қаҳвахона томон йўл олар, у ердан тушга яқин уйга қайтар, овқатланиб, бирпас дам олар ва яна қаҳвахона томон йўл оларди. У жуда маъюс эди. У менинг нафақат отам, балки энг яқин сирдош дўстим бўлгани учун ҳам унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қиласдим. Бир куни мен унга: «Ота, юринг, қўлни қўлга бериб, Баҳо-Осмон афандининг уйига бориб, Маликани унаштириб келамиз. Фикрия ва Зайнабнинг турмушга чиқишини кутадиган бўлсак, менинг бу дунёдан тоқ ўтиб кетишумга тўғри кела-ди», – деб айтишга қарор қилдим.

Аммо кутилмаганда, отам касал ҳам бўлмай, тўсатдан вафот этди. Отамнинг ўлими барчамизни саросимага солиб қўйди. Бу воқеа эрта тонгда, отам уйқудан туриб, қаҳва ичаётганда содир бўлди. Врач «юрак хуружи» деб хулоса чиқарди. Уй дод солиб, юзларини тимдалаган аёлларнинг фарёдидан ларзага келди. Бу дунёда ҳеч кимни отам каби қаттиқ яхши кўрмаганимдан уларга қўшилиб, кўз ёш тўқдим. Ҳали ўлим нималигини тушунмаган ёшда мен унга тўқнаш келдим. Отамнинг ўлимидан кейин кунлар, ойлар, йиллар ўтди. Ўшанда отам-

га мотам тутмаганимга кейинчалик кўп бор афсусландим. Али Юсуф эса мени тинчлантиришга ҳаракат қилиб:

– Юрук хуружидан вафот этиш – бу энг осон ўлим, узоқ вақт касал ётиб ўлиш эса энг азобли ўлим, – деб ўз отасини мисол келтирди.

Бу жудоликка кўникишимни тасаввур ҳам қиломасдим. Бундан ташқари, олдин мен учун мавҳум, ҳозир эса янгилик бўлган яна бир воқеага гувоҳ бўлдим, биз камбағал эканлигимизни англадим. Отам бизга ўлимидан кейин дафн маросимиға ишлатилган қирқ фунтдан бошқа ҳеч нима қолдирмагани маълум бўлди. Унда оиласиз фаровонлигининг сири нимада эди? Мен газета ўқимасдим, агар ўқиганимда кўп гапдан боҳабар бўлардим, чунки газеталар оммавий инқироз ҳақида ёзилган мақолалар билан тўлиб-тошганди. Ўз вақтида ойлик олувчилар барқарор даромадга эга бўлганликлари учун унинг камлигига қарамай ҳаёти нисбатан яхши эди. Қоҳирада яшасак-да, яхши еб, яхши кийинардик. Уруш бошланиши билан вазият ўзгарди, нарх-наво кўтарилиб кетди. Мулқдорларнинг кайфияти кўтарилиб, чўнтаклари қаппайди, улар «урушнинг бадавлат одамлари» деган номга сазовор бўлишди. Ойликка кун кўрувчиларнинг йўли беркилиб, дунё кўзларига тор бўлди. На-

тижада оила эркаси бўлган мендай тантиқ йигитча, уйланмасдан оила бошлиғи деган номга эга бўлиб, онам ва қариқиз опаларимга ғамхўрлик қилишга, рўзгор ташвишларини бўйнимга олишга мажбур бўлдим. Нафақалар энг оддий кийим-кечакни сотиб олишга ҳам етмас, кун ўтган сари арзимаган ойликнинг қадри ҳам тушиб борар эди. Бундай шароитда мен қандай қилиб тўй ҳақида ўйлашим мумкин?

Отамнинг вафотидан қирқ кун ўтгач, биз Малика билан яна унинг уйида учрашдик. Ғам-аламдан қаддим букилган эди. Аҳволимни кўрган Маликанинг ҳам кайфияти тушиб кетди. Уни ҳеч қачон бундай аҳволда кўрмагандим.

Унга ғамгин аҳволда кўз ташлаб, сўз бошладим:

– Отамнинг ўлимидан кейин бизга ҳеч нима қолдирмагани менга жуда оғир зарба бўлди.

– Нафақа-чи?  
– Нафақа? Қанақа нафақа ҳақида гапирайсан, Малика?

– Бу худди зимдан содир этилган қотилликка ўхшайди, – деди у шивирлаб.

– Ҳа, буни қотиллик деса ҳам бўлади...  
– Энди нима қиласиз?  
– Ўйлайвериб чарчадим, аммо ҳали бирор йўлинни топганим йўқ.

Чуқур қайғуга ботганимга қарамай, Маликага нисбатан бўлган эҳтиросларим баттар алангаланди, балки ҳасратимнинг ўзи уни жунбушга келтиргандир. Ҳатто миямга «уни зўрласам-чи», деган аҳмоқона фикр келди. Биз келажагимиздан хавотирланганча ажралдик. Қачон ва қандай қилиб уйланаман, деган жавобсиз савол бир дақиқа бўлсин мени тарқ этмасди. Вазирликдаги хизматдошларим ҳали ҳам уйланмаганимга ҳайрон бўлишиб, менга «бу сенга қимматга тушмайди, ахир сен тақиқланган нарсаларни севувчи исёнкорлар авлодидансан» деб келин тавсия қилишарди. Мен жимгина уларнинг гапларини эшишиб, ич-ичимдан хўрлигим келарди. Лаънати ҳётнинг мен учун бундай совғалари борлиги етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди!

Бир куни онам мотам либосида хонамга кириб, ёнимга ўтирди. Кўзларини ерга тикканча:

– Ҳалим, ўйлашимча, мен хато қилмадим... – деди.

– Нима бўлди?! – дедим кўнглим нохушликни сезиб.

– Бошқа нима қилишим керак эди?

У бироз сукут сақлаб, гапида давом этди:

– Бугун эрталаб уйга Маликанинг онаси келганди. У менинг яқин дугонам, қизининг келажагидан хавотирланишга ҳаққи бор. У

мендан келажақдаги режаларимни сұраб, Малика билан Ҳалимни унаштириб құяйлик, деб таклиф қилди. Мен унга: «Сен менинг эңг яқын дугонамсан, орамизда ҳеч қандай сир йүк, Маликани ҳам үз қизимдай құраман. Ҳалимга Маликадан яхшироқ, чиройлироқ, ақллироқ келин тополмайман, аммо менинг ҳозирги ахволимни тушун, сен бегона эмассан», – деб бошимизга тушган кулфат ҳақида гапириб бердим.

– У маоши каттароқ ишга үтса бұлмайдими? – деди Маликанинг онаси.

– Күрмоқ бор-у, емоқ йүк.

– Ортиқча гап-сүзга чек қўйиш учун, балки уларни унаштириб қўярмиз?

– Унаштирган билан қачон тўй қиласиз?  
Ҳамма гап шунда-да...

Онам маҳзун оҳангда гапини тамомлади:

– Шундай қилиб, мен айтган гапимга афсусландим, унинг эса жаҳли чиқди.  
Ўғлим, мен тўғри қилдимми?

Ғазабдан бўғилиб кетдим, аммо онам ҳақ эди, ундан гина қилишга, хафа бўлишга ҳаққим йўқ эди. Бизнинг шум тақдир деган тош девордай мустаҳкам ва қаттиқ, кўзга кўринмас, ўжар шарпа билан курашишдан ўзга иложимиз қолмаганди. Мен ҳаётнинг бу адолатсизлигидан ўзимга келолмасдим. Бу қандай кулфат? Мен севгилимнинг ёнига шошдим, аммо меҳр ва муҳаббатга тұла бу масканда Малика мени

илк бора совуққонлик билан кутиб олди, унинг қовоғи солинган эди. Онаси эса заҳархандалик билан:

– Бизнига келиш учун онангдан рухсат сўрадингми? – деди.

Унинг гапларидан рангим оқариб кетди, у бор овози билан бақирди:

– Бундай хоинликни хаёлимга ҳам келтирмагандим!

Тушкун оҳангда эътиroz билдиридим:

– Ўзингиз биласиз... Ҳозир шароитимиз оғир...

– Агар сендей йигит бошқаларнинг омадсизлиги учун ўзини қурбон қиладиган бўлса, Аллоҳ ҳам норози бўлади. Ҳар бир одамнинг яхими, ёмонми ўз такдири, келажаги бор. Бунинг устига қизимнинг айби нима?

– Сабабини тушунтиришга ижозат беринг...

– Баҳонаю сабабларингнинг менга қизифи йўқ, – деб қизиққонлик билан гапимни шартта бўлди у, – мени фақат қизимнинг келажаги ва шаъни қизиқтиради.

Бу гапдан ўзимни тутиб туролмадим:

– Маликанинг шаъни мен учун ҳамма нарсадан юқори!

– Сен бизнига бўзчининг мокисидай қатнайверсанг, унинг шаънига доғ тушади.

– Ойи! – норози оҳангда бақирди Малика.

– Ўчир овозингни! – деб ўшқирди онаси.

Энди бу дунёда менинг интиладиган, умид қиласынан ҳеч нарсам қолмаганди. Маликанинг уйидан шармандаларча ҳайдалиб, хўрлик ва иложсизликдан оёғимни базур судраб уйга қайтдим. Каражат ахволда ўзимдан: «Наҳот ҳаммаси — муҳаббатим, ишонч-умидим, Маликага уйланишим саробга айланган бўлса?» – деб сўрадим. Дунё кўзимга қоронғи бўлиб кетди. Аччиқ ҳақиқат томоғимдан ғиппа бўғарди, мен курбон бўлган оила учун ўзимни курбон қилгандим.

Кечқурун уйимизда отам вафот этган кундаги каби мотамсаро кайфият ҳукм сурди. Меҳмонхонадаги диванда бўлиб ўтган воқеада ўзларини айбдор ҳисобланган онам, Фикрия, Зайнаб ғам-аламга чўмиб, қатор ўтиришарди. Онам тилга кирди:

– Албатта, биз сен учун елкангдаги оғир юкмиз, аммо бошқа иложимиз бўлмаса, нима қиласынан?

Фикрия юмшоқроқ оҳангда гап бошлиди:

– Сени хурсанд кўриш учун ҳамма нарсага тайёрман, аммо қулимдан ҳеч нима келмайди.

Зайнаб индамади. Опаларим мен учун қаттиқ қайғуришди.

– Ҳаммаси Аллоҳнинг иродаси... – дедим ғўлдираб, хонам томон йўл оларканман.

Орадан йиллар ўтиб, ўтган ҳаётимга назар ташласам, фақат йўқчилик, муҳтоҷлиқ, самараисиз меҳнат, бойлик ва аёллар ҳақидаги орзу, Абу Хода кўчасидаги зиндан-уйдан бошқа ҳеч нима кўрмабман...

...Ҳомид ат-Тартуший менинг яна хаёлга толганимни кўриб, ярим ҳазил – ярим чин қилиб маслаҳат берди:

– Унинг олдига бор, ахир, у ҳам сенга ўхшаб ёлғиз...

Кейин жилмайганча, гап қўшди:

– Билсанг, агар ҳозир замон ўзгарган. Сенга ҳар томонлама қулай бўлган хизматкор аёл топишга ёрдам беришим мумкин. Мен бошқа томонларини ҳам назарда туатаяпман!

Бугун қариянинг кайфи чоғ эди, ундан хафа бўлиш гуноҳ, аммо жаги умуман ёпилмади:

– Агар ростини айтсам, сен ўшанда уйланнишинг мумкин эди!

Мен унга норози нигоҳ ташладим, у гапдан тұхтамади:

– Сенинг ўрнингда бўлганимда, қарзга бўлса ҳам уйимни қайтадан жихозлаб, уйланган бўлардим. Қолганига Худо пошшо

дердим... Мендан хафа бўлма-ю, сен курашсиз таслим бўлгансан.

– Шум тақдир билан баҳслашиб бўлмайди.

...Беҳаловат кунлар ўтиб борарди. Онам, Фикрия ва Зайнабнинг ўртасидаги келишмовчиликлар, жанжаллар шум тақдирни ҳам ярим йўлда қолдиради.

– Агар мени ўқитганингизда, қўлимда бирор ҳунарим бўлганда, ҳаммаси бошқача бўларди. Гуноҳларингни Аллоҳ кечирсин!.. – деб ёзгиради Фикрия.

– Отанг тириклигига ҳаммаси бошқача эди, унинг рухини безовта қилма! – бақириади онам.

Гапга ҳўрсинганча Зайнаб аралашарди:

– Агар озгина иродали бўлганимда, оқсоч бўлиб ишга ёлланардим...

– Эй, Худойим, бу балолардан кутулиш учун тезроқ жонимни ол, – ўзича тўнфилларди онам.

Шунақаям ҳасрат-қайғуга тўла уй бўладими? Қачон булар бир-бирини айблашдан, гуноҳкор қилишдан тўхтайди? Нима бўлган тақдирда ҳам мен бу баҳтиқаро аёлларни яхши кўтардим. Мен оила бошлиғи ва унинг қурбониман. Улардан қанчалик дарғазаб бўлмай, бари бир раҳмим келарди. Онам қандай ажойиб уй бекаси эди! Отам билан ўзини қанчалар баҳтиёр ҳис қиласди! У бир кун келиб оиласи шу

аҳволга тушиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Бир куни онамдан хафа бўлиб сўрадим:

– Нимага доим жанжал қиласизлар?!  
– Сиркани асалга айлантириб бўлармиди? – эътиroz билдириди у, – ўзинг ҳам...  
– Менга нима қилибди?!

– Сенинг бахтинг очилиши учунгина, уларнинг турмушга чиқишини хоҳлайман, рост айтаяпман...

– Қизиқ, опаларимга уйланадиган одам топилган тақдирда, сеп-сурукни қаердан оламан? – деб гап билан узиб олдим.

Онам жавобдан қочиб, чуқур ҳўрсинди ва жим бўлиб қолди. Бундан баттар жаҳлим чиқди:

– Менинг айбим нима?  
– Бор, бизни тақдир ҳукмига ҳавола қил-да, уйлан! – захрини сочди онам.  
– Мен ҳатто шу ишни ҳам қилолмайман! – деб бақирдим аламдан.

Бадбаҳт уй борган сари кўзимга балодай кўринар, ҳар кунги жанжаллар, бир хил чеҳралар бора-бора кўнглимни оздирадиган бўлди... Наҳотки бунақа зерикарли ҳаётнинг ниҳояси бўлмаса? Дарғазаб Фикрия билан Зайнабнинг бахтга қарши кўчага кийиб чиқишига ҳам тузукроқ кўйлаги бўлмаганидан, уйдан чиқмай ўтиришарди. Уруш давом этар, нарх-наво кутарилиб

кетган, одамлар таҳликада эди. Бир куни онамга:

– Аввал камбағалмиз деб ўйлардим, бугунга келиб, ўша пайтларда жуда яхши яшаган эканмиз, деган фикрға келдим. Энди чиқимларни камайтириб, пулни төжаб-тергаб ишлатишимиz лозим.

– Ахир ортиқча чиқим бўлмаслиги учун қўлимдан келганча ҳаракат қилаяпман!

– Ҳа, жойлари жаннатда бўлгур отам келажагимиз ҳақида умуман қайғурмаган экан!

Онам ҳар доимгидай отамни ҳимоя қилишга киришди:

– У бундан ортиқ яна нима қилиши керак эди?

– Отам мени тантиқ қилиб ўстирди, ўйламай кўп пул сарфлади, натижада мени жувонмарг қилди!

– Отанг сени жонидан ортиқ яхши кўрганини наҳотки таъна қилсанг?

– Мени яхши кўргандан кўра, пул йифиб, қизларини эрга берса бўларди!

– Отанг нафақасидан тўлаш шарти билан банқдан қарз олиб, опаларингга сеп қилмоқчи эди...

Бир куни бошлиғим мени телефонга чақирди. Гўшақдан Маликанинг овозини эшишиб, юрагим ҳапқириб кетди – Маликам, севгилим! У мени кечкурун ас-Сарайиат кўчасига учрашувга чақирди... Узоқ ва

аламли айрилиқдан кейин уни күриб, юрагимда заррача бұлса-да, умид үйғонмади. Мана у, гул юзли, қадди-қомати келишган севгилим қаршимда турибди. У паришонхотирлик билан:

– Мени унудингми? – деб сұради.

Биз ёнма-ён борардик:

– Мұхаббатимизнинг бундай якун топиши хаёлимга ҳам келмаганди...

– Үйимизга келаётган совчиларга рад жавобини бераяпман... Аммо қачонгача бундай шиддатли бүрөнга қарши туришга күч топарканман?

– Малика, олдингда уятға қолдим.

– Наҳотки озгина бұлса ҳам умид бүлмаса?

– Йүк, ҳамма иш орқага кетди...

Биз мархумни сұнгги йўлга кузатаётгандай, Французлар касалхонаси олдидағи майдонгача сукут сақлаб, жим келдик. Малика секин шивирлади:

– Хоҳласанг, ҳамма айтганларингни баражараман.

Аммо мен тақдирга тан бериб бўлгандим, бош чайқадим:

– Агар сени алдасам, номардлик қилган бўламан. Мен ҳеч нима таклиф қилолмайман. Шусиз ҳам олдингда гуноҳкорман, мени деб шунча гапга қолдинг...

Қалбимга чўккан зулматни кўчаларни ёритиш учун қўйилган чироқларнинг нурла-

ри ҳам ёритолмади... Биз Аббосия күчасига етган жойда ажрашишимиз лозим эди, үзи билан мұхаббатимни олиб кетиши керак бўлган айрилиққа кўнишдан бошқа иложим йўқ эди. Биз тұхтадик.

– Малика, мендан хафамисан? – дедим бегона овозда.

У индамай, бош чайқади. Хайрлашиш учун қўл чўзди. Кўлларимиз учрашди.

– Сенга бахт тилайман... – дедим.

У кетди. Анчагача Маликанинг ортидан кўз узолмай турдим... Бу учрашув менга янги азобдан бошқа нима берди? Фақат қалбимни тилка-пора қилди, холос... Мен дунёдан баттар нафратланиб кетдим. Ала-мимдан сиёсатга умуман қизиқмасам-да, турли оппозицион газеталарни ўқийдиган бўлдим.

Бир куни Али Юсуфдан сўрадим:

– – Ҳей, билимдон, менга айт-чи, бир умр сўққабош бўлиб ўтадиган бўлсам, табиий эҳтиёжимни қандай қондираман?

Али баланд овозда қаҳ-қаҳ урди:

– Табиий эҳтиёжингни фақат Умм Абдо ёрдамида қондиришинг мумкин!

– Умм Абдо? – дедим ҳовлиқиб.

– Нима қипти? У бечора сизларникида тарбияланган бўлса, ҳар қалай, унда ҳаёт нишоналари мавжуд.

– Ахир у мендан ўн ёш катта-ку...

– Устоз, мен унга уйланишинг керак, дейётганим йўқ!..

...Бутун ер юзида Абу Хода кўчасидаги, Армия майдонидаги «Ан-Нажаҳ» қаҳвахона-сигача бўлган оралиқдаги каби шарти кетиб, парти қолган хароба уйлар бўлмаса керак. Бу ерда менга ӯхшаган истеъфога чиқкан одам яшамаса, бошқа ким ҳам яшарди?!. Агар пулим кўп бўлганда, дунё бўйлаб сайру саёҳатга чиқардим. Агар Бразилиядан бирор уруғ-аймогим топилиб, менга мерос қолдирганда, дунёниг энг гўзал қизига уйланиш мақсадида уни қидириб саёҳат қиласадим... Орзулар ширин бўлгани билан, жуда бешафқат. Малика, мендан атиги бир неча қадам нарида яшасанг-да, сен томон боролмай, сукут сақлашга мажбурман. Биз ўтмиш хотираларининг қурбонларимиз, ўзим кексайган бўлсан-да, юрагим сени деб шивирляяпти!..

Ҳомид ат-Тартуший қувонч билан:

– Ӯғлимнинг лавозими кўтарилиди, энди у бош директор бўлди, – деди.

Уни табрикладим ва қўшиб қўйдим:

– Бугунги сендвич ва қаҳва сенинг ҳисобингдан бўлади!

– Фақат қаҳва! – деди у эътиroz билдириб.

– Менга қара, сен ҳалиям хотининг билан ётасанми?

Ҳомид тиржайди:

- Фалати савол.
- Бемаъни саволим учун кечирасан-у, лекин бу савол мени жуда қизиқтиради.
- Кўпинча қувватим бўлса хоҳишм, хоҳишм бўлса қувватим бўлмайди... – деди.  
Кейин ҳамдардлик оҳангидаги давом этди:
- Қандай қилиб, сен уйланмай, бир умр тоқ ўтдинг? Уйланишга сенчалик жиддий қарайдиган одамни ҳаётимда учратмаганман!

Мен алам билан тушунтиридим:

- Ўтган йилга қадар оила, рўзғор ташвиши билан овора бўлдим, ойлик ошган сари қимматчилик уни ўз комига тортди.
- Минг афсус! Умм Абдо ҳам эрта оламдан ўтибди-да?
- Тўғрироғи, кечроқ, эркакларга керак бўлмайдиган аҳволга келгандан кейин вафот этди.
- Ҳа... Бўлмаса, Малика билан учрашишингга нима тўсқинлик қиласапти?

...Али Юсуф менга синовчан назар ташлади. У ўзини гўлликка солиб, нимани назарда туваётганини яхши тушундим. Ниҳоят, ҳозир мебеллар кўргазмаси бўладиган, аввалги «Ал-Иншироҳ» қаҳвахонасида ўтирганимизда сўради:

- Умм Абдо нима бўлди, янгилик борми?

– Хатарли саргузашт, аммо муваффақиятли якунланди... – дедим кулиб, бўлиб ўтган воқеани гапириб берарканман.

– Гапир, нима бўлди? – деди Али қизиқиб.

– Нима десам экан? Уни болалигидан бери биламан, у уйимиздаги отамдан мерос қолган буюмларга ўхшайди. Биз бир-биримизга доим ҳурмат назари билан қаардик. Менинг қараашларим ўзгарганини сезгандан кейин у ҳайрон бўлди. Аммо бундай ҳолатда фақат аҳмоқларгина ҳеч нимани тушунмаслиги мумкин. Ҳар қалай, Умм Абдо ақлли аёл, ҳаммасини тушунди. Аввалига қўл теккизганимда уялиб, ўзини тортди, ҳаяжонланди... Аммо ҳозир ҳаммаси жойида, фақат эҳтиёт бўлишимиз керак.

– Жанжалдан қўрқаяпсанми?

– Албатта!

– Улар сенга уйланишни тақиқлашди, энди яшашдан ҳам маҳрум қилишмоқчими?

– Йўқ, мен бошқача тарбияланганман, уяламан.

– Муҳими, асабларинг жойига тушдими?

– Эҳтимол...

– Унда менинг ҳаққимга дуо қил...

– Сенсиз нима қиласардим, олийжаноб қўшмачи!

Ҳа, асабларим жойига тушди-ю, аммо бўлаётган воқеалардан юрагим хижил

бўлиб, фарзанд қўролмаслигимдан баттар жаҳлим чиқарди.

Ўзимга тез-тез: «Урушаётган мамлакатларга ҳавас қилиб, бизнинг ҳам унга аралашишимиз тўғримикан?» – деб савол берардим. Биз ҳар доим бирор қўрқинчли воқеани, ҳаво тревогаси сигналини эшитардик, иттифоқчи аскарларга кўзимиз тушарди. Бизни буюк армия ҳаётидаги кутилмаган, кескин ўзгариш ва воқеалар ҳайратда қолдирди. Биз Али билан ҳар куни гоҳ «Ал-Иншираҳ» қаҳвахонасида, гоҳ бомбадан яшириниш жойида учрашиб қолардик.

Бир куни кечқурун, у менга:

– Сендан бир нарсани сўрамоқчи эдим, фақат ростини айт! – деди.

– Нимани сўрамоқчисан?

Али бироз иккиланиб, тилга кирди:

– Ҳозир Малика билан муносабатинг қандай?

Кутилмаган саволдан довдираб қолдим, аммо ўзимни қўлга олиб, чин дилимдан жавоб бердим:

– Орамизда ҳеч нима йўқ.

– Сендан расмий алоқалар ҳақида сўрамаяпман. Мени қалбинг қизиқтиради.

– Утмишни батамом унуганман...

– Агар унга совчи юбориш учун сендан рухсат сўрасам, нима дердинг?

– Хурсанд бўлиб, табриклардим, – дедим оддийгина қилиб.

Мен бу гапни чин дилимдан айтдим. Бир озгина юрагим хижил бўлганини айтмаса, ўша пайтда Маликага нисбатан на рашк, на муҳаббат туйғусини ҳис қилдим. Аммо кейинчалик барча умидларим сўнганида, бутунлай тушкунликка тушдим.

...Бу воқеани Ҳомидга гапириб берганимда, у менга савол берди:

– Сен Маликани Али билан бир уйда яшаган деганмидинг?

– Ҳа.

– Аллоҳ ҳаққи қасам ичаманки, у Маликани азалдан севган... – деди Ҳомид.

– Тўғрисини айтсам, бу фикр менинг ҳам хаёлимга келган, – дедим кўнглимда борини яширмай.

– Унда дўстинг тулки экан!

– Бу воқеаларда унинг айби йўқ, у умрининг охиригача менинг энг яқин дўстим бўлиб қолди.

– Али унга уйландими?

– Ҳа, улар турмуш қуришди. Иккита ўғил фарзанд қуришди, улар ҳам отасига ўхшаб сиёsat билан шуғулланишди, аммо кейинчалик Саудия Арабистонига қочиб кетишга мажбур бўлишди. Кейин иккаласи ҳам ўша ерда уйланиб, яшаб қолишли. Ҳозир улар онасини моддий томондан таъминлашади, шунинг учун Малика ҳеч нимага зориқмай яшаяпти.

– Эри ўлганига қанча бўлди?

– Бундан ўн йил илгари, айни қирчиллаган вақтида дўстим саратон касаллигидан ва-фот этди. У умрининг охиригача олийжаноб ва ҳурмат-эътиборли инсон бўлиб қолди...

...Маликанинг турмушга чиқаётганини эшитган онам ва опаларим бўлаётган воқеаларда ўзларини айблаб, баттар қайғуга чўмишди. Уйимиз кўзимга олдингидан ҳам аянчли кўринди.

Орамизда худди ҳеч нима бўлмагандай Маликанинг тўйига бориб, табрикладим. Мен Маликасиз яшолмайман, деган хомхаёлларнинг нақадар ёлғон эканлигига ҳайрон бўлдим... Ҳарқалай Али Юсуф ҳавас қилса арзийдиган куёв эди, унинг адвокатлик буросидаги ойлиги меникидан ўн баробар кўп эди. У Маликага бахтли ҳаётни ҳадя этди, болаларини ўқитди, маълумотли қилди, уларнинг муваффақиятларидан фахрланди. Албатта, уни сиёсий фаолият ҳам ташвишга соларди, болаларининг Саудия Арабистонига кетишини у қўллаб-куватлади, аммо орадан кўп ўтмай уларни соғина бошлади, у фарзандларини жуда севарди! Унинг беморлик тушагида ётганда оғриқдан қийналганини, кўз ўнгимда жон берганини бир умр унутмасам керак. У ўлгандан кейин қалбимда пайдо бўлган бўшлиқни ҳеч ким ҳеч қачон тўлдира олмади...

Ўша пайтларда вазирлиқда хизмат пиллапояларидан юқорига кўтарилишим ва

Умм Абдо билан бўлган махфий алоқам мен учун ягона юпанч эди. Мен бу дунёдаги ҳамма нарсадан норози бўлган ва асаблари қақшаган уч аёл билан бир уйда яшаш тақдирига кўниккан эдим. Улар ўша даврдаги қимматчилик, қарама-қаршилик, турли бало ва оғатларнинг тимсоли эдилар. Инқилобдан кейин онамнинг соғлиги ёмонлашди, Зайнабнинг ҳам руҳий ҳолати яхшимасди. Бунинг натижасида мен уларни даволатиш учун дорига пул сарфлашимга тўғри келди. Бу пайтга келиб бўйдоқлик ҳаётига кўниккан бўлсам-да, оила қуриб, фарзанд кўриш фикри ниҳоясиз, амалга ошмайдиган туш каби ҳамон қалбимни тарк этмасди. Разолатга юз тутган бу ғордан қачон қочиб қутулар эканман?!

Мен бир томондан бу аёлларга хизмат қилганимдан, улар дам олишга рухсат берганидан хурсанд бўлсам, бир томондан хафа ҳам бўлардим. Мен бунаقا дам ҳақида орзу қилмагандим! Улар менинг қўлимга темир кишан солишли, ҳаёт эса масхара қилиб, устимдан кулгандай ўтиб борарди... Биринчи бўлиб Умм Абдо, сўнг онам, истеъфога чиқишимдан бир йил олдин бирин-кетин опаларим оламдан ўтишли. Онам узоқ яшади, унинг вафотидан бир неча ой ўтгач, Фикрия етмиш ёшда, Зайнаб олтмиш саккиз ёшда бу ёруғ оламдан кўз юмди. Уларнинг дафн маросимини

ұтказиш учун қарз олишга мажбур бўлдим.  
Шундан кейин мувозанатини йўқотган, ар-  
зимаган битта лимон палон пул турадиган  
бу бешафқат оламда ёлғиз қолдим...

...Хомид ат-Тартуший мени тинчланти-  
ришга ҳаракат қилди:

– Мен ҳеч қачон умидсизликка таслим  
бўлишингга йўл қўймайман. Агар яшаёт-  
ган уйинг ёқмаётган бўлса, ёдингда тут,  
қабристонда ётган қанчадан-қанча одамлар  
сенинг уйингда ётишни орзу қилишади. Пу-  
линг йўқ бўлса, ишга кир. Ўзингга ўхшаган  
ёлғиз аёл бор экан, нимага унинг олдига  
бормайсан?

Тиржайиб, яна гап қўшди:

– Худога шукур, соғлигинг жойида, ҳис-  
туйғуларинг ҳам яхши нарсалар ҳақида ба-  
шорат қилаяпти.

Хомиднинг гаплари тўғри эди. У билан  
навбатдаги учрашувимизда қатъий оҳангда  
дёдим:

– Таваккал қилишга қарор қилдим.

Хомид жасурлигимни мақтаб, табриклади.

Бўлажак учрашувга тайёргарликка деяр-  
ли ярим кунимни сарфладим. Чўмилдим,  
соҷ-соқолимни қиртишлаб, энг яхши кийим-  
ларимни кийдим. Бегона кўзлардан пана  
бўлиш учун қош қорайишини кутдим. Кейин  
шарқий қирғоқдаги ал-Умумий кўchasига  
үтдим. Бирдан хаёлимга Али Юсуф келди.  
«У менга хоинлик қилмаганди. Мен ҳам уни

сотмайман», – деб ўйладим. Менинг ёшимдаги одамнинг уялиши мумкин эмас, – деган фикрга келдим...

Зулмат қаърига чўмган учинчи қаватдаги эшик ёнида тұхтаб, қўнғироқ тугмачасини босдим. Қадам товушлари эшитилди. Эшик дарчаси очилиб:

– Ким у? – деган овоз келди.

Чироқ ёқилди. Мени қуриб, Малика кўзларига ишонмади:

– Сен?

Эшик очилиб, у ўнгдаги хонага ишора қилиб, деди:

– Марҳамат.

Мен хонада ёлғиз қолдим. Хона дим эди, кўчага қараган деразани очдим. Ўша олдинги меҳмонхона бўлса-да, мебеллар янги, замонавий эди. Бу ерга келиб тўғри қилдимми? Кейин афсуслансан-чи? Менимча, у чиройли кўйлагини кияётган бўлса керак. Уни яқиндан кўрмаганимга ҳам анча бўлди. Яна қадам товушлари эшитилди. У бошига рўмол танғиганча, этаги тўпигига тушадиган, енги узун оқиш ёзги кўйлақда кириб келди. У менга яқин келиб, сўради:

– Қаҳва ичасанми?.. Хоҳлассанг, апельсин шарбати ҳам бор.

– Овора бўлма, ҳеч нима керакмас...

У чиқиб кетди. Маликанинг қиёфаси кўз ўнгимда қолди. Юзи олдингига нис-

батан тұлишган бұлса-да, ажин тушмagan, ёшлик шүхликлари үрнини босиқلىк ва хотиржамлик згаллаган, аммо илгари-ги ҳусни-тароватини йүқотмаганди. Қизиқ, сочи оқарғанмикан? Тұлишганига қарамай, қомати ҳалиям одамни үзига тортади. Худо ҳаққи, у жудаям мафтуңкор! Эхтиросли хаёллар шаршарадай ёпирилди. Эх, қани энди уни аввалгидай бағрига босса, бир-бирларининг оғушига сингиб кетишса... Аммо эхтиёт бўлиш лозим! Ҳозир унинг қалбida нималар кечәётганидан бехабарман. Балки у фақат оналиқни тан олар. Үзингни тут, хато қилма!

Малика хонага қўлига кичкина кумуш патнис тутганча қайтди. Патнис устида қандайдир шиша бор эди. У патнисни нақшли ёғоч стол устига қўйиб, уни олдим-га сурди.

– Сени ҳам қийнаб қўйдим, ўтири, дамингни ол.

У рўпарамга ўтирди. Шу пайт унинг тепасида илинган унинг тўй сурати ва Али Юсуфнинг арабча кийимда болалари билан тушган расмга кўзим тушди. Мени бирдан совуқ тер қоплади, үзимни ноқулай хис қилдим.

– Келиб яхши қилибсан, ниҳоят яқинла-рингни эслабсан!

Мен узр сўрадим:

– Ҳаёт шундай экан, бир жойда яшасаг-у, бир-биримиздан бегоналардай хабар ол-масак, нотўғри бўлар, деб ўйладим!

– Хуш келибсан! Ҳалиям вазирликда ишляяпсанми?

– Бир неча кун бўлди, истеъфога чиқдим.

– Аллоҳ умрингни зиёда қилсин! Уйинг-да сенга ёрдам беришга бирор киши борми?

– Йўқ, тўрут девор ичида ёлғизман, – дедим кулиб.

– Агар ҳафтада бир марта танишимнинг қизи келиб туришини айтмасам, мен ҳам деярли ёлғизман.

– Эътибор беришимча, умуман кўчага чиқмайсан-а?

– Ҳа, жуда зарур бўлмаса, чиқмайман.

– Ёлғизлик ёмон нарса, мен, ҳар қалай, қаҳвахонага чиқаман, дўстим билан суҳбатлашаман, шунда ҳам зерикаман.

– Зериксам, телевизор кўраман, қўшни аёллар чиқишади.

– Ахир, бу зерикмаслик учун камлик қиласди!

– Ҳечдан кўра яхшироқ!

– Ўғилларингнинг ишлари яхшими?

– Яхши, улар энди ўша ерда яшашади. Невраларим ҳам бор.

– Уларнинг олдига ҳеч бордингми?

– Ҳа, бир марта, ҳажга борганда кирганман.

– Зиёратинг қабул бўлсин, – дедим жилмайиб, аммо ўзимни ғалати ҳис қилдим.

– Раҳмат! Агар ҳажга бориш ниятинг бўлса, улар сени кутиб олишади.

– Ҳаммаси Аллоҳнинг қўлида! Соғлигинг жойидами?

– Ўзингники-чи?

– Худога шукур, нолимайман.

– Меники ҳам жойида, фақат яқинда ясама тиш қўйдирдим.

– Бу ҳам соғлик учун фойдали.

– Аллоҳнинг иродаси билан яхши кунларга етиш насиб этсин.

Шу ерга келганда жонланиб, эътиroz билдиридим:

– Аллоҳнинг иродаси билан сенинг олдингда ўтирибман! Ҳали узоқ яшаймиз! Сени кўрганимдан хурсандман...

– Мен ҳам хурсандман, аммо ёлғизлигинг мени ташвишга солаяпти.

– Ахир, сен ҳам ёлғизсан-ку...

– Хотининг, болаларинг бўлганда яхши бўларди, – деди у меҳр билан.

– Тақдиримга ёлғизлик ёзилган экан, қўлимдан нима ҳам келарди, – дедим на-домат билан.

Нафасни ростлаш учун иккаламиз ҳам жим бўлдик. Шишада қолган шарбатни ичиб, терга тушдим. Ҳаёлот ва воқелик орасида қанчалик катта фарқ борлигига амин бўлдим. Мен нимагадир унинг олдига

келганимда бемалол гаплашаман, у мени күчоқ очиб кутиб олади, йиллар давомида кишанланган эҳтиросларга эрк бераман, деб ўйлагандим...

Хозир ўзимни расмий идорада, жиддий ва тарбияли аёлнинг қабулида ўтиргандай ҳис қилдим. Бунинг устига рўпарамда менга тикилиб турган Али Юсуфнинг сурати керакли гапларни айтишимга халақит берарди.

Қизик, у ҳозир нима ҳақда ўйляяпти экан? Наҳотки, ўтган бахти кунларимизни хотирламаган бўлса?! Наҳотки, ҳистуйғуларини одобли хулқи каби бошқара олса? Мен ҳамон эҳтирос билан унинг аввалгидай жилмайшини, нигоҳ ташлашини кутардим... У эса менга яқин қариндошига қарагандай, хотиржам назар ташларди. Наҳотки, Маликанинг меҳр булоғи қуриб қолган бўлса?.. Нима бўлган тақдирда ҳам мен бу хонадондан курашсиз, енгилиб чиқиб кетишни истамайман. Агар шундай қиласиган бўлсан, умримнинг охиригача ўзимни кечира олмайман. Ниҳоят, ўзимни қўлга олиб, ниятимни ошкор қилдим:

– Агар хўп десанг, вақти-вақти билан олдингга келиб турсам, нима дейсан? Ахир, иккаламиз ҳам ёлғиз бўлсак.

– Майли, келиб тур, – деди у хотиржам оҳангда, кейин иккиланиб, гап бошлади: – Аммо...

Маликанинг хаёлига нима келганини англадим:

– Биз қариндошмиз, бунинг устига ёшимиз ҳам бир жойга бориб қолди, биз ҳақимизда ёмон фикрга боришмайди.

У индамади. Шунда аламдан бўғилиб:

– Демак, рози эмассан?! – дедим.

– Мен бундай деганим йўқ, – деди у эътиroz билдириб.

– Балки қатъий учрашув белгиламоқчиидирсан?

– Ҳа, бу ҳақда ўйлаб кўриш лозим.

– Очиқроқ гапир.

– Бошқача ўйлаганимда, айтган бўлардим.

Қоним қайнаб кетди:

– Бу учрашув менга сув ва ҳаводай зарур.

Ёлғизлик жонимга тегиб кетди. Бу дунёда сендан бўлак яқин одамим йўқлигини яхши биласан! Бу ҳақда кўп ўйладим...

. Маликанинг юзлари қизарди. Жилмайиб, шивирлади:

– Ахир, мен ҳам тушунсам керак.

Мен тобора дадиллашиб борардим:

– Демак, бу нарса иккаламиз учун ҳам керак!

У кулиб юборди ва бирдан жим бўлди. Назаримда иккаламиз бир дунёдан бошқа дунёга тушиб қолгандик.

– Ёлғизлик жонимга тегди, ҳаётимни ўзгартирмоқчиман. Мана, сен уйингни янги мебеллар билан жиҳозлабсан...

- Раҳматли эрим менга анчагина пул қолдирғанди, уйни бутунлай янгитдан таъмирлатиб, янгитдан жиҳозладим. Үғлим Воҳид менга ётоқхона мебелини, Бакир эса меҳмонхона мебелини совға қилди. Үзим ошхона мебелларини сотиб олдим.

- Қимматчиликда пулдан қийналмаяпсанми?

- Нафақа ҳеч нимага етмайди, болаларим пул жўнатишади. Үзинг нима қилаяпсан?

- Ҳар қандай ишни бажаришга тайёрман, аммо истеъфога чиққан одам ҳеч кими қизиқтирумайди... Аммо ҳаётимнӣ янгитдан бошламоқчиман.

- Нафақагами?

- Соғлигим жойида, инглиз тилини яхши биламан, маъмурий ишлар бўйича тажрибам бор, бирор бир хусусий корхонага ишга кириб олсам, бўлди...

- У ерда ойлик катта дейишади.

- Аммо менинг умид ва ниятларим ундан ҳам катта...

- Нима ҳам дердим, жуда яхши фикр.

- Фикримга қўшилганингдан хурсандман.

Яна жим бўлиб қолдик. Кетишим керак, деган қарорга келдим:

- Майли, бўлмаса, мен қайта қолай...

У одоб юзасидан: «Яна бир оз ўтири», – деди, аммо мен ўрнимдан туриб, хайрлашиб учун қўл чўздим...

Жим-жит оқшом, күтарилган енгил шабада эпкини менга хуш ёқди. Агар орзуим рўёбга чиқмаган бўлса ҳам, у ҳали ўлгани йўқ, деб ўйладим.

«Ан-Нажаҳ» қаҳвахонасиға кўтаринки кайфиятда кириб келдим. Мени кўрган Ҳомид ат-Тартушийнинг юзига ҳам табасум ёйилди:

– Сен ёшлигингга қайтибсан, сени ҳеч қачон бундай баҳтли кўрмагандим.

Мен унга бугунги учрашувим, баҳтнинг янги сарчашмаси ҳақида гапириб бердим. У мени диққат билан тинглади ва:

– Кайфиятим зўр, сеники-чи? – деди.

Бир оз ўйланиб, жавоб бердим:

– Элликка, эллик...

– Сал кўпайтир.

– Кўрамиз.

– Ахир, у истамаганида бу ташрифинг биринчи ва сўнгиси бўларди...

– Албатта!

– У сенинг мақсадингга тушунмаганига ишонмайман.

– Қани энди шундай бўлса...

– Кулок сол, мен аёлларни яхши била-ман. Аммо у хотинликка ярайдими, йўқми, яхшилаб ўйлаб кўрдингми?

– Малика аввалги гўзаллигини йўқотмаган... – дедим уни ишонтиришга ҳаракат қилиб.

Ҳомид тиржайганча, маслаҳат берди:

– Алданиб қолмаслик учун эҳтиёт бўлиш лозим. Унинг ёшидаги ташқи қиёфа ҳали ҳеч нарсани англатмайди, чунки кийими баданини ёпиб турибди, агар кўйлагини ечсанг, бизни кўчамиздаги ўйдим-чуқурларга үхшаган жойларини куриб, капалагинг учади... Шунинг учун сенга маслаҳатим, унга ййланадиган бўлсанг, қоронғида ечинтир!

Кулгидан ўзимни тутолмадим.

– Аввал унинг розилигини олай!

...Уйга қайтгач, ёлғизлик яна томоғимдан ғиппа бўғди, уйимга бўлган нафратим икки баробар кучайди, уни ер ютишини истадим. Ҳаётимни янгитдан бошлаш йишиёқи шу даражада кучли эдики, телевизор билан қаҳвахона энди кўзимга кўринмай қолганди. Маликанинг уйига бўладиган келгуси ташрифим — охирги ва ягона умидим эди. Бир ҳафтадан кейин борсаммикан? Қисқа вақт. Бир ойдан кейин боришга сабрим чидамайди! Яхшиси икки ҳафтадан кейин бораман.

Бу вақт мобайнида «Женерал электрик» фирмасининг сув тақсимлаш станциясига хизматчи кераклигини билиб олдим. Бу лойиха вақтинчалиқ, яъни уч йиллик бўлсада, маоши тўрт юз миср фунти экан! Синов жараёнида бу лавозимга улар ёшроқ қизни танлашди. Менга ойлиги уч юз фунт бўлган ташқи алоқалар бўлимидан бошқа лавозимни таклиф қилишди. Бу таклифни

қувонч билан қабул қилдим. Бу ойлик билан янги уй ололмасам-да, ҳар қалай, янги кийим ва иссиқ овқат сотиб олишга қурбим етарди.

Икки ҳафталик орзиқишдан кейин, кечки пайт севгилиминг уйи томон йўл олдим. Икки ҳафтани сабрсизлик билан базур ўтказдим, қарорим қатъийлашди. Ёши катта одам ёш йигитдай уялмаслиги кераклигига ўзимни ишонтиридим. У мени меҳмонхонага таклиф қилганда, суратларга кўзим тушишидан қўрқиб: «Ахир, биз қариндош бўлсак, меҳмонхонада ўтиришим шарт эмас», – деб баҳона қилдим.

Мен унга чин дилимдан:

- Сенинг шарофатинг билан ҳаётимга мазмун кирди! – дедим.
- Ошириб юбординг, – деди у жилмайиб.
- «Женерал электрик» фирмасига ишга кирдим, – дедим қувонч билан.
- Табриклайман!

Кейин унга ишим, ойлигим ҳақида гапириб бердим:

- Худо хоҳласа, энди ниятимга етаман.
- У менинг нимани назарда тутганимни англамади:
- Ҳа, энди янги уй сотиб олишинг мумкин, – деди соддалик билан.

Маликанинг гапидан кулиб юбордим:

- Бундан ҳам муҳимроқ мақсадим бор!
- Ростданми?!
- Ҳа, Уйланмоқчиман.

Малика ҳайрон бўлди, у менга одоб юзасидан сўраётгандай туюлди:

- Уйланмоқчисан?!
- Ҳа, уйланмоқчиман!..

У ғалати жилмайиб, тилак билдириди:

- Худо сенга куч-қувват берсин!
- Сенинг фикрингни билмоқчи эдим.
- Уйлансанг нима қипти? Ана, сендан ёши катталар ҳам уйланаяпти...
- Мен ҳам шуни айтаман-да...

Шунда у қувонч билан таклиф киритди:

- Ижозат берсанг, сенга мос келинни ўзим топардим!
- Кимни менга мос деб ҳисоблайсан?
- Менимча, унинг ёши қирқларда, эслихушли бўлиши керак.
- Демак, у ё эридан ажрашган, ё бева бўлади, шундайми?
- Нима бўпти?
- Унақа аёлнинг болалари ёш, балки чақалоги ҳам бўлар.

– Яна нима хоҳлагандинг?

Мен унинг қора кўзларига сархуш тикилиб, маънодор қилиб гап бошладим:

- Нима хоҳлашимни яхши биламан, келинни узокдан қидиришнинг ҳожати йўқ!
- Бу билан нима демоқчисан? – деди у оғзимни ёпиб.

Илтижоли оқанғда:

– Малика, мен уйланмоқчи бүлган келин сенсан, – дедим.

У күзларини юмиб, нафасини ичига ютди. Кейин қатый овозда сұрады:

– Ҳали шундай де? Шу гапни айтиш учун менинг олдимга келдингми?

– Албатта.

– Қандай шармандалик!

– Шармандалик?!

– Нима деб жавоб беришни ҳам билмайман...

– Бу табиий ҳол, нимаси уят экан?

– Қайта турмуш қуриш менинг хаёлимга ҳам келмаган, – деди у қалтироқ овозда.

– Энди келсин! Ахир, бу иккаламизнинг ушалмаган орзуимиз!

– У даврлар үтмишга айланиб, хотирамдан күтарилған, – деди у бүғиқ овозда.

– Ахир, бу орзу ҳали тирик, у үлганийүқ, қалбимда яшаети! – дедим жүшқинлик билан.

– Нима деётганингни тушунаяпсанми? Ёлғизлиқдан ақлдан озибсан.

– Мен нима хоҳлашимни жуда яхши биламан.

– Йүқ!.. Ҳеч қачон мени шарманда қилишиннега йўл қўймайман!..

– Нимага ҳадеб шу бемаъни сўзни такрорлайверасан?

– Бу рост! Менинг она ва буви эканлигимни унутдингми?!

– Тушун, одамлар гапирса бир соат гапирав, бир кун гапирав, биз кейин баҳтли бўламиз ... – дедим ялинган оҳангда.

У кўзларини юмиб, ғамгин овозда шивирлади:

– Илтимос, ҳаловатимни бузма...

Тортишув жараёнида у ўзининг оналигини, бувилигини, қариндошлигини унтиб, оддий Аёлга айлангандай туюлди. Мен ўрнимдан сакраб туриб, унинг олдига ўтироқчи бўлдим, аммо у:

– Менга яқинлашма! – деб бақирди.

Юзимга бирор тарсаки тортгандай бўлди. Фазабдан бир лаҳза эс-хушимни йўқотиб, тилим калимага келмади. Кейин базур ўзимни қўлга олиб, шивирладим:

– Сени Аллоҳга топширдим...

Мен қаҳвахонада ўтирган Ҳомиднинг олдига ҳам, уйга ҳам қайтмадим. Бемақсад кўча тентирадим. Шаҳар четидаги қаҳвахонада бироз тин олдим. Тонгга яқин қабристонни эслатувчи уйимга қайтдим...

...Эртаси куни одатдагидай «Ан-Нажаҳ» қаҳвахонасиға кетаётганда унинг уйига на зар ташладим. У айвонда менга тикилиб, қараб турарди. Одоб юзасидан бош силкиб, саломлашдим. Шунда у мени қўли билан имлади. Ҳаяжонланганимдан энтикиб кетдим. Бу нимаси экан? У деразани очиб,

ўзини орқага олди ва яна қўл силкитиб, имлади. Кейин яшириниб олди. Қувончдан юрагим ҳапқирди. Энди мен қоронги тушибини кутмай, унинг уйи томон дадил йўл олдим.

## **МУНДАРИЖА**

Шаҳризода.....	3
Ўзликни англаш .....	18
Бир кунлик баҳт .....	27
Сармаст қўшиқчи.....	41
Кишлоғимиздаги севги можаролари.....	53
Тергов .....	69
Кечиккан муҳаббат .....	98

Адабий-бадиий нашр

НАЖИБ МАҲФУЗ

БИР КУНЛИК БАХТ

Хикоялар

Рус тилидан  
Лола ШОИМОВА таржимаси

Муҳаррир	Ж. Қараматов
Рассом-дизайнер	Д. Мулла-Ахунов
Техник муҳаррир	Б. Каримов
Кичик муҳаррирлар:	Д. Холматова, Г. Ералиева
Мусаххих	Ш. Ҳакимова
Компьютерда тайёрловчи	Ф. Ботирова

Нашриёт лицензияси АI № 158.14.08.2009  
Босишига 2016 йил 4 марта рухсат этилди  
Бичими 70x90 '/<sub>32</sub>. Офсет көғози.  
«Pragmatica» гарнитурасида оғсет усулида  
босилди.  
Нашр табоби 5,81. Шартли босма табоби 6,  
Адади 3000 нусха. Буюртма № 16-100.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигигин  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи  
100129. Тошкент, Навоий кучаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20  
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10  
e-mail: [iptd.uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:iptd.uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)